

السلام



Ойлик ижтимоий-маърифий электрон журнал (2-сон, Сафар ойи, 1434)

ذو الجلال والإكرام المفضل الجامع الغنى المغنى المانع الضار النافع النور الهادى البديع الباقي الوارث الرشيد الصبور
الواحد الصمد القادر المقدر المقدم المؤخر الأول الظاهر الباطن الوالى المتعالى البر التواب المنتقم العفو الرؤوف مالك الملك
الشهيد الحق الوكيل القوى المتين الولي الحميد المحصى المبدئ المعيد المحيي المميت الحي المنتقم العفو الرؤوف مالك الملك
الأكبر الحفيظ المقيت البصير الحكيم العدل اللطيف الخبير الحليم العظيم الواسع الحكيم الوارث الرشيد الصبور
المذل السميع الوهاب العزيز الجبار المتكبر الخالق البارئ المصور الرافع المعز
القهار الوهاب العزيز الجبار المتكبر الخالق البارئ المصور الرافع المعز
المهيمن الرحمن الرحيم الملك القدوس السلام المؤمن



Ашҳадки Расул Аллоҳ



Таҳрир ҳайъати:

Шайх Муҳаммад Содиқ
Муҳаммад Юсуф (раис)
Тоҳир Малик.
Эркин Малик.
Абдулҳамид Турсун.

Муҳаммад Айюб Усмон.
Муҳаммад Зуфар.
Озод Мунаввар.
Исмоил Муҳаммад Содиқ
Анвар Аҳмад

Таҳрир ҳайъати:

“Ҳилол” ойлик электрон журнали. 4-сон.
Муассис: “Ҳилол” нашрети МЧЖ (Москва)
Бош муҳаррир: Аҳмад Муҳаммад
Бош директор: Абу Муслим
Мусаввир: Беҳзод Вафоев

ҲАЛОКАТДАН САҚЛАНИНГ!

Яхши замонлар келди. Ибодатларни эмин-эркин қилиш, илм эгаллашнинг кенг имкониятлари очилди. Китоблар пайдар-пай чоп этилиб турибди, улар орасида тафсир, ҳадис китоблари ҳам кўп... Бу китобларни имкон қадар ўқиб ҳам турибмиз... Аммо, уқяпмизми? Ўқиганларимиз ҳақида озгина бўлса ҳам фикр юритяпмизми? Хулоса чиқаришга уриняпмизми ёки билганларимизни ҳаётимизга татбиқ этишга ҳаракат қияпмизми?

Мисол учун, мўтабар ҳадис китобларидан “Мишкатул-масобиҳ”даги биттагина ҳадиснинг мағзини чақиб кўрайлик. Абу Ҳурайрандан (розияллоху анху) ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Еттита ҳалок қилувчилардан сақланинглар», дедилар. Саҳобалар: «Улар нималар, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишди. Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Аллоҳга ширк келтириш, сеҳр, Аллоҳ ҳаром қилган жонни ноҳақ ўлдириш, рибо ейиш, етим молини ўзлаштириш, уруш кунни жанг майдонидан қочиш, афифа, мастура ва мўмина аёлларга зинокор дея тухмат қилиш», дедилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Энди ана шу саҳиҳ (ишончли) ҳадис маъноси устида бироз бош қотирайлик. Пайғамбаримиз инсонларни ҳалокатга олиб борувчи етти оғир гуноҳни санаб, умматни булардан сақланишга чақирмоқдалар. Буларнинг энг оғири Аллоҳга бирор нарса ёки махлуқни шерик қилишдир. Бизлар бу хавфдан омондамиз, деб баралла айта оламизми? Парвардигорга бирор нарсани шерик қилишдан сақланишимизми? Иш-амалларимизни бировга ёқиш ёки кимдандир ниманидир умид қилиб адо этишимиз ёки Аллоҳнинг розилиги учунми? Аллоҳдан кўрқамизми ёки бирор бандасидан? Кимнидир алдаётганимизда ёки ҳаққиға хиёнат қилаётганимизда Аллоҳ кўриб-билиб тургани ҳақида ўйлашимизми?

Сеҳр куфрдир, ҳалок қилувчи гуноҳи кабиралардан биридир. Сеҳр билан шуғулланувчилар кофир, уларнинг жазоси жуда қаттиқдир. Сеҳрдан топилган пул эса ҳаром ва жирканчлидир. Аммо кўпларимиз сеҳргарларнинг олдига чопишдан, улар айтган гапларга ишонишдан ва амал қилишдан ҳазар қиялпмиз. Баъзи илмсиз, жоҳил кимсаларнинг бошқаларга зулм қилиш ёки ғанимларидан ўч олиш ёхуд эр-хотинни бир-бирига “иситиш ё совутиш”, бошқа сеҳргарнинг сеҳрини қайтариш учун сеҳргарга боришлари, унинг сўзига ишонишлари ҳам ҳаромдир. Сеҳрдан охират учун ҳеч қандай фойда йўқ, аксинча унинг зарари катта. Аллоҳ таолонинг изнисиз сеҳргар ҳеч кимга зарар етказа олмайди. Сеҳр ва жоду билан шуғулланувчилар

бунинг ўрнига дин ва Китобни ўрганишса, савобга эришган бўлишарди. Ҳозирда ҳам аксар сеҳргарлар сеҳрни қабих ниятда, эр-хотинни ажратиш ёки дўстлар орасини бузиш, инсонлар ўртасига душманлик солиш, жамиятда фасод тарқатиш каби ишларда қўллашади. Ким сеҳрни бир инсонга озор ва зарар етказиш учун ишлатса, ҳақ йўлдан адашади, иймон гавҳаридан ажрайди, чунки сеҳр киши иймонининг синовидир.

Навбатдаги ҳалокатли иш – Аллоҳ ўлдиришни ҳаром қилган жонни ўлдириш. Бегуноҳ кишиларнинг жонига қасд қилиш, уларнинг молини талаш учун ёки хусумат туфайли ўлдириш ҳозирги жамиятларда ода-тий ҳолга айланиб бўлди. Кимларнингдир ноғорасига ўйнаб бегуноҳ мусулмонларга қарши хунрезликлар қилиш ҳам етарлича бор. Аллоҳдан қўрқмайдиган бундай кимсалар жанг майдонидан қочишдан ҳам тойиш-майди.

Рибохўрлик, яъни судхўрлик, яна ҳам аниқроғи фоиз ейиш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бу гуноҳ туппа-тузуқ, ибодатли мусулмонларни ҳам сескан-тирмай қўйди. Рибони ҳалол санаб, ундан фойдаланиб юрганлар қанча! Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бундан ўн тўрт аср олдин умматни бе-жизга огоҳлантирмаганлар: «Аллоҳга қасам, агар би-рор киши халқумидан бир ҳаром лўқма ўтказса, унинг амаллари қирқ кунгача қабул бўлмайди. Қай банданинг жасади ҳаром озуқадан ва рибодан озиқланибди, унга дўзах лойикрокдир».

Етим молини ўзлаштириш, улар ҳаққига хиёнат қилишда покмиз, деб айтишимиз қийин. Чунки ора-мизда етимлар ҳаққидан ҳазар қилмайдиган мусул-монларнинг ҳам борлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир! Мўмина, мастура аёлларни зинокорлик-да айблаш уёқда қолиб, ўзлари бемалол зино қилиб юрган эрлар ҳам, аёллар ҳам керагича топилади. Бир киши мол-давлат топсаю уни ҳаром-ҳариш ишларга, масалан, зино қилиш кабиларга сарфласа, Парварди-гор неъматларига катта ношукрлик қилган, бу билан ўзини ҳалокатга отган бўлади.

Ҳадисни ўқиб тугатдимۇ, бутун вужудимни титроқ босди. Унда баён этилган инсонларни ҳалокатга олиб боровчи етти гуноҳнинг барики бугунги кунда мусулмонларимиз тарк этишмаган экан. Энди ҳолимиз нима бўлади? Аллоҳ асрасин, бу фалокатдан огоҳлантирган охирзамон Пайғамбаримизнинг умматлари, яъни ҳаммамиз ҳалокат сари кетяпмизми? Умид ёлғиз Аллоҳдан! Бу ёзувларимиз эса диндошларимизга бир эслатма, огоҳлантириш, холос!

ТЎҒРИ ЙЎЛГА ҲИДОЯТ ҚИЛУР

“Аллоҳ бирон кишининг ичида иккита қалб қилган эмасдир. Ўзларингиз зиҳор қилаётган хотинларингизни сиз учун она ҳам қилган эмас ва асранди болаларингизни сизга фарзанд қилган эмас. Булар оғзингиздаги гапларингиздир. Аллоҳ эса ҳақни айтур ва У тўғри йўлга ҳидоят қилур” (Аҳзоб сураси, 4-оят).

Бу оятда жоҳилият тузумининг учта ҳукми ҳақида сўз кетмоқда. Булар: ақлли ва зийрак кишиларнинг қалби иккита бўлади, деган тасаввур; ким хотинидан зиҳор қилса, хотини онаси бўлиб қолади, деган ақида; ким бирор бола асраб олса, ўз сулбидан бўлган боланинг ўрнига ўтади, деган ҳукм. Бу уччала ҳукмга кофир ва мунофиқлар тўла ишонишар ва амал қилишар эди. Шу билан бирга, мўмин-мусулмонларнинг ҳам бу ҳукмларга итоат этишларини талаб қилишарди. Ким амал қилмаса, маломатга қоларди. Мана шу оят мусулмонлар олдига Аллоҳга тақво қилиш, У юбораётган ваҳийга эргашиш, фақат Яратганнинг Ўзига суяниш ва кофиру мунофиқларга эргашмаслик вазифасини амалий равишда қўйди.

«Аллоҳ бирон кишининг ичида иккита қалб қилган эмасдир». Араб мушриклари баъзи одамларнинг иккита қалби бўлади, деб эътиқод қилишарди. Жумладан, Жамил ибн Маъмор ал-Феҳрий исмли одамнинг иккита қалби бор, дейишарди. Унинг ўзи ҳам: «Менинг ичимда иккита қалбим бор. Уларнинг ҳар бири билан Муҳаммаддан кўра яхшироқ ақл юриたまан», дер эди. Ушбу ояти карима ўша Жамилнинг ёлғончи эканини, мушрикларнинг бу маънодаги тушунчалари ботиллигини баён қилмоқда. Шу билан бир вақтда, ҳеч бир одам ҳеч қачон иккита қалбли бўлмаслигини, уларнинг бири билан иймон, иккинчиси билан куфр келтира олмаслигини, бир одам ҳам ростгўйлик, ҳам ёлғончилик қилолмаслигини, ҳам диндор, ҳам динсиз бўла олмаслигини, динга ҳам ихлос, ҳам адоват кўрсата олмаслигини уқтирмоқда. Аллоҳ таоло ҳар бир одамга биттадан қалб берган. У қалбга бир нарса сиғади: ё иймон, ё куфр, ё нифоқ. Иймонли қалб эгаси доимо ростгўй, диндор, ихлосли, тақволи, ибодатли, ҳамма ҳолатда Аллоҳнинг амрига мувофиқ иш қиладиган, шариат бўйича йўл тутадиган бўлади. Унинг айтаётган сўзидан, қилаётган ишидан иймонли қалб эгаси экани билиниб туради.

Ўз навбатида, кофир қалб эгаси ёлғончи, динсиз, ихлоссиз, фисқу фужурга берилган, ҳаромхўр, ибодатсиз, Аллоҳнинг буюрганини қўйиб, бошқанинг айтганига юрадиган бўлади. Кофирни ҳам гап-сўзидан, қилаётган ишидан таниб олинад.

مَا جَعَلَ اللَّهُ لِرَجُلٍ مِّن قَلْبَيْنِ فِي جَوْفِهِ ۖ وَمَا جَعَلَ أَزْوَاجَكُمُ النِّسَاءَ تَظَاهِرُونَ مِّنْهُنَّ أُمَّهَاتِكُمْ ۖ وَمَا جَعَلَ أَدْعِيَاءَكُمْ أَبْنَاءَكُمْ ۚ ذَٰلِكُمْ قَوْلُكُمْ بِأَفْوَاهِكُمْ ۖ وَاللَّهُ يَقُولُ الْحَقَّ وَهُوَ يَهْدِي السَّبِيلَ ﴿٤﴾

Мунофиқ эса ичи бошқа, усти бошқа одамдир. У сиртидан мусулмон бўлиб кўринади, ичи эса кофир бўлади. Мусулмонларни кўрса, мусулмонман, дейди, Ислому амалларини бажаради. Ўзи қолса ёки кофирларга қўшилса, Ислому амалларини тарк этиб, куфр ишларини қилад.

Уни ҳам гап-сўзи, юриш-туришидан билиб олса бўлади. Демак, инсон фақат бир хил бўлиши мумкин, холос. Чунки Аллоҳ таоло унинг ичида фақат битта қалб яратган. Ўзининг шахсий ишларига алоҳида қалб, жамиятдаги ишларига яна бошқа бир қалб берган эмас. Диний ишлар учун алоҳида бир қалб, дунёвий ишларга яна бошқа бир қалб яратган эмас. Худо учун қиладиган муомаласига ҳам бошқа битта қалб берган эмас. Аллоҳ таоло ҳар бир одамга ягона қалб берган. Ҳар бир одам шахсий юмушларида ҳам, жамият ишларида ҳам, дину диёнатда ҳам, Худо ва банда билан бўладиган алоқада ҳам бир қалб билан, бир йўл билан – Аллоҳ кўрсатган йўл билан юриши керак.

«Ўзларингиз зиҳор қилаётган хотинларингизни сиз учун она ҳам қилган эмас...» «Зиҳор» арабларга хос истилоҳ бўлиб, жоҳилият қоидаларига кўра, ким ўз хотинига: «Сен мен учун худди онамнинг орт қисми кабисан», деса, хотини онасига «айланиб» қоларди. Яъни худди онасига ўхшаб, никоҳи ҳаром бўлар ва бошқа ҳукмлар ҳам жорий қилинар эди. Зиҳор ҳақидаги тушунча ва унга тегишли ҳукмлар Мужодала сураси ва унинг тафсирида батафсил келтирилган. Бу оятда эса зиҳорнинг нотўғри экани эълон қилинмоқда. Худди бир одамнинг ичида иккита қалби борлиги беҳуда ва мантиқсиз гап бўлганидек, эркак киши «мен сени зиҳор қилдим» дейиши билан хотини унга она ўрнига ўтиб қолиши ҳам мантиқсиз экани баён этилмоқда.

«...ва асранди болаларингизни сизга фарзанд қилган эмас». Арабларда бола асраш, хусусан, ўғил болаларни асраб, ўзига ўғил қилиб олиш одати бор эди. Бу ҳолат, айниқса, урушда асир тушганларни ўғил қилиб олиш борасида кўпроқ содир бўларди. Жоҳилият арабларидан ҳар бири бошқа бир одамнинг ўғлини ўзиники қилиб олиши мумкин эди. Бу ҳолат жуда кенг тарқалган эди. Бир одам бировнинг боласига: «Сен менинг ўғлимсан, мен сенга меросхўрман, сен менга меросхўрсан», деса



ва бола бунӣ қабул қилса, иш битди ҳисоб. Бола унга ўз сулбидан бўлган ўғлидек бўлар, мерос, никоҳ, талоқ ва бошқа ҳукмларда ўз ўғлига нима муомала қилинса, асранди болага ҳам шу муомала қилинар эди.

Аллоҳ таолонинг иродасидаги ҳикматга биноан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Пайғамбар бўлишларидан олдин Зайд исми болани араблар одати бўйича асранди ўғил қилиб олган эдилар. Бу воқеанинг ўзига яраша тарихи ҳам бор. Уламоларимиз бу қиссани батафсил ёзиб қолдирганлар:

«Зайд онаси билан Той қабиласидаги тоғалариникига зиёратга борганида, улар устига араб қабилаларидан бири бостириб келиб қолади. Ўшанда Зайд ҳам асирга тушганлар билан бирга Маккага келтирилади. Уни Хадийжа бинти Хувайлид хоним сотиб оладилар. У киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга турмушга чиққанларидан сўнг, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга Зайднинг заковати ва етуклиги ёқиб қолганини мулоҳаза қилиб, уни ҳадя қиладилар. Зайд Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хизматларини қилиб юради.

Зайднинг отаси Ҳориса ибн Шурайҳбил ўғли асирга тушганидан сўнг унинг фироқида кечаю кундуз йиғлар, унинг ҳақида шеърлар айтар эди. Кунлардан бир куни Ҳорисага ўғли Зайд Маккада Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эканининг хабари етади. Ҳориса укаси билан тезда Маккага келиб, Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни излаб топди ва:

– Эй Муҳаммад, албатта, сизлар Байтуллоҳнинг аҳлисизлар, асирга тушганларни озод қиласизлар, асирга таом берасизлар. Менинг ўғлим сизнинг ҳузурингизда экан, уни бизга беринг, унинг тўлови ҳақида бизга яхшилик қилинг. Албатта, сиз ўз қавмининг улуғи бўлган одамнинг зурриётисиз. Унинг тўловига нимани истасангиз, берамиз, – деди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Мен сизларга бундан ҳам яхшироқ нарсани бераман, – дедилар. Улар:

– У нарса нима? – деб сўрашди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Ҳузурингизда уни ўз ихтиёрига қўяман. Агар у сизларни ихтиёр қилса, уни тўлов бермай, олиб кетаве-

расизлар. Агар у мени танлайдиган бўлса, мен ўзимни ихтиёр қилган киши учун тўлов оладиган одам эмасман, – дедилар. Улар:

– Жуда яхши қиласан! Аллоҳ сенга яхши мукофотлар берсин! – дейишди.

Сўнгра Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайдни чақириб:

– Эй Зайд! Анавиларни танийсанми? – деб сўрадилар. У:

– Ҳа, буниси отам, ана униси амаким, – деди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Эй Зайд! Бу отанг. Бу амакинг. Мен ўзинг билган одамман. Биздан кимни хоҳласанг, танла, – дедилар. Шунда Зайднинг кўзларидан ёш оқа бошлади ва:

– Мен сиздан бошқа ҳеч кимни ҳеч қачон ихтиёр қилмайман. Сиз мен учун ҳам ота, ҳам амаки ўрнидасиз, – деди. Отаси билан амакиси:

– Ҳой Зайд! Ҳурликни қўйиб, қулликни танлайсанми?! – дейишди. Зайд уларга:

– Албатта. Мен бу одамдан шунчалар яхшилик кўрдимки, энди ундан ажрай олмайман. Мен ҳеч қачон ундан бошқа одамни ихтиёр қила олмайман, – деди.

Сўнгра Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамлар ҳузурига чиқдилар ва:

– Гувоҳ бўлинглар! Зайд менинг ўғлимдир. Мен унга меросхўрман, у ҳам менга меросхўрдир, – дедилар.

Зайднинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида қанчалик икром-эъзозга эга эканини кўрган отаси ва амакиси кўнгиллари таскин топиб, ортга қайтдилар. Қуръон оятлари тушиб, асранди ўғил бекор қилингунча, у «Зайд ибн Муҳаммад» деб чақирилиб юрди».

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайд ибн Ҳорисани, аввал айтилганидек, Аллоҳ таоло ирода қилган бир ҳикмат билан асранди ўғил қилиб олганларини ёдимизда тутайлик-да, яна жоҳилият аҳлининг бошқа бировнинг боласини ўзига фарзанд қилиб олишдек номаъқул одатига қайтайлик. Аллоҳ таоло ушбу оят билан бу одатнинг ботил эканини баён қилди.

Эътибор берадиган бўлсак, Аллоҳ таоло бир оятда бир йўла жоҳилиятнинг уч одатини ботилга чиқармоқда. Бир кишининг икки қалби бўлиши мумкинлиги ҳақидаги хуруфий тасаввурни; зиҳор қилинган хотин эрига она бўлиши ҳақидаги ҳукми; бировнинг боласини бошқа одам ўзига фарзанд қилиб олиши одатини бекор деб эълон қилмоқда. Сўнгра оятнинг давомида: «Булар оғзингиздаги гапларингиздир», дейилмоқда.

Ҳар кимнинг ҳам оғзидан чиққан гап қонун бўлавермайди. Бу ишлар беҳудадан-беҳудага оғзингизни тўлдириб гапириб юрган гапингиз, холос. Сизнинг гапингиз ноҳақдир. «Аллоҳ эса ҳақни айтур ва У тўғри йўлга ҳидоят қилур».

Аллоҳ бу уч масалада ҳақни баён қилиб қўйди. Бир кишининг икки қалби бўлмайди. Зиҳор қилинган хотин эрига она бўлмайди. Тутинган ўғил фарзанд ўрнига ўтмайди. Аллоҳгина тўғри йўлга ҳидоят қилади, шунинг учун доимо У кўрсатган йўлдан юриш керак.

(“Тафсири Ҳилол”дан).

ИЙМОН

ШУЪБАЛАРИДАН БИРИ

Абу Ҳурайра розияллоху анхундан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: «Иймон етмиш нечта ёки олтмиш нечта шуъбадан иборатдир. Унинг энг афзали «Лаа илаҳа иллаллоҳ» дейиш ва энг кичиги, йўлдаги озор берадиган нарсани олиб ташлаш. Ҳаё – иймоннинг шуъбасидир», дедилар.

Шарҳ: Ушбу ҳадис Абу Ҳурайра розияллоху анхундан ривоят қилинмоқда. Аввало, у киши билан танишиб олайлик.

Абу Ҳурайра розияллоху анхунинг Исломдан олдинги исмлари Абдушшамс ибн Саҳр эди. Исломга кирганларидан сўнг, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам у кишининг исмларини Абдурраҳмон деб ўзгартирдилар. Доимо кичик мушукчалари билан юрганлари сабабли, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам томонидан Абу Ҳурайра деб куняланганлар. Абу Ҳурайра Яманнинг Давс қабиласидан эдилар.

Абу Ҳурайра розияллоху анху ҳижратнинг еттинчи, «Хайбар» санасида Исломни қабул қилган пайтларида ўттиз ёшда эдилар. У киши Хайбардан қайтаётган Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга Мадинага келадилар. Абу Ҳурайра розияллоху анху Асҳобус-суффа – Расулуллоҳнинг масжидларидаги суффада яшаб, у кишидан ҳадис эшитиш билан машғул бўлган саҳобаларнинг бири эдилар. Шу сабабли Исломга кеч кирганларига қарамай, саҳобалар орасида энг кўп ҳадис ривоят қилган киши ҳисобланадилар. У киши 5374 та ҳадис ривоят қилганлар ва бу ҳадислар Тақий ибн Муҳаммаднинг муснадларида келтирилган.

Абу Ҳурайра кенг елкали, қорамтир рангли, икки олдинги тишларининг ораси очик, юмшоқ табиат, ҳазилкаш киши эдилар. Ёш болаларни кўрсалар, уларни кулдириб, бозордаги кишиларни қиссалар айтиб, кўнглини хушлантириб юрар, лекин ўзлари яқка қолсалар, кечаларини ибодат билан бедор ўтказадиган киши эдилар. Абу Ҳурайра кўп вақтларини Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг суҳбатларида ўтказар эдилар. Бирор ҳадисни эшита олмай қолишдан қўрқиб, кўп пайтларида очликдан букчайиб қолар эдилар.

Абу Ҳурайра саҳобаларнинг ичида энг зеҳни ўткири эдилар. Бу ҳақда Имом Бухорий, Муслим ва Термизийлар у кишидан келтирган ривоятда: «Эй Расулуллоҳ, сиздан кўп нарсани эшитаману ёдлаб қололмайман», дедим. У киши: «Ридойингни ерга ёз», дедилар. Ридойимни ёздим. Менга кўп ҳадис айтдилар. Айтган ҳадисларидан бирор нарсани эсимдан чиқармадим», дейдилар.

Толҳа ибн Убайдуллоҳ: «Абу Ҳурайранинг

Расулуллоҳдан биз эшитмаганимизни ҳам эшитганларига ҳеч шак йўқ», дейдилар. Ибн Умар: «Абу Ҳурайра ҳадисни мендан кўра яхши биладилар», дейдилар. Убай ибн Каъб: «Абу Ҳурайра Расулуллоҳдан бошқа киши сўрай олмайдиган нарсаларни сўрашга журҳат этарди», дейдилар.

Бир киши Зайд ибн Собитдан бир масалани сўраб келганда, у киши: «Абу Ҳурайрага бор. Бир куни мен, Абу Ҳурайра ва фалончи масжидда Аллоҳнинг зикри ва дуо билан машғул эдик. Шу пайт Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам олдимизга чиқиб ўтирдилар ва: «Нимани дуо қилаётган бўлсангиз, шунда давом этинг», дедилар. Мен ва ҳамроҳим дуо қилдик, Расулуллоҳ «омин» деб турдилар. Абу Ҳурайра: «Эй бор Аллоҳ, сендан икки ҳамроҳим сўраганлари ва эсдан чиқмайдиган илмни сўрайман», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам «омин» дедилар. «Биз ҳам эсдан чиқмайдиган илм сўраймиз, эй Расулуллоҳ», дедик. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Буни сизлардан олдин давслик ғулом (Абу Ҳурайра) сўради», дедилар.

Марвон ибн Ҳакамнинг волийси ва котиблари Солим Абу Заъзаъа ривоят қиладилар: «Марвон ибн Ҳакам Абу Ҳурайрани чақириб, у кишидан ҳадис сўрай бошладилар. Мен ҳадисларни ёзиб олдим. Бир йил ўтгач, яна Абу Ҳурайрани чақирган Марвон у кишидан мен ёзиб олган ҳадисларни сўрадилар. Абу Ҳурайра бирон бир ҳарфни ёки сўзни ортиқча ёки ноқис, олдин ёки ке-йин айтмадилар».

Абу Ҳурайрадан ҳадис ривоят қилганларнинг сони саккиз юз кишидан ортади. Жумладан, Абу Бакр, Умар, Усмон, Фазл ибн Аббос, Убай ибн Каъб, Усома ибн Зайд, Оиша, Ибн Умар, Ибн Аббос, Жобир ибн Абдуллоҳ, Анас ибн Молик; тобеъинлардан: Саъид ибн Мусайяб, Ибн Сийрин, Абдуллоҳ ибн Саълаба, Урва ибн Зубайр, Салмон ибн Ясир, Ирок ибн Молик, Солим ибн Абдуллоҳ ибн Амра, Ато ибн Абу Руббоъ, Ато ибн Ясар ва бошқалар.

Абу Ҳурайра оғир касал бўлиб қолганларида у кишини кўргани Марвон ибн Ҳакам келадилар. Марвон Абу Ҳурайрага: «Аллоҳ сизга шифо берсин», деганларида, Абу Ҳурайра: «Аллоҳим, Сенга йўлиқишимни севдим, Сен ҳам Сенга йўлиқишимни сев», дедилар. Марвон ибн Ҳакам Абу Ҳурайранинг ҳузуридан чиқиб, бозорнинг

ўртасига етмасларидан Абу Ҳурайрининг жони узилди. Абу Ҳурайра 57 ҳижрий санада вафот этдилар.

Бу ҳадиси шарифда келган: «Етмиш нечта ёки олтмиш нечта»даги шак ровийдандир. Ҳадисни эшитётганда аниқ эшита олмай қолган. Нима етса, шуни ривоят қилиш зарур бўлганидан бошқалардан сўраб аниқлаб олган бўлса ҳам ўзи эшитгандаги ҳолатни аниқ ифода этишни омонат билганидан шу ҳолда ривоят қилган.

«Етмиш нечта» дегани, етмишдан ортиқ, саксондан кам дегани. Бу ҳадиси шарифда иймоннинг шуҳбалари борлиги таъкидланмоқда.

Бу «Муржиъа» мазҳабадиларга қарши ҳужжатдир. Шу билан бирга, иймоннинг юқори ва пастки қисми борлиги таъкидланмоқда. Етмиш неч—та шуъбанинг энг юқориси калимаи шаҳодатни айтиш бўлса, энг пастки йўлдан озор берадиган нарсани олиб ташлаш. Икковлари орасида яна етмишдан ортиқ шуҳбалар бор. Бу ҳам иймон ягона, бир бутун нарсадир, унинг катта-кичиги бўлмайди, деган «Муржиъа» мазҳабадиларга қарши ҳужжатдир. Ўша шуҳбалар ичида «ҳаё» алоҳида эътиборга сазовор бўлгани учун «ҳаё иймоннинг шуҳбасидир», деб алоҳида таъкидланади. Шунингдек, иймон нафақат сўздан, эътиқоддан, балки амалдан ҳам иборат экани тушунилмоқда. Чунки йўлдаги озор берадиган нарсани олиб ташлашга гапни ҳам ва дилдаги тасдиқни ҳам нисбат бериб бўлмайди. Бу соф амалдан иборат. «Муржиъа» мазҳабадилар эса, иймон фақат гапдан иборат, дейдилар.

Умуман, ушбу ҳадис уламоларимизни кенг ва чуқур илмий изланишларга чорлаган ҳадисдир. Чунки, унда Исломдан олдин ҳам, Исломда ҳам энг кўп баҳс юритилган масала – иймон ва унинг шуъбалари ҳақида сўз кетмоқда. Иймон ҳамма нарсанинг асли бўлганидан унга алоҳида эътибор бериш зарур. Айни шу масала бўйича алоҳида китоб тасниф қилган уламолар ҳам бор. Имом Абу Абдуллоҳ ал-Ҳалимийнинг «Фавоидул минҳож», Имом Байҳақийнинг «Шуъбул иймон», Исҳоқ ибн ал-Қуртубийнинг «Китобун-Насих», Имом Ибн Ҳиббон Бустийнинг «Васфул Иймон ва шуъабиҳи» китоблари шулар жумласидандир.

«Иймон» луғатда «ишонч», «тасдиқ» маъноларини билдиради. Шариатда эса, бир нарсани тил билан айтиш, дил билан тасдиқлаш ва амал билан тамомлаб, камолга етказишдир. Иймоннинг етмиш нечта шуъбаси бор, дейиш иймонни етмишдан ортиқ шоҳи бор дарахтга ўхшатишдир. Дарахтнинг асли иймон бўлса, унинг шоҳлари иймоннинг шуъбаларидир. Аҳли сунна ва жамоанинг барчалари – муҳаддислар ҳам, фуқаҳолар ҳам, ақида илми уламолари ҳам иттифоқ қилишиб: «Дўзахда абадий қолмайдиган, аҳли қибла ҳисобланган мўмин – Ислом динига ҳеч қандай шак-шубҳасиз жазм ила эътиқод қилган ва шаҳодат калимасини нутқ қилган одамдир», дейдилар. Тили билан айтиб қўйса, кифоя, деганлар адашган «Муржиъа» мазҳабадилардир.

Ушбу ҳадисда иймон етмиш ёки олтмишдан ортиқ

шуъбага эга экани ва ўша шуъбаларнинг энг юқориси, энг пастки ва яна биттасининг номи айтилмоқда. Бошқа ҳадисларда етмишдан ортиқлиги ва яна баъзи бошқа шуҳбалар ҳақида сўз кетган. Лекин бирорта ҳадисда етмиш нечта шуъбани ҳисоблаб чиқилмаган. Бу эса, ўз навбатида уламоларимизни баҳсга, илмий изланишга чорлаган.

Имом Ибн Ҳиббон Бустий «Васфул Иймон ва шуъабиҳи» китобида қуйидагиларни ёзган эканлар: «Ушбу ҳадиснинг маъносини бир қанча муддат ўргандим. Тоатларни санасам, бу ададдан бирмунча кўп чиқди. Суннатга қайтдим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иймон, деб номлаган тоатларни ҳисобладим. Қарасам, улар етмиш неч—тадан кам. Қуръонга қайтдим. Аллоҳ таоло ўз китобида иймон, деб номланган амалларни ҳисобладим. Қарасам, улар ҳам етмиш нечтадан кам. Сўнгра такрор бўлганларини қолдириб, Қуръон билан Суннатда иймон, деб номланган амалларни қўшиб санасам, оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас, етмиш нечта чиқди. Ана шундагина, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳадисдаги ададдан Қуръон ва Суннатда иймон, деб номланган амалларни кўзда тутганларини англадим».

Энди ушбу ҳадисдан оладиган фойдалар ҳақида сўз юритайлик:

1. Иймоннинг шуъбалари борлиги.
2. «Лаа илаҳа иллаллоҳ» иймоннинг олий шуъбаси экани.
3. Йўлдан озор берувчи нарсани олиб ташлаш иймондан экани.
4. Ҳаё иймондан экани.

Уламоларимиз иймон ва унинг шуҳбаларини дарахт ва унинг шоҳларига ўхшатадилар. Агар Имом ал-Айнийнинг ижтиҳоди ила тасаввур қилсак, иймон етмиш етти шоҳи бор бир гўзал дарахтдир. Ўша кўркам дарахт ҳамма шоҳлари билан гўзалдир. Аллоҳ кўрсатмасин, бирор шоҳи, ҳатто бирор баргига путур етса, дарахтнинг гўзаллигига путур етади. Кўрган одам: «Ушбу барги ҳам бут бўлганда ажойиб дарахт бўлар экан», деб афсусланади. Қани, инсоф билан бир ўйлаб кўрайлик-чи, иймон дарахтимизнинг ҳамма барглари, шоҳлари, танаси бутми? Нечта шоҳи кесилган, нечтаси қуриган? Уларни ўрнига келтириш учун нималар қилмоқдамиз?

Дунё бугунги кунда бу ҳадисдан чиқадиган ҳикматларга қанчалик муҳтож? Дунёга етмиш нечта шуъбаси бор иймон жуда керак, дунё ва инсоният иймонга жуда муҳтож. Бутун дунё, барча инсоният «Лаа илаҳа иллаллоҳ»га муҳтож, иймоннинг муҳим шуъбаларидан бўлган ҳаёга муҳтож.

Улар йўлдан озор берадиган нарсани олиб ташлашни иймон шуъбаси даражасига кўтарган Ислом динига муҳтожлар. Бу эҳтиёж кундан-кунга ўсиб бормоқда. Чунки дунёда, инсонлар ичида кундан-кунга иймонсизлар, иймони заифлар кўпаймоқда, ҳаёсизлар кўпаймоқда. Инсоният йўлига озор берувчи нарсаларни ташловчилар кўпаймоқда.

(“Ҳадис ва Ҳаёт”, 2-жилд)

САФАР ОЙИ ХОСИЯТСИЗ ЭМАС!

Ҳурматли “Ҳилол” таҳририяти, халқимиз орасида сафар ойида сафар қилиб, тўй ўтказиб бўлмас эмиш, бу ойда сафар қилса йўлда офатга дучор бўлармиш, тўй қилса, оиласи бахтсиз бўлармиш, деган гаплар юради. Динимизнинг бундай иримларга муносабатини билмоқчи эдим.

Журналимиз муҳлисининг бу саволига шайх Муҳаммад Содиқ МУҲАММАД ЮСУФ ҳазратлари жавоб берадилар:

– Ҳар йили сафар ойи келиши билан бу хилдаги саволлар кўпайиб кетади. Бу гапларни ўзим ҳам болаликдан буён эшитиб келаман. Дастлаб, сафар ойида сафар қилиб бўлмасмиш, деган гапни эшитганимда номи сафар бўлгани учундир-да, деб ҳаёл қилган эдим. Кейин билсам, ой номи сафар эмас, «софар» экан. Бу ой номининг сафарга ҳеч қандай алоқаси йўқ экан. Отамиз раҳматли бу ой тўғрисидаги одамлар ичида тарқалиб қолган гап-сўзлар нотўғри эканини айтиб юрар эдилар. Албатта, бошқа аҳли илмлар ҳам ҳақиқатни халққа етказишар эди. Аммо халқ орасида барибир сафар ойдан шумланиш маъносидаги гаплар давом этаверарди. Сафар ойи ҳақидаги ноҳуш тушунча ва эътиқодлар ҳозир ҳам давом этмоқда.

Қуръони каримда сафар ойига оид маълумот борми? Текширишлар шуни кўрсатдики, йилнинг бошқа ойлари қатори сафар ойи ҳам Қуръони каримда ўз номи ила тилга олинмаган экан. Аммо Қуръони карим оятларини тафсир қилиш ва улардаги ишораларни англаб етиш учун келтирилаётган маълумотларда сафар ойи борлиги аён бўлди. Аллоҳ таоло Тавба сурасида: «Албатта, «насийу» куфрда зиёда бўлишдан ўзга нарса эмас. Бу билан куфр келтирганлар залолатга кетказилади. Аллоҳ ҳаром қилган нарсанинг ададига мослаш учун уни бир йил ҳалол қилиб, бир йил ҳаром қилишади. Бас, бу билан Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилишади. Уларга амалларининг ёмонлиги зийнатланди. Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмайди» деган (37-оят).

Ояти каримадаги «насийу» сўзи луғатда “ортга суриш” маъносини ифода қилади. Жоҳилият даврида уруш ҳаром қилинган ойнинг ҳукмини бошқа,

кейин келадиган ойга суриш одати бўлган эди. Яъни, араб мушриклари ҳам тўрт ой – муҳаррам, зулқаъда, зулҳижжа ва ражабнинг ҳаром (яъни, қон тўкиш ҳаром қилинган) ойлари эканини тан олар, ўша ойларида уруш тамоман тўхтар эди. Агар бирор киши шу ойларида отасини ўлдирган одамни учратиб қолса ҳам, унга тегмасди. Аммо бордию, урушни хоҳлаб қолишса, аслида ҳаром бўлган ойнинг ҳаромлигини орқага суриб қўйиб, уруш қилишаварар эди.

Мисол учун, муҳаррам ҳаром ой, аммо шу ойда уруш қилгилари келиб қолса, бу йил унинг ҳаромлигини сафар ойига сурдик, ўша ойда уруш қилмаймиз, деб муҳаррамда жанг қилишар эди. Сафарда эса, урушишмасди. Янаги йили аксинча бўларди. Улар бир йилда тўрт ой урушмасак бўлди-да, қайси ойда бўлишининг нима фарқи бор, дегандек иш тутишар эди.

Жоҳилият замонида яшаганлар сафар ойини муҳаррамга яна бошқа бир мақсадда ҳам алмаштиришар эди. Уларнинг бу ишини кўйидаги ривоятдан билиб оламиз: Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Қурайш ва унинг динини тутганлар ҳаж ойларидаги умрани ер юзидаги энг катта фужурлардан бири деб билишарди. Улар муҳаррамни сафар қилар ва «Қачон туянинг яраси битса, излар йўқолса, сафар ойи тугаса, умра қилувчига умра ҳалол бўлади», дейишар эди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг саҳобалари тўртинчи куни эрталаб ҳажга эҳром боғлаб келишди. У зот саҳобаларга умра қилишни амр қилдилар. Бу уларга катта иш бўлиб кўринди ва улар: «Эй Аллоҳнинг расули! Ҳалолликнинг қайсиси?» дейишди. «Ҳалолликнинг барчаси», дедилар» (Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд ривояти).

Жоҳилият аҳлининг бунга ўхшаш ўзларича жорий қилиб олган номаъқул ишлари жуда ҳам кўп эди. Ўша ишлардан бири уларнинг ҳаж ойларидаги умрани ер юзидаги энг катта фужурлардан бири деб билишлари эди.

Исломдан олдинги жоҳилият даврида сафар ойдан шумланиш одати ҳам бор эди. Улар “са-



фар ойида янги иш бошлаб бўлмайди”, “никоҳ ақди қилиб бўлмайди”, “аёли билан бирга оилавий ҳаётни бошлаб бўлмайди”, “сафарга чиқиш мумкин эмас” каби бир қанча хурофотлар асосида бу ойдан шумланишар эди. Уларнинг фикрича, бу ой хосиятсиз бўлиб, унда турли ёмон мавжудотлар ер юзида тарқалар ва мазкур ишларни қилган одамларга зарар етказар эмиш.

Барча нотўғри эътиқодлар қатори динимиз бу каби хурофотдан иборат фикрларни ҳам тўғрилади. Пайғамбаримиз алайҳиссалоту вассалом бу борада бир қанча ҳадис айтганлар: Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалам: «Қасаллик юқиши йўқ, бойқуш йўқ, навъу йўқ ва сафар йўқ», дедилар» (Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд ривояти).

Ҳанафийларнинг энг машҳур фатво мажмуаларидан бири бўлмиш «Фатавои Оламгирия» ва шаръий одоблар бўйича мазҳабимизнинг асосий манбаларидан бўлмиш «Барийқаи Маҳмудия шарҳи Ториқаи Муҳаммадия» китобларида сафар ойига оид қуйидаги маълумотларни ўқиймиз: «Сафар ойида сафар қилмайдиган, никоҳ ва бошқа ишларни бошламайдиган, Набий алайҳиссаломдан ривоят қилинадиган «Ким менга сафар чиққанининг башоратини берса, мен унга жаннат башоратини бераман» деган гапни маҳкам тутиб олган кишилар ҳақида сўрадим. Бу ривоят ўзи тўғрими? Сафар ойида бахтсизлик ва машъумлик борми? У ойда бир иш қилишдан қайтариш борми?» деб сўрадим. У киши қуйидаги жавобни берди: «Са-

фар ойи ҳақида айтган гаплари (жоҳилиятдаги) арабларнинг гапидир. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбат бериб айтган ривоятлари қипқизил ёлғондир» («Жавоҳирул фатаво»дан).

Жоҳилият даври аҳлининг сафар ойидан шумланишига тамоман зид ўлароқ бу ой Исломда «сафарул хойр»—«сафар яхшилиқ» деб номланди. Жоҳилиятдаги одамларнинг: “сафар ойида иш бошлаб бўлмайди”, деган хурофотида зид ўлароқ Исломда кўпгина ишларни айнан сафар ойида бошланди. Масалан, Масжиди Набавийнинг қурилиши биринчи ҳижрий сананинг айнан сафар ойида бўлди. Жоҳилиятдаги кишиларнинг сафар ойида сафарга чиқиб бўлмайди, деган эътиқодига зид ўлароқ мусулмонлар худди бошқа ойлардаги каби бемалол сафарларга чиқишди. Пайғамбар алайҳиссалом сафар ойида сафарга чиқиб, Хайбарни фатҳ қилдилар. Жоҳилият давридагиларнинг сафар ойида никоҳланиб бўлмайди, деган сафсатасига қарши ўлароқ мусулмонлар бу ойда никоҳлар ўтказишди. «Тухфатул Муҳтож фии шарҳил Минҳож» китобида ва бошқа манбаларда имом Зухрийнинг ривоятлари асосида келтирилишича, Пайғамбаримиз алайҳиссалом айнан сафар ойида қизлари Фотимаи Заҳрони Али розияллоҳу анҳуга никоҳлаб бердилар. Ўшанда ҳижратнинг иккинчи йили эди. Демак, сафар ойидан шумланиш динимизда йўқ нарса экан (Аллоҳ билувчидир).

(“Зикр аҳлидан сўранг” рисоласидан олинди).

САЪД ИБН АБУ ВАҚҚОС

Абу Исҳоқ Саъд ибн Абу Ваққос Молик ибн Ухайб Зухрий (розияллоху анху) атоқли ва машҳур саҳобийлардан, Ашараи мубашшарага кирганлар. Саъд Қурайш қабиласидан, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг оналари каби Бани Зухра уруғидан, олтинчи отада (Ҳакамда) Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам сулоалари билан бирлашади. Саъд ибн Абу Ваққоснинг оталарининг исми Молик бўлган, Моликнинг куняси Абу Ваққос бўлган. Саъд ибн Абу Ваққоснинг номларига оталарининг исмини эмас, кунясини қўшиб айтиш одат бўлган. Хижратдан йигирма йил олдин (милодий 601 йили) туғилганлар. Маккалик мусулмонларнинг олтинчиси бўлиб ўн ёшда Исломга кирганлар. Мадинага хижрат қилганлар. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам билан барча ғазотларда қатнашганлар, у зотнинг қўриқчилари бўлганлар. Исломда биринчи бўлиб ўқ узганлар ва биринчи бўлиб мушрик қонини тўкканлар. Ухуд ғазотида мингдан ортиқ ўқ узганлар. Лашкарбоши сифатида Форс ўлкасини фатҳ этганлар. Қодисияда (х. 15) форс лашкарбошиси Рустамни ўлдирганлар, Мадоинга ҳужум қилиб Хисрав хазиналарини қўлга киритганлар. Куфа шаҳрини барпо этганлар. Ҳазрат Усмон вафотларидан сўнг халифаликка даъвогарлик қилмай, барча ишлардан четландилар. Мадина яқинидаги Ақиқ деган жойда истиқоматда бўлиб, хижрий 55 (милодий 676) йили вафот эдилар. Расули акрамдан 270 та ҳадис ривоят қилганлар. Ашараи мубашшарадан энг охириги ўлган Саъд бўлдилар. Васиятларига биноан Бадр жангида кийган ва эллик беш йилдан бери асраб келган жуббада қафландилар. Қабрлари Бакиъ қабристонида.

Саъд ибн Абу Ваққос биринчилардан бўлиб Исломга кирганлардан ҳисобланадилар. Маълумки, ҳазрати Абу Бакр розияллоху анхунинг дастлабки қақирғи самараси ўлароқ ўша пайтда Қурайшнинг ашрофларидан бўлган, кейинчалик саҳобаларнинг улуғларига айланган ва жаннатга киришларига башорат берилган ўн кишининг беш нафари: Усмон ибн Аффон, Зубайр ибн Авом, Абдуллоҳ ибн Авф, Саъд ибн Абу Ваққос ва Талха ибн Убайдуллоҳ розияллоху анхум иймонга келишди. Шу билан бирга, Саъд ибн Абу Ваққос ўзларини учинчи бўлиб Исломга келганман, деб ҳисоблаб юрар эдилар.

Тарих саҳифаларида Саъд ибн Абу Ваққоснинг (розияллоху анху) Исломга қандай кирганларини қуйидагича васф қилинади: «Исломга киришимдан уч кун илгари тушимда ўзимни қават-қават зулматларнинг ичида қолганимни кўрдим, унинг тўфони ичида типирчилаб турганимда бирдан менга ой нур сочиб қолди. Мен у томон юрдим. Олдимда ўша ойга мендан олдин борганларни кўрдим. Зайд ибн Ҳориса, Али ибн Абу Толиб ва Абу Бакр Сиддиқни кўрдим. Уларга: «Бу ерга қачон келдинглар?» дедим. «Бу соатда», дейишди. Эрталаб менга Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг яширин равишда Исломга қақираётганлари хабари етди. Шунда Аллоҳ менга яхшиликни ирода қилганини, мени зулматлардан нурга чиқаришни ирода қилганини билдим. Кейин у зот томон шошилиб бордим. Жиёд дарасида учратдим. Намоз ўқиб турган эканлар. Мусулмон бўлдим. Тушимда кўрганларимдан бошқаси менинг олдимга туша олмаган. Онам Исломга кирганимни эшитиши билан тўполон қилишни бошлади. Мен унга яхши-

лик қиладиган ва маҳбуб йигит эдим. У менинг олдимга келиб: «Эй Саъд! Сен қандоқ динга кирдинг ўзи! У сени ота-онангнинг динидан чалғитибди!? Аллоҳга қасамки, ёки янги динингни тарқ қиласан ёки ўлгунимча еб-ичишни тарқ этаман! Менга ичинг ачишганидан юрагинг парча-парча бўлиб кетади! Қилган ишингдан надомат қилиб, афсуслар ичра ўлиб кетасан! Одамлар сени абадий айблаб юришади!» деди. «Эй она, ундай қилманг. Лекин мен барибир ўз динимдан қайтмайман» дедим».

Барча янги мусулмонлар каби Саъд ибн Абу Ваққос ўз Исломларини эълон қилишлари билан дин йўлида бундан ҳам бошқа катта синовларга дучор бўлдилар. Дин душманлари у кишини оналарига қарши қайраганда ҳам Саъд оналарига илгаригидан кўра кўпроқ меҳр ва илтифот кўрсатавердилар. Саъд ибн Абу Ваққоснинг оналари билан бўлиб ўтган бу можаро ҳақида «Ва инсонга ота-онасига яхшилик қилишни тавсия қилдик. Агар улар сени ўзинг билмаган нарсани Менга ширк келтиришинг учун жидду-жаҳд қилсалар, бас, уларга итоат қилма» ояти қаримаси нозил бўлган (Имом Термизий ривояти).

Саъд ибн Абу Ваққос ёшлигидан ўзида жанговарлик сифатларини мужассам қилган ҳолда ўсган эди. У киши камон отишни жуда кўп машқ қилар эди. Шу тариқа Саъд ибн Абу Ваққос ўз даврининг энг моҳир ва машҳур мерган камончиси бўлиб етишди. У кишининг қалбини иймон нури ёритган лаҳзадан бошлаб, Исломнинг муҳлис лашкарига айландилар. У киши ҳар қандай оғир ҳолатда ҳам душманга юзма-юз келишдан тап тортмас эдилар.

Ўша пайтда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобалари мушриклардан беркиниб намоз ўқиб юрган пайтлар эди. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху бир гуруҳ саҳобийлар билан Макканинг дараларидан бирида борар эдилар. Бир пайт бир гуруҳ мушриклар уларнинг устига бостириб келиб қолдилар. Улар мусулмонларнинг динларини сўқиб, ўзларига тажовуз қилдилар. Шунда Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху туянинг суяги билан мушриклардан бирининг бошини ёрдилар. Бу Ислом йўлда тўкилган биринчи қон эди.

Саъд ибн Абу Ваққос Исломга биринчилардан бўлиб кирганларидек, бошқа исломий ишларда ҳам биринчилардан бўлиш у кишига насиб этди. Жумладан, хижратга изн берилганда Саъд ибн Абу Ваққос биринчилардан бўлиб дину диёнат, иймону этиқод йўлида Маккадан Мадинага хижрат қилдилар.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам хижратларидан кейин жойлашиб, дастлаб қилиниши лозим бўлган ишларни ҳам саранжомлаб олганларидан сўнг керакли жойларга турли топшириқлар билан сарийя – қуролли гуруҳлар юбора бошладилар. Ана ўша сарийяларнинг энг биринчиси сафида Саъд ибн Абу Ваққос ҳам бор эдилар. Ўша сарийя ҳақида Саъд ибн Абу Ваққоснинг ўзлари Имом Бухорий қилган ривоятда қуйидагиларни айтадилар: «Албатта, араблардан Аллоҳнинг йўлида биринчи ўқ отган одам менман!»

Бу тарихий ҳодиса қуйидагича содир бўлган эди. Биринчи хижрий санада Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам Убайда ибн Ҳорис ибн Абдулмуттолиб бошлиқ сарийяни Робиг тарафга юбордилар. Улар биринчи сарийя ҳисобланар эди. Сарийя Қурайшнинг қарвони билан учрашиши керак эди. Мушрикларга Абу Суфён бошлиқ эди. Мусулмонлар сарийяси олтмиш муҳожир саҳобадан

ибора эди. Мусулмонларнинг бу биринчи чиқишларида биринчи байроқ ҳам тикилган эди. Биринчи байроқдорликни Саъд ибн Абу Ваққос ихтиёр қилинган эдилар. Икки тараф тўқнашди. Мушриклар билан мусулмонлар орасида биринчи қуроли тўқнашув содир бўлди. Ана шунда Саъд ибн Абу Ваққос биринчи бўлиб камондан ўқ отдилар. Шундан кейинги учинчи сарийи Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху раҳбарликларида Ҳижознинг Хироз деган ерига юборилган. Демак, Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху энг биринчи мусулмон қўмондонларидан ҳам ҳисобланадилар.

Саъд ибн Абу Ваққос Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг барча ғазотларида ихлос билан қатнашдилар. Бадр жангида у киши махсус топшириқ бажарувчилар ичида ҳам бўлдилар. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам Рамазоннинг ўн еттинчи куни, жума кечаси ҳуфтон пайтида Бадрнинг қуйи томонида келиб тушдилар. Али, Зубайр, Саъд ибн Абу Ваққос ва Басбас ибн Амр розияллоху анхумни сув олиб келишга буюрдилар. Майда тошли кичик тепаликни кўрсатиб, «Менимча, ана шу тепалик олдидаги қудуддан сув топасизлар», дедилар. Улар қудуқ олдида Қурайшнинг сув ташийдиган туялари ва мешкобчиларига дуч келдилар. Уларнинг баъзилари мусулмонларни кўриб, қочиб қолишди. Ажир (мардикор) Қурайш ҳузурига бориб: «Эй Бани Ғолиб, анави Абу Кабшанинг ўғли (Расулulloхни назарда тутмоқда) ва унинг саҳобалари мешкобчиларингизни тутиб олиб кетдилар», деди. Қурайш лашкароҳида шов-шув кўтарилди. Улар ғазабга минишди.

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху Бадр куни Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг олдиларида туриб, ўз камонларидан душманга тинмай ўқ узар эдилар. У киши ҳар ўқ отишларидан олдин: «Аллоҳим! Уларнинг қадамларини ларзага солгин, қалбларига кўркунини солгин, уларни ундай қилгин, бундай қилгин», деб дуо қилар эдилар. Набий соллаллоху алайҳи васаллам бўлсалар: «Аллоҳим! Саъднинг дуосини қабул қилгин!» дер эдилар.

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху Бадр куни мушриклардан бир эмас, бирданига иккитасини асрга ҳам олганлар. Бу ҳақда имом Абу Довуд ва Насайи Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анхундан қуйидаги ривоятни келтирадилар: «Мен, Саъд ва Аммор қўлга оладиган ўлжаларимизда шерик бўлдик. Саъд иккита асир тутиб келтирди. Мен ҳам, Аммор ҳам бирор нарса келтира олмадик».

Бадр уруши куни Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анхунинг мерганликлари катта иш берди. Бу ҳақда «Сияри Кабир» китобида Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анхундан қуйидаги ривоят келтирилади: «Бадр куни Суҳайл ибн Амрни мўлжалга олдим. Унинг сон томири узилди. Мен қон изидан қидириб бориб, уни Ибн Духшамнинг олдида топдим. У унинг пешона сочини қирқиб қўйган экан. Унинг ҳақида хусуматлашиб, Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига бордик. Шунда у зот уни биздан олиб қўйдилар».

Худди шу Бадр уруши куни Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху билан бирга укалари Умайр ҳам иштирок этган эди. Умайрнинг ёши кичик бўлиб, ҳали балоғат ёшига етмаган эди. Жангдан олдин Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам мусулмон лашкарларни кўриқдан ўткази бошладилар. Умайр Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам мени кўриб қолиб қайтариб юбормасинлар деб, беркиниб олди. Аммо Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам уни кўриб қолиб, қайтардилар. Шунда Умайр йўғлай бошлади. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг кўнгиллари юмшаб, уни қолдирдилар. Ана ўша пайтда унинг

олдида акаси Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху хурсанд бўлган ҳолда етиб келди ва кичкиналиги учун унинг қиличсининг боғичини укасининг бўйнига боғлаб қўйди. Ака-ука хурсанд бўлиб Аллох таоло йўлида жангга шўнғидилар. Бадр жангидан Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анхунинг ёлғиз ўзлари қайтдилар. У киши укалари Умайр розияллоху анхуни Аллох таолонинг йўлида шаҳид берган эдилар.

Уҳуд урушида эса, Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху энг кўзга кўринган қахрамонлардан бири бўлдилар. Али ибн Абу Толибдан (розияллоху анху) ривоят қилинган ҳадисда бундай дейилган: «Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам ҳеч кимга ота-оналарини жам(лаб фидо) қилмаганлар. Фақат Саъд ибн Моликка қилганлар. У зот унга Уҳуд куни «От! Ота-онам сенга фидо бўлсин, от, эй паҳлавон йигит!» дедилар». (Имом Бухорий, Муслим ва Термизий ривоят қилишган)

Ибн Асокир раҳматуллоҳи алайҳ Ибн Шихоб розияллоху анхундан ривоят қиладилар: «Саъд ибн Абу Ваққос Уҳуд куни бир ўқ билан уч кишини ўлдирди. Бир отиб, биттасини ўлдирди. Улар ўқни унинг ўзига қайтариб отдилар. У ўша ўқни иккинчи марта отиб, яна бир кишини ўлдирди. Улар ўқни унинг ўзига яна қайтариб отдилар. У ўша ўқни учинчи марта отиб, яна бир кишини ўлдирди. Одамлар Саъд ибн Абу Ваққоснинг қилган ишидан ажабланишди. У бўлса: «Буни менга Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам тайёрлаб берган эдилар»,

деди. Ўшанда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам унга ота-оналарини жам(лаб фидо) қилдилар».

Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоху анху) Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг биринчи кўриқчилари ҳам бўлганлар. Бу ҳақда ҳазрати Оиша розияллоху анхундан ривоят қилинади: «Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам Мадинага келганларида бир кеча уйқулари қочди ва: «Саҳобаларимдан бир солиҳ киши мени кечаси кўриқлаганида эди», дедилар. Биз шундай ҳолда турганимизда қуролнинг шитирлаганини эшитиб қолдик. Шунда у зот: «Бу ким?» дедилар. «Саъд ибн Абу Ваққос», деди. «Нимага келдинг?» дедилар Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам. «Кўнглимга Набий соллаллоху алайҳи васаллам ҳақида ҳавф тушиб, у зотни кўриқлагани келдим», деди. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам унинг ҳаққига дуо қилиб, сўнгра уйқуга кетдилар» (Имом Термизий ва Муслим ривоят қилишган).

Абдуллох ибн Аббос розияллоху анхундан ривоят қилинади: Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху Пайғамбаримиз алайҳиссаломга: «Эй Аллохнинг Расули, дуо қилинг, Аллох мени дуоли қабул бўладиганлардан қилсин», дедилар. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: «Эй Саъд, таомингни ҳалол қил, дуоли қабул бўладиган бўласан. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зот билан қасамки, бир одам ҳаром лўқмани қорнига ташласа, Аллох унинг дуосини қирқ кунгача қабул қилмайди. Қайси банданинг ўшундай ҳаромдан ва рибодан ўсса, унга дўзах муносибдир», дедилар. Сўнгра эса «Эй Аллоҳим, Саъд Сенга қачон дуо қилса, қабул айлагин!» деган дуони қилдилар.

Саъд ибн Абу Ваққос Макка фатҳи чоғида оғир хаста бўлиб қолдилар. Бунинг тафсилоти борасида Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анхундан ривоят қилинади: «Фатҳ йили бемор бўлиб, унинг сабабидан ўлимга яқинлашдим. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам мени кўрган келдилар. Шунда: «Эй Аллохнинг Расули, менинг кўп молим бор ва биргина қизимдан бошқа меросхўрим йўқ. Молимнинг ҳаммасини васият қилайми?» дедим. «Йўқ», дедилар. «Молимнинг учдан иккисини-чи?» дедим. «Йўқ», дедилар. «Ярмини-чи?» дедим. «Йўқ», дедилар.



«Учдан бирини-чи?» дедим. «Учдан бир... У ҳам кўп. Албатта, сен меросхўрларингни бой ҳолларида ташлаб кетишинг уларни одамлардан тиланиб юрадиган қилиб ташлаб кетишингдан яхшироқдир. Сен ҳар қандай нафақа қилсанг ҳам, албатта, ажр оласан. Ҳатто, аёлингнинг оғзига тутган лўқма учун ҳам ажр оласан», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, энди ҳижратимдан ажраб қоламанми?!» дедим. «Сен мендан кейин ажраб қолиб, Аллоҳнинг розилигини ирода қилиб, солиҳ амал қилсанг, албатта, мартабанг ва даражанг зиёда бўлур. Шоядки, сенинг ажраб қолишингдан баъзи қавмлар манфаатдор бўлса ва бошқалари зарар тортса! Аллоҳим, асҳобимнинг ҳижратларини олдинга ўтказгин ва уларни ортларига қайтармагин!» дедилар» (Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Абу Довуд ва Насайи ривоят қилишган).

Ҳар доимгидай Аллоҳ элчисининг дуолари ижобат бўлди. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу кейин ҳам мўминларга фойда, кофирларга зарар етказадиган ишларни кўп қилдилар. Мазкур беморликларидан тузалиб кетиб, кўпгина улкан ишларни қилиш шарафига муяссар бўлганлар.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг даврларида турли жабҳаларда фатҳ ишлари олиб борилди. Энг муҳим жабҳалардан бири Форс жабҳаси эди. Уни ўша вақтнинг истилоҳи билан Ироқ деб аташар эдилар. Бу жабҳада мусулмонлар катта ютуқ-ларга эришиб, форсларни бир неча бор турли жангларда енгилди. Аммо «кўприк жанги» деб аталган жангда улар форслардан мағлуб бўлишди. Бу ўз навбатида форсларни руҳлантириб юборди. Улар катта аскар тўплаб, мусулмонларга қарши ҳал қилувчи жангга тайёрлана бошлади. Мусулмонлар олдида жанг қилишдан бошқа чора қолмаган эди.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тоғалари Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳуни лашкарбоши этиб тайинладилар ва у кишига қуйидаги тавсияни қилдилар: «Онасининг боласи Саъд! Расулulloҳнинг тоғаси, Расулulloҳнинг саҳобаси, дейилиши сени ғурурга кетказмасин. Албатта, Аллоҳ ёмонликни ёмонлик билан ювмайди. У Зот ёмонликни яхшилик билан ювади. Аллоҳ билан бировнинг ўртасида У Зотнинг тоатидан ўзга насаб йўқ. Одамларнинг барчаси Аллоҳнинг динида тенгдирлар. Улар У Зотнинг бандаларидир ва У зотнинг ҳузурда офият ила фазл топулар, У зотнинг ҳузурдаги нарсани У зотнинг тоати ила олурлар. Назар солиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам лозим тутган ишни ўзинга лозим тут».

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳуга қилган бу ваъз-лари жамият бошлиғининг янги тайин қилинган жамият мансабдорига насихати эди. Уни мансаб туфайли ҳовлиқиб кетмаслиги учун айтилган гаплар эди. Сўнгра Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Саъд ибн Абу Ваққосни тўрт минг кишилик лашкар билан йўлга солдилар.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг амрларига биноан, Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу лашкарни ягона қўмондонлик остида қайтадан тузиб чиқди. Ўнбошилар, байроқдорлар, олд, орт, чап, ўнг ва бошқа тараф бошлиқларини таъинлади. Лашкарга қози ва котиб ҳам тайин қилинди. Лашкарнинг дуоғўйи Салмон Форсий розияллоҳу анҳу эдилар. Қодисия деган жойда мусулмон лашкарининг форслар билан қаттиқ жанги бўлиб ўтди.

Ўша кунлари Саъд ибн Абу Ваққос қаттиқ хаста эдилар. Бутун баданларига яра тошиб кетган эди. Ҳатто ўтиролмас эдилар. Аммо шундай бўлса ҳам дунё тарихидаги энг муҳим жангни ўта зукколик ва улкан жасорат билан бошқара бошладилар. Саҳобалар у кишини беҳудага «чангали кучли арслон» деб аташмаган эди. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу лашкар ичида ваъз қилишга ва Анфол сурасини қироат қилишга буюрди. Мусулмонларнинг қалблари жўш уриб, кўзларига ёш тўлди. Шу ҳолатда катта талафотлар берилган шиддатли жангга кириб кетишди. Кейин мусулмонларга Шомдан мадад етиб келди. Бир неча кунлик қаттиқ жанглардан сўнг форслар мағлуб бўлишди, уларнинг машҳур лашкарбошии Рустам ўлдирилди. 15 ҳижрий сананинг шаъбон ойида бўлган Қодисия жанги мусулмон фотиҳларнинг музаффар лашкари қозонган тарихий ғалабаларнинг энг катталаридан эди. Ушбу жангда Форс империясининг асосий аскарлари ва қўмондонлари

ҳалок бўлди. Энди Исломни ёйиш учун кенг йўл очилди. Саъд розияллоҳу анҳу хушхабарни Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга етказиш учун чопар юборди.

Қодисиядаги шонли ғалабадан сўнг Саъд ибн Абу Ваққос Ҳазрати Умарнинг амрини икки ой кутиб турди. Мадоинни фатҳ қилиш ҳақида буйруқ келганида ўша шаҳар томон юрди. Йўл-йўлакай Бурс, Бобил, Кусий ва Соботларни фатҳ қилди. Сўнгра форсларнинг пойтахти Мадоинни эгаллади. Шаҳарга кириб борган мусулмонларнинг кўзи Форс салтанати ҳукмдори Кисронинг оқ уйига тушди. Улар дарҳол Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Менинг умматимдан бир ғуруҳи Оқ уйни, Кисронинг уйини фатҳ қилурлар» деган ҳадиси шарифларини эслаб, шод бўлишди.

Мусулмонлар Кисронинг пойтахти Мадоин шаҳрини фатҳ қилганларидан кейин уни ўзларига марказ қилиб олган эдилар. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ўша шаҳарда истикомат қилаётган мусулмонларнинг ранглари сарғайиб, ўзлари заифлашиб бораётганларини сезди. У киши Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳуга мактуб юбориб, «Салмон Форсий билан Ҳузайфа ибн Ямонни ер танлашга юбор. Ҳам куруқлик, ҳам де-нғизга яқин, мен билан сизларнинг орангизда сув ҳам, кўприк ҳам йўқ ерни топсинлар», деб амр қилдилар. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу икковларини ўша вазифани бажариш учун юборди. Улар икки томонга кетиб, ер танлаб келиб, Куфа деган жойда учрашдилар. У ерда намоз ўқиб, Аллоҳ бу ерни сабот манзили қилсин, деб дуо қилдилар. Кейин Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу олдида бориб, хабар беришди.

Саъд ибн Абу Ваққос Мадоиндан чиқиб, Куфанинг ерларига борди. Ушанда ўн еттинчи ҳижрий сананинг муҳаррам ойи эди. Куфанинг бош меъмори Абу Ҳайёж ибн Молик эди. У биринчи бўлиб масжидга асос солди. Кейин шоҳ кўчанинг кенглигини қирқ аршин, унга яқинларини ўттиз, бошқаларини йигирма аршиндан қилди. Тор кўчаларни етти аршиндан қилди. Одамларга бериладиган қитъаларни олтмиш аршиндан қилди. Куфа Фурот дарёсининг ғарбий қирғоғига қурилди. У билан дарёнинг орасида ярим фарсах масофа қўйилди. Шаҳар битганидан кейин хоҳлаганлар унга кўчиб ўтиши, хоҳламаганлар Мадоинда қолиши таклиф қилинди. Худди ўша йили Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг амрлари ила Басра шаҳари ҳам қурилди. Шундай қилиб, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг даврларида Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳунинг ишбошиликларида исломий шаҳарлар қуриш ҳам бошланди. Куфа ва Басра шаҳарлари битганидан кейин Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ўша пайтда Ироқ номи ила аталган Ислом жамиятининг шарқий қисмини иккига бўлди. Бирига Куфани марказ ва Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳуни волий этиб тайин қилди. Иккинчисига Басрани марказ ва Утбани волий қилиб тайинлади.

54 ҳижрий санада Мадинаи мунавваранинг четидидаги Ақиқ номли ноҳияда саксон уч ёшли Саъд ибн Абу Ваққос охират сафарига ҳозирланмоқдалар. У кишининг ўғиллари бу ҳақда шундай ҳикоя қиладилар: «Отанинг боши кучоғимда эди. У киши жон таслим қилмоқда эдилар. Мен йиғладим. У киши: «Нега йиғлайсан, ўғлим? Албатта, Аллоҳ мени ҳеч азобламайди. Мен жаннат аҳлиданман», дедилар. Сўнгра у киши сандиққа ишора қилдилар. Уни очишди. Ичидан эскириб кетган ридони олишди. Саъд ибн Абу Ваққос аҳлларида ўзларини ўша ридога кафанлашни амр қилдилар ва: «Бадр куни мушриклар билан жанг қилганимда шуни кийган эдим. Мана шу кун учун сақлаб қўйган эдим», дедилар. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу кейин: «Менга лаҳад қазинлар. Устимга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қилинганга ўхшаб ғишт теринглар», дедилар. Одамлар у кишининг тобутларини кўтариб шаҳар ичига олиб боришди.

Саъд ибн Абу Ваққоснинг жанозаларига Марвон ибн Ҳакам ўтди. Пок жасадлари Жаннатул Бақийга дафн этилди. Жаннат башорати берилган ўнликдан энг охири вафот этган Саъд ибн Абу Ваққос эдилар. Баъзи уламоларимиз: муҳожирлардан охири вафот этганлари ҳам Саъд ибн Абу Ваққосдир, дейишади. Аллоҳ таоло Саъд ибн Абу Ваққосдан Ўзи рози бўлсин!

Анвар АҲМАД тайёрлади.

ТАҲОРАТ ВА НАМОЗ ҲУКМЛАРИ

«Ибодат» сўзи луғатда «тоат», «итоат» ва «Парвардигорни улуғлаш» маъноларини ўзида жам қилган. Шаръий истилоҳда бажарганлиги учун савоб бериладиган ва ниятга боғлиқ бўлган амал «ибодат» дейилади. Ибодатлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам кўрсатмалари асосида бўлсагина, унинг қабул бўлишига умид боғланади. Демак, шундай экан, ибодатлари-мизнинг тўғри бўлиши учун шартлари ва руқнларини, вожиб ва суннатларини, макруҳ ва бузувчиларини албатта билишимиз лозим бўлади. Инсон таҳорат қилмасдан минг ракат намоз ўқиса ҳам, намоз ўрнида қабул бўлмайди, чунки у намознинг шарт-ларидан бўлган таҳоратни тарк қилди.

Хуллас, мўмин киши баъзи жоҳилларнинг «Илм ўқиган киши амал қила олмай қолади», деган бузук сафсатасига алда-ниб қолмаслиги керак. Зеро, илм ўқимасликнинг ўзи ҳам амал қилмасликдир. Муҳтарам ўқувчиларимизга бу борада кўмак беришни ният қилиб Шайх Аҳмад Иззуддин ал-Байянуний қаламига мансуб «Таҳорат ва намоз ҳукмлари» рисоласидан айрим дарсларни ёритиб боришга жазм қилдик. Ушбу рисолада ҳанафий мазҳаби асосида таҳорат ва намознинг ҳукмлари энгил услуб билан баён қилинган. Рисолани араб тилидан ёш олим Аброр Муртор Алий ўзбекчага ўгирган ҳамда турли фикҳий кито-блар асосида шарҳ ва қўшимчалар билан бойитган.

1-ДАРС. ТАҲОРАТ КИТОБИ

Таҳорат ва унинг ҳукмлари

«Таҳорат» сўзи луғатда «поклик»дир. Поклик – инсон та-биатан рағбат қиладиган гўзал сифатларнинг биридир. Ислом дини инсонларни покликка тарғиб қиладиган ва ўзларини пок ту-тувчиларни мақтайди. «Албатта Аллоҳ тавба қилгувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни севади» (Бақара, 222).

Ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васал-лам: «Поклик иймоннинг ярмидир», деб айтганлар (Бухорий ривояти).

Ислом - поклик дини

Бизнинг ҳаниф Ислом динимиз покликка жуда кат-та аҳамият берган ва мусулмонларни намоз ўқиш учун ав-вал таҳорат олишга буюрган. Улар таҳорат қилишаётганда юзлари, қўллари ва оёқларини ювишади. Шунингдек, Ис-лом мўминларга ғусл қилиш, бундан ташқари тирноқларини қисқартириш, кийимларини покиза тутиш, жамоат жойларида, хусусан, жума ва ҳайит намозларида хушбўйлиниб юришни тарғиб қиладиган.

Дарҳақиқат, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам са-фардан қайтаётган саҳобаларига: «Сизлар биродарларингиз ҳузурига қайтмоқдасиз. Шундай экан, уловларингизу либос-ларингизни чиройли ҳолда тутинглар. Ҳатто одамлар ичида гўёки хол каби ажраб туринг. Албатта, Аллоҳ бузуклик ва ахлоқсизликни яхши кўрмайди», деб айтганлар. (Абу Довуд ривояти).

Таҳоратнинг қисмлари

Шариат истилоҳида таҳорат икки қисмга бўлинади:

1. Баданнинг ўзини ҳадасдан (яъни, бетаҳоратликдан) поклаш. Бу махсус аъзоларни ювиш билан (таҳорат қилиш билан) ёки бутун баданни ювиш билан (яъни, ғусл қилиш билан) бўлади. Сув топилмай қолган пайтда ёки истеъмолидан ожиз бўлинган вақтда ғусл ва таҳоратнинг ўринбосари бўлмиш таяммумдан фойдаланилади.
2. Кийимдаги, бадандаги ва макондаги нажосатдан покланиш.

Сувларнинг қисмлари

Сувлар беш қисмга бўлинади:


1. Ўзи пок ва бошқани ҳам покловчи, ишлатиш макруҳ бўлмаган сувлар. Буларга осмон, анҳор, қудуқ, булоқ, ёмғир ва қор сув-лари қиради. Улар аслий сифатида боқий турган сувлардир.

2. Ўзи пок ва бошқани ҳам покловчи, лекин ишлатиш макруҳи танзиҳий бўлган сувлар. Буларга мушук, ташқарида эркин юр-ган товук, сичқон ва шунга ўхшаш уй ҳайвонлари ичиб, улар-дан қолган сувлар қиради. Чунки уй ҳайвонлари нажосатдан сақланишмайди. Бундай сувлардан фойдаланишнинг макруҳи танзиҳийлиги ўша ҳайвонларнинг ҳолатларидан беҳабар ки-шилар учундир. Аммо бу ҳайвонлардан бири тоза нарсани есаю, сўнг сувни ичса, бундай сувни ишлатишда макруҳлик бўлмайди. Ёки улардан бири нажосатни еб, сўнг сувдан ичса, мана шу қолган сув нажосатга айланади. Уни истеъмоқ қилиш, ундан фойдаланиш дуруст эмас.

3. Ўзи пок, аммо ҳадасдан поклай олмайди (яъни, бетаҳорат одам у сувда таҳорат қилса, таҳоратли бўла олмайди), лекин ҳубусдан (яъни, нажосатдан) бу сув билан покланиш мумкин. Буларга таҳоратдан тушган сувлар қиради. Баъзан таҳорати бор одам ҳам таҳорат қиладиган. Шундаги ишлатилган сув ҳам, ғуслдан тушган сув ҳам оби мустаъмал, яъни «ишлатилган сув» дейилади ва уларнинг ҳукми таҳоратсизликни кетказиш учун ишлатилган сувнинг ҳукми билан бир хилдир. Яъни, ўзи пок, аммо ҳадасдан поклай олмайди. Буларга ўсимликлардан сиқиб чиқарилган сувлар ҳам қиради. Мисол: гул суви, қовун шар-бати.

1. Нажосат сувлар. Буларга ўзи оз бўлиб, тўхтаб турган ва унга асари кўринмаса-да, нажосат аралашган ёки ўзи оқувчи бўлиб, унга нажосат аралашган ҳамда асари унда зоҳир бўлган сувлар қиради. Нажосатнинг асари, деганда таъми, ранги ёки ҳиди назарда тутилади. Шунингдек, кўп сувга нажо-сат аралашиб, унинг бирор сифатини ўзгартирса ҳам, шу сув нажосат ҳисобланади. Аммо кўп сувга нажосат тушгану, лекин сувнинг сифати, яъни таъми, ҳиди, ранги ўзгармаган бўлса, бу сув нажосат ҳисобланмайди. Кўп сув, деганда денгиз, анҳор, арик, канал, тўғон сувлари назарда тутилади. Шунингдек, тўрт томони юз газли бўлган ҳовуз сувлари ҳам ёки айланасига ўттиз олти газли жойни ўз ичига оладиган сувлар ҳам ундан ҳовучлаб олганда ости кўриниб қолмаслик шарти билан кўп сувларга қиради. Бундан камлари эса оз сувлардир.

2. Ўзи пок, аммо поклашлигида шубҳа бўлган сувлар. Булар-га эшак ёки хачирдан қолган сувлар қиради. Зеро, буларнинг сўлақлари покдир! Бу ерда шак хачирнинг гўшти ҳаром ёки мубоҳлиги тўғрисида келган икки бир-бирига зид хабар саба-бидандир. Агар поклаш учун бошқа сув бўлса, шаклик сувдан фойдаланилмайди. Бироқ бошқа сув бўлмаса, бу сув билан таҳорат қилинади-да, яна таяммум ҳам қилиб олинади.



ҲОЖИЛАР ҲАЖДАН ҚАЙТИШДИ...

Ҳар йили беш мингдан зиёд юртдошларимиз ҳажга бориб келишади. Улар дунёдаги миллионлаб диндошлари қатори Ислом илк бор индирилган табаррук юртга бориб, зиммаларидаги Аллоҳнинг фарзини бажариб қайтишади. Ҳукумат уларнинг ибодатлари динимиз талабларига мувофиқ, қийинчилик ва талафотларсиз ўтиши учун ҳамма ишни қилиб беряпти. Биз ҳам барча ҳожиларнинг ҳажлари мабрур, ибодатлари мақбул бўлишини Аллоҳдан ёлбориб сўраймиз. Бу йил ҳам ҳожиларимиз ҳаждан эсон-омон қайтиб келишди. Улардан баъзиларини табаррукона зиёрат қилиб, дуоларини ҳам олдик.

Аммо... ҳар гал ҳаж мавсуми келганида бир фикр сира тинчлик бермайди, хаёлни ўғирлайди. Айтилмай қолаётган бир мулоҳаза мияда ғимирлайверади... Ҳар

сафар ҳаждан қайтган ҳожилар билан кўришганда, уларга “Ҳаждан қандай таассурот билан қайтдингиз?”, “Ибодатни қандай адо этдингиз?”, “Арконларни тўлиқ бажара олдингизми?” деган саволлар берилади. Бериладию... лекин савол берган одам ноҳўя иш қилиб қўлга тушган боладай хижолатлар ичра қолади, савол берганига ҳам минг пушаймонлар қилади. Чунки ҳожилардан аксариятининг берган жавоблари сизни унчалик хафа қилмаса-да, ҳарқалай, таажжубга, ҳайронликка солиши аниқ!

Ҳаждан қайтган ҳожилар ўз таассуротлари билан ўртоқлашишар экан, ҳаж сафари айтарли қийинчилик ва машаққатларсиз ўтгани, роса шинам ва қулай мусофирхонага жойлашишгани, уловларнинг беминнат ташиб тургани, таомларнинг неча хиллигию, дастурхон-

ларига дунёнинг тўрт бурчидан келтирилган анвойи неъматларгача тортилгани, шаҳардаги дўконларда молларнинг бисёрлигию, нарх-навонинг унча қиммат эмаслиги, шифокорларнинг беминнат хизматию мута-сaddirларнинг фидойиликлари ҳақида жўшиб, тўлиб-тошиб гапиришадию, шу билан “таассуротлари” тугайди.

Шунда уларга бор овоз билан шундай хитоб қилгинг келади: “Эй мухтарам ҳожилар, шунча маблағ, куч-қувват, вақт сарфлаб ҳажга фақат шу нарсалар учун, “бир мазза қилиб ҳордиқ чиқариш” ёки соатлаб ҳамхоналарингиз билан мириқиб суҳбат қуришлар учун борганмидингиз? Бир неча йил навбат кутиб, шундай олис ва табаррук юртга дўкон айланиш, меҳмонхонада телевизор кўриб ётиш ёки бошқа ўлкаларда етиштирилган ноёб мева-чевалардан тотингани борганмидингиз? Ҳаж курорт ёки санаторийга бориш кабимидики, сиз меҳмонхонада телевизор йўқлигидан, жўмракдан иссиқ сув тушмаётганидан, лифтда ёки ошхонада навбатга турганингиздан, кўчаларнинг тикилинчилигию, масжидда одамларнинг туртиб ўтишидан шикоятлар қилиб юрибсиз?!” Аммо бу хитоблар ҳам ўз йўлига экан...

Айрим ҳожиларимиз ҳаж ибодатининг моҳиятини, ҳаж қилинадиган ўринларнинг фазлини, Ислом ва ҳаж тарихини яхши билишмагани, ҳатто билишни исташмаганидан уларнинг кўплари учун ҳаж оддий бир саёҳат, олис юртга қилинган шунчаки сафар сифатида таассурот қолдирмоқда. “Йўғ-э, жуда шунчалик эмасдир?!” деб эътироз билдиришга шошилманг. Бундай хулосага келишимизнинг ўзига хос сабаблари, далиллари бор.

Мана, эй мухтарам ҳожилар, чоксиз, бичиқсиз, кафанни эслатиб турувчи оппоқ эҳромларни кийдингиз. Бошланг, оёқланг ҳолда талбиялар айтиб, покланиш томон илк одимларни ташладингиз. Аммо сизлар ана шу буюк ибодат, покланиш, қулликни изҳор қилиш маъракасига тайёрмисиз? Сиз шундай катта издиҳомда қийналиб, одамларга туртиниб-суртиниб Каъба атрофини етти бор айланаётган, яъни тавоф қилаётган экансиз, ҳажнинг бу аркони нега фарз қилинганининг ҳикмати ҳақида, умуман нега ҳаж қилаётганингиз ҳақида сал бўлса-да фикр юритиб кўрдингизми?

Рўпарангиздаги бу тошдан бино қилинган чорқирра Каъба – Аллоҳнинг Уйи, яъни Байтуллоҳдир! Инсоният тарихи унинг олти минг йил аввал Аллоҳ таолонинг амрига кўра “пайғамбарлар отаси” Иброҳим алайҳиссалом ва унинг ўғли Исмоил алайҳиссалом бино қилганига гувоҳлик беради. Аллоҳнинг Байтини етти марта айланиш шунчаки бир ҳаж аркони ёки рамзий маросим эмас. Тавоф инсонларнинг Байтуллоҳни тавоф қилиш орқали дунё ҳаётида билиб-билмай қилган гуноҳларини авф этишини сўраб, Аллоҳ азза ва жалла ҳузурига бош уриб келганларинининг, У Зотдан мағфират, раҳмат ва неъмат сўраш учун даргоҳида тавозеъ ва ҳоксорлик билан қилаётган ибодатларининг, итоатларининг олий кўринишидир. Каъбаи муаззама – Масжидул ҳаромнинг марказидаги собит бир нуқтадир. Шу боис Аллоҳга ибодат қилиш ниятида келган эркагу аёл, раҳбару ишчи, оқу қора миллионлаб мусулмонлар унинг атрофида узлуксиз ҳаракатда бўлишади, айланишади. Бу доиравий ҳаракат кўзга кўринмас атомдан бошлаб то улкан сайёраларгача бўлган бутун мавжудотнинг коинотдаги ҳаракатига ўхшайди.

Аммо ҳаж қилаётган айрим ҳожиларимиз кўпинча нима учун бу муаззам Байт атрофида айланиб, тавоф қилишаётганининг ҳикматини чуқурроқ ўйлаб ҳам кўришмайди. Унинг фазли ва тарихидан ҳам беҳабарлар. Каъба ва у жойлашган йигирма беш квадрат метрли ҳудуд Аллоҳнинг Ҳарам, эҳтиромга сазовор ери, ҳар қандай ёмонлик, ҳаққа ҳар қандай тажовуз тақиқланган инсониятнинг маданият ва маърифат ўчоғидир. Унинг марказидаги Каъбаи муаззама инсонлар учун қурилган илк ибодат масканидир. Ҳазрати Одам алайҳиссалом Момо Ҳавони шу ерда топдилар, йўқотган жаннатларига шу ерда етишдилар. Бобокалонимиз ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом, у зотнинг завжалари Ҳожар она ва ўғиллари Исмоил алайҳиссалом шу ерда Аллоҳ таолонинг оғир синовидан шараф билан ўтдилар. Охирзамон пайғамбари ҳазрати Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам инсониятга қаратилган сўнгги илоҳий хитобни шу ерда қабул қилиб олиб, уни ер юзида тарқата бошладилар. Бу ер Аллоҳнинг Уйидир. Бу Уйнинг соҳиби – Аллоҳ таолонинг Ўзи, меҳмонлари эса Унинг мўмин бандаларидир. Бу ердан паноҳ топган ҳар бир инсон Аллоҳнинг меҳмонидир.

Баъзи ҳожиларимизнинг ана шундай оламшумул ибодат масканида, қуллик ва итоатни кўз-кўз қилишнинг энг тансиқ, энг қулай фурсатида ўзларини бу қадар бефарқ, лоқайд, бепарво, эринчоқлик билан тутишларини, ўзлари Ҳарамдаю хаёллари олис юртларида қолган яқинларининг хонадонларида изғиб юрганини нима билан изоҳлашни ҳам билмайсан, киши! Яна шундай улўғ ва муқаддас заминда ҳам можаро ва жанжалларни, бир-бирларига ола қараш, қора қараш қилишларни ташламаганлари таажжубланарли! Лифт талашиб, таом талашиб, автобусда ўрин талашиб, меҳмонхонада хона талашиб, кўча-кўйда, ҳатто масжидда гап талашиб ёйжиллашишлар, қизаришиб олишлар ҳожига муносиб эмаслигини эсдан чиқаришдимикин?

Эй ҳожи биродарим, ахир, умрингизнинг каттагина қисмини яшаб бўлгансиз, барча хатокор инсонлар каби катта-кичик гуноҳларга ботгансиз! Аллоҳ насиб айлаб, Унинг даъватига жавобан ҳаж қилгани, яъни гуноҳлардан поклангани, онадан қайта туғилгандай бегуноҳ бўлиб олгани келибсиз. Унда нега Каъбанинг пўшларига ёпишиб олиб, Ҳажарул асвад билан Каъба эшигининг ўртасидаги Мўлтазамда Парвардигорингизга илтижо билан зор-зор йиғламайсиз? Нега Аллоҳдан гуноҳларингизга мағфират, икки дунё саодатини тилаб, нолаю афғонлар қилмайсиз? Нега яқинларингизга, юртингизга, динингизга, халқингизга равнақ ва омонлик тилаб, дуои хайрлар қилмайсиз? Ваҳоланки, Пайғамбаримиз алайҳиссалом кўкслари, ўнг юзлари, қўллари ва кафтларини Мўлтазамга теккизиб, дуо қилганлар. Бу ерда қилинган дуолар рад қилинмайди, иншааллоҳ.

Масжидул Ҳаромга кирибсиз, унда нега гуноҳларингизни мағфират қилишини сўраб, Парвардигорга ялиниб, ёлбормайсиз? Аллоҳнинг розилигини топиш учун Унинг Байтида юзлаб, минглаб ракат намоз ўқиб, дарду ҳасратларингизни, надоматларингизни, хатоларингизни У Зотга тўкиб солмайсиз? Масжидул Ҳаром саҳнидаги шиша қубба ичига бепарвогина назар ташлаб ўтиб кетдингиз, ҳатто қизиқсиниб ҳам қўймадингиз. Чунки унинг Мақоми Иброҳим, яъни Иброҳим алайҳиссалом Каъбани қураётганларида бир

тошга тушиб қолган оёқ излари ўрни эканини билмас эдингиз. Мақоми Иброҳимда намоз ўқиш фазилатли экани Қуръони каримда зикр этилганидан беҳабар эдингиз. Нега Мақоми Иброҳимда икки ракат намоз ўқиб, Парвардигорингиздан икки дунё саодатини сўраб олмайсиз? Нега масжидда туну кунлар қолиб, Аллоҳнинг зикрини қилмайсиз, берган неъматларига шукр айтмайсиз? Ахир, Масжидул Ҳаром ер юзидаги барча масжидлардан устундир. Унда ўқилган намоз бошқа ердаги барча намозлардан юз минг мартаба афзалдир. Ахир бу дамларни, бу қулай фурсатни яна қайта топа оласизми? Ҳаж мавсуми аксари ҳожилар учун ҳаётларидаги бир марталик ва энг сўнгги имконият-ку!

Шу ўринда ўзим гувоҳи бўлган ҳаждаги бир воқеа эсга тушди. Ҳамхонам Зокиржон ҳожи билан ҳар кун тунги иккида Ҳарамга ибодат қилгани жўнаймиз. Бугун ҳам одатдагидай масжидга кириб, шундоққина Каъба кўриниб турган ўринда жойлашдик. Аввал нафл намозларимизни ўқидик. Сўнгра Қуръони каримни хатм қилишни давом эттирдик. Шу пайт кўзим мендан икки қадам нарида ибодат қилаётган новчагина йигитга тушди. Эҳромдаги бу йигит кўринишидан Оврупа мамлакатларининг биридан келганга ўхшайди: оқ юз, малла соч, кўзлари кўкиш.

Лекин ҳозир мени унинг ташқи қиёфаси қизиқтирмаётган эди. Тик ҳолатда Каъбага юзланиб, қўлларини дуога кўтарган, кўзларидан ёш жаласи қуйилади. У шунчалар хокисорлик, муҳаббат ва ихлос билан дуо-илтижо қилар эдики, беихтиёр ҳавасим келиб кетди. Кейин масжиднинг оппоқ мармарлари устида намоз ўқишга киришди. Намозни тугатиб, яна боягидай ихлос билан узоқ дуо қилди. Сўнг ёнидаги китоб тоқчасидан Мусҳаф олиб, тиловат қила бошлади.

Толиқиб, ҳар гал кўзларимга бир оз дам бермоқчи бўлганимда унинг ҳолатини кузатаман. Оврупалик ҳожи энди қироатини тугатиб, яна тик турганича дуо бошлаган эди. Йиғи аралаш анча вақт дуо қилиб турди. Кейин ерга ўтириб, тиззаларини қучоқлаган ҳолатда Каъбага узоқ тикилиб ўтирди.

Қанча вақт ўтганини билмайман. Бир пайт қарасам, оврупалик йигит сафар ҳалтасини бошига қўйиб, ётишга тайёргарлик кўряпти. “Ибодат қилавериш чарчабди, энди бомдод намозигача бир оз мизғиб олса керак”, деган фикр ҳаёлимдан ўтди. У атрофидаги намозхонларга озор бериб қўймаслик учун ғужанак ҳолатга кириб, ҳалтасига бош қўйганича, аста чўзилди. Бўйи салкам икки метрли кишининг бир метрга етиб-етмаган жойда ухлашини бир тасаввур қилинг. Аммо йигит бу ноқулайликка асло парво қилмай, совуқ мармар устида ором истар эди. Уни ухлашга ётди деб нотўғри ўйлаган эканман. Малласоч йигит ёнбошлаган ҳолатда қўлида тасбеҳ билан такбиру таҳлилларни бошлаб юборган эди.

Вақт бомдодга яқинлашгани учун кўпчиликни мудроқ олган, шайтон васвасани қучайтирган. Бояги йигитни ҳам уйқу элтиб, ҳозир қўлидан тасбеҳ тушиб кетса керак, деган ҳаёлда бир неча бор у томонга кўз ташлаб қўйдим. Йўқ, ҳар гал тасбеҳ доналарининг оҳиста ўтишини, лабларининг пичирлаётганини кўравердим. Бир оз вақт ўтгач, у ўрнидан дик этиб турди-да, яна Каъбага юзланиб, дуога қўл очди.

Оврупалик нотаниш йигитнинг бунчалик ихлос

билан ибодат қилаётганини кўриб, совға-салом илинжида дўкон кезиб, меҳмонхонада беҳуда суҳбатлар ва уйқу билан қимматли қанча вақтларини совурган айрим инсонлар эсимга тушди. Муслмон бўлмаган ўлкада, муслмон бўлмаган кишилар орасида улғайган бу йигитнинг Аллоҳ таолога муҳаббати ҳар биримиз учун энг яхши сабоқ эди.

Ёки мана бу воқеага нима дейсиз? Ҳаж кунлари одатдагидай ярим тунда Ҳарамга етиб бордим. Пойабзалимни ечиб, энди дарвозадан кирмоқчи бўлиб турганимда ажиб бир манзаранинг шоҳиди бўлдим. Қорачадан келган бир йигит (афтидан, турк бўлса керак) икки ёшлар чамасидаги, жингалак сочли қизчасини кўтариб масжидга кириб кетаётган экан. Қизча дадасининг елкасига бошини қўйганича донг қотиб ухлаб ётибди. Жажжи қўлчаларининг бири отанинг бўйнига чирмашган, бошқаси ёнга осилган. “Боланинг уйқусини бузиб, ярим тунда масжидга олиб келиш шартмиди?” деган фикр ҳаёлимдан ўтди. Ҳатто бу бемехр отадан бир оз ўпкаланган ҳам бўлдим.

Қизчасини кўтарган турк йигити “Бисмиллаҳ” дея Ҳарамга қадам қўяр экан, елкасида ўтирган қизчаси уйқу босган кўзларини очолмаган ҳолатда бир неча бор “Ассалам, йа Байтуллоҳ!”, “Ассалам, йа Байтуллоҳ!” дея Масжиди Ҳарамга салом берди. Ҳайратдан қотиб қолдим. Бутун вужудимга титроқ кирди, кўзимга ёш қалқди. “Субҳаналлоҳ!”. Шундай мурғак ёшдаги, уйқудан кўз очолмаган ҳолатдаги қизалоққа Аллоҳнинг Байтига салом билан киришни ким ўргатган? Ҳатто уйқусираётган бўлишига қарамай, бундай салом айтишни у қайси бахтли инсонлардан ўрганган? Боягина жажжи қизалоғига меҳрсизликда айблаб, ич-ичимдан ёқтирмай турганим турк йигитнинг олдида бориб, маҳкам қучган ҳолда: “Раҳмат сизга! Шундай ажойиб қизчани тарбиялаганингиз учун Аллоҳ сизга икки дунё саодатини берсин!” деб дуо қилгим келди.

Шунда лоп этиб кечагина бўлиб ўтган воқеа ёдимга тушди. Жума намозида издиҳом катта бўлишини билганимиз учун масжидга эртaroқ етиб бордик. Жойлашиб, зикруллоҳ, Қуръони карим тиловати билан машғул бўлдик. Шу пайт кейинги сафдан эшитилаётган гап-сўзлар диққатимни тортди. Эътибор қилмай деб, олдимдаги китобга тикилдим. Бироқ орқадаги юртдошларимнинг суҳбатлари фикримни чалғитаверди. Сабрим тугаб, ортга ўгирилдим. Сочсоқоли оқарган, етмишларга бориб қолган бир қария ўрта ёшлардаги шеригига неча фарзанди борлиги, каттасига қаердан участка қилгани, уйларни қандай қургани, ҳовлига нима дарахтлар ўтқазгани ҳақида узундан-узун ҳикоя бошлаган эди. Жума хутбаси бошланди ҳамки, уларнинг баланд овоздаги суҳбати тугай демасди. Улар эса биргина мен эмас, ён-атрофдаги намозхонларнинг норози нигоҳларига парво қилмай, гаплашаверишди. Шу муносабат билан кеча кўнглимга тошдай ўрнашиб қолган ўкинч музини ҳартугул бугун бу мурғак қизалоқнинг уйқусираган лабларидан учган сўзлар эритиб юборди...

Эй ҳожи биродарим, Ҳарам ҳудудидаги Сафо ва Марва тоғлари орасида юриб-югуриш, яъни саъй қилишни ҳам олиб кўринг. Ҳазрати Ҳожар онамиз қучоғидаги чақалоғи – ҳазрати Исмоил алайҳиссалом учун сув излаб, икки тепалик – Сафо ва Марва ўртасида бир неча бор югуриб бориб-келганлар. Саъй – қора

танли бир жория бўлган ҳазрати Ҳожарнинг бутун инсониятга ибрат бўлиб қолган буюк таваккули, фидойилиги рамзидир. Аллоҳ таоло ҳазрати Ҳожарнинг саъй ҳаракатларини ҳусну қабул этиб, то қиёматга қадар мўминларга шу амални ўрнак этиб, ибодат қилиб берган. Саъй пайтида ҳар бир ҳожи қалбида сақлаб юрган эзгу тилакларини айтиб, Каъбага юзланиб, Роббига дуолар қилади. Шундан сўнг ҳожилар Замзам қудуғига бориб, бу шифобахш сувдан тўйиб-тўйиб, қониб-қониб ичадилар, ҳазрати Ҳожарнинг сув топгандаги қувончини юракдан ҳис этадилар.

Сиз эътибор ҳам бермай гавжум кўчаларини кезиб юрган Маккаи мукаррама Уммул-қуро, яъни “шаҳарлар онаси” деб таърифланган. Бу шаҳарда охирзамон Пайғамбари Ҳазрати Муҳаммаднинг киндик қонлари тўкилган, у зотга ватан бўлган, унга Аллоҳнинг илк ваҳийлари инган. Унинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тоши, бутаси табаррук, ардоқли, кўзга суртарли азиз. Унинг бирор овлоқ жойи йўқки, ўша ерга охирзамон Пайғамбари, инсонларнинг энг қомили, Аллоҳ таоло томонидан бутун оламларга раҳмат этиб юборилган Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак қадамлари тегмаган бўлсин!

Умуман сиз ҳаж ибодатини ўтаётган, асосан саҳродан, тошлоқ ва қумликлардан иборат бўлган бу юртнинг ҳар бир гўшасида қандайдир бир тарихий воқеа, сийрат китобларига муҳрланган ғазот ва юришлар, Аллоҳнинг каломи олий бўлиши йўлидаги шиддатли жанглар бўлган. Аллоҳ назари тушган бу заминга қанчалаб содиқ саҳобийларнинг, буюк фотиҳларнинг, атоқли олимларнинг, улуғ валий зотларнинг муборак қони тўкилган. Абдуллоҳ ибн Умардай улуғ саҳобий саҳрода кетаётиб, бир жойга етганда ҳамиша туяси-дан тушар ва энгашиб ўтар экан. Бунинг сабабини сўраганларга “Шу ерда бир дарахт бор эди, Ҳазрати Расулulloҳ унинг тагидан худди шундай энгашиб ўтардилар”, деб жавоб берган. Саҳобалар Пайғамбарга ана шундай эргашишган. Моликий мазҳаби асосчиси Имом Молиқдай зот ҳам Пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак қадамлари теккан заминда уловда юришни ўзларига эп кўрмай, Мадинаи мунавварада ҳамиша яёв юрган эканлар. Улуғ салафларимизнинг кўплари Ҳижоз ерларига илк қадамларини босишганида ҳамма нарсдан олдин бу табаррук тупроқни ўпиш билан ўз эҳтиромларини изҳор этишган.

Эй ҳажга борган биродарим! Иш шундай экан, нигоҳингизни мовий осмондан, муҳташам қаср ва бинолардан, гавжум дўконлардан бир зумга узиб, оёғингиз остига бир қаратинг! Сиз ўз яқинларингизга қандай ҳадялар харид қилишнинг ҳаёлини суриб бепарвогина кетаётган ана шу йўлқанинг остида қанча-қанча номдор саҳобаларнинг, мужоҳидларнинг, улуғ зотларнинг ҳоки поклари ётибди. Бу ерлар илк бор Исломга ватан бўлган, бу ерда Муҳаммад алайҳиссалом одамларни динга даъват қилганлар, бу замин Ислом динини дунёга ёйиш йўлидаги қанчалаб буюк воқеаларнинг, жангу жадалларнинг тилсиз гувоҳларидир. Шунинг учун Макка ва Мадинада бўлганингизда дунё матоҳларига ўралашавермай, шу нарсалар ҳақида ҳам бир оз фикр юритсангиз, яхши бўлармиди!

Эй ҳожи биродарим, сиз ҳаж пайтида борадиган ёки турадиган ҳар бир жой ва масканнинг ўз ўрни, ўз тарихи, ўз аҳамияти ва манфаати бор. Ҳожилар учун

Маккаи мукаррамада юриш ҳазрати Иброҳим, ҳазрати Ҳожар, ҳазрати Исмоил алайҳимуссалом ва ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам юрган ерларда юришдир. Арафот маърифатга, Муздалифа шуурга эришиш жойларидир. Арафотда туриш – маҳшарнинг бу дунёдаги кичик бир кўринишида ҳозир бўлишдир.

Эй ҳожи биродарим, Мино водийига келганингизда сизни қандай туйғулар чулғашини билмадимиз, аммо минглаб чодир тикилган бу жойнинг фазилати, аҳамияти ва қадри сиз ҳозиргача кўрган барча шаҳар ва қишлоқларнинг шарафи, қадридан устунроқдир. Минода ички ва ташқи, маънавий ҳамда жисмоний шайтонлар билан мужодала этиш учун тош отиш ўринлари – жамарот бор. Яна бу ерда қурбонлик сўйиб, ҳазрати Иброҳим ва Исмоилнинг тақвоси, таваккули ва итоаткорлигидан ўрнак олиш имкони бор.

Арафот ва Муздалифада иймони зиёдалашиб, қалби ойнадек мусаффо бўлиб қолган мўмин Минода шайтонга қарши зўр бир мужодала бошлайди. Инсонни Аллоҳга ибодат қилишдан чалғитадиган ҳар бир нарса шайтондир. Шайтонни тошбўрон қилиш ёмонликлар, ноҳақликлар, зулм ва зўрликни инкор қилишдир. Минода катта, ўрта ва кичик шайтонларнинг рамзини тошбўрон қилиш ҳазрати Одам ва ҳазрати Иброҳим алайҳимуссаломларнинг суннатларига эргашишдир. Бу амал иймонга қарши курашган ёвуз кучларга қарши адоват изҳор қилиш ва улардан ғолиб келишнинг тимсолидир. Ҳаж ибодатининг якунига етиб келаётган ҳожи бу саъй-ҳаракати ила шайтонга ва унинг йўлига эргашганларга ўзининг нафратини изҳор қилади ва айни пайтда ўзининг шайтони лаъинга асло эргашмаслигини эълон қилади.

Мана бу воқеани эса қоғозга туширгани ҳам истихоло қиласан, киши! Бу не кўргиликки, бундан бир неча йил аввал бир “ҳожи” акамизнинг мана бундай мақтанишларини ушбу гуноҳкор қулоқларимиз эшитган эди: “Маккада кун шунақанги исиб кетдики, гўё таналар эриб кетаётгандек бўларди. Ҳамма автобусга тушиб, Арафот деган жойга “экскурсия”га кетди, мен эса меҳмонхонада кондиционерни охирги совуғига қўйиб, мазза қилиб дам олдим”. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Ҳаж – Арафотдир» деганлар... Арафотга қадам босмаган, ҳеч йўқ бир неча лаҳза унда турмаган кишининг ҳажи ҳаж бўлмайди. Арафот маҳшарни эслатади. Арафотда пешин ва аср намозлари жамлаб ўқилади, ҳамма қибла томон юзланади, тавба ва дуода бўлади. Ҳажнинг энг муҳим фарзи бўлмиш Арафотдаги вақфада (туришда) ҳар ким ўзининг ҳолатини чуқур мушоҳада қилади – қаерда тургани, қалбининг аҳволини, иймон ёки шайтон томонда эканини сарҳисоб этади. Арафот турли ирқ, миллат ва маданият вакиллари бўлган мўминларнинг Яратганга қуллик қиладиган маскандир. Саҳиҳ ривоятларда келишича, Арафотда турган ҳожи дуоим мустажоб бўлдимикин, деган шубҳага борса ҳам, гуноҳкор бўлади, яъни бу ерда дуоларнинг ижобат бўлишига шубҳа қилиш ҳам мумкин эмас.

Ҳижратнинг ўнинчи йили Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳаж қилиб, Арафотда дунёнинг тўрт томонидан келган бир юз йигирма минг ҳожи ҳузурида оламшумул, машҳур Вадо хутбаларини қилганлар. Арафотда Қуръони каримнинг нозил бўлиши ниҳоясига етган. Имом Бухорий ривоят қилдилар: “Яҳудийлар

Умар розийаллоҳу анҳунинг ҳузурларига келиб, “Сизлар бир оятни ўқийсизлар, агар ўша оят бизга нозил бўлганида, буни байрам қилиб олган бўлур эдик”, дейишди. “Мен ўша оятнинг қачон, қаерда, қандай нозил бўлганини биламан. Аллоҳга қасамки, бу арафа куни бўлиб, биз ҳам Арафотда эдик”, деди ҳазрати Умар. – Бу ушбу оятдир: “Бугун динингизни мукаммал қилдим, неъматларимни бенуқсон, тўлиқ қилиб бердим ва сизларга Ислом динини танладим” (Моид, 3).

Мадинаи мунаввара... Мунаввар, нурафшон, фазилатли шаҳар. Маккаи мукаррамада ҳаж арконларини адо этган ҳожиларнинг иккинчи зиёратгоҳи. Самолётда Мадинага учган ҳожилар учун ҳажнинг илк зиёрати шу табаррук заминдан бошланади. Бу ер Ислом нурини бутун оламга ёйган Набий алайҳиссаломнинг шаҳридир. Бу муқаддас заминнинг ҳар бир қарич тупроғи инсониятга Ислом зиёсини етказган Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, асҳоби киромнинг оёқларига пояндоз бўлган. Расулulloҳ алайҳиссалом вассалом Ислом рисолатини поёнига етказиб, ўз умматларига топширмақ учун туғилиб ўсган ватанларини тарк этиб, бу ерга ҳижрат қилганлар. Илк Ислом давлатини шу ерда қурганлар, ваҳий нузулининг бир қисмини шу ерда қабул қилганлар. Ислом даъвати якунига етгач, ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом шу ерда Рафиқул аълога интиқол қилганлар ва шу ерда дафн этилганлар. Шу тариқа Мадина Аллоҳнинг энг суюкли бандасини, Бани башарнинг энг афзалини ўз бағрида сақлаш шарафига ноил бўлган.

Масжидун Набий Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳижратларидан кейин бино этилган илк масжиддир, ер юзида Масжидул ҳаром ва Масжидул Ақсодан кейинги энг фазилатли саждагоҳдир. Бу ерда Ҳазрати Расулulloҳ алайҳиссалом, у зотдан сал нарида ҳазрати Абу Бакр, у зотнинг ёнларида эса ҳазрати Умар розияллоҳу анҳумо дафн қилинганлар. Мазкур масжид Расулимиз алайҳиссаломнинг ҳам уйлари, ҳам мадрасалари, ҳам қароргоҳлари бўлган. Шунинг учун ҳожилар асосий вақтларини ушбу масжидда ўтказиб, қирқ маҳал намозни шу ерда адо этишлари керак. Аммо кўп ҳожиларимизнинг бу тансиқ дамларнинг қадри ва фазлини яхши англамай, кўп вақтларини меҳмонхонада, бефойда суҳбатлар билан ё дўкон кезиб ёки ошхоналарда ўтказиб юборишлари айниқса афсусландир.

Эй ҳожи биродарим, энди бир ўйлаб кўринг: тили, ранги, миллати, урфи, маданияти турлича бўлган миллионлаб мусулмонлар бир тану бир жон бўлиб адо этадиган ҳаж ана шундай муҳим аҳамиятга эга. Аллоҳ таолонинг наздида оқнинг қорадан, арабнинг аямдан, форснинг фарангдан фарқи йўқлигини кўрсатувчи гўзал ва муҳташам ибодатдир. Ибодат нияти ила муқаддас ерлар томон қилинган ушбу сафар кишига ўзининг маънавий ҳаётини янгидан сарҳисоб қилиш, анбиёлар рисолати ила мунаввар бўлган бу қайноқ ўлкада яшаш, Ислом тарихини янгитдан ўрганиш, ўзликни англаш имконини беради. Ҳаж ибодати мўмин мусулмонлар учун камолот чўққисидир. Шундай бўлгач, сиз ҳаждаги ҳар бир кун, ҳар бир соатнинг қадрига етинг! Кўп вақтингизни ибодатларга, бу табаррук юртда содир бўлган ишлар ҳақида фикр қилишга, улардан ибратланишга, гуноҳлардан

покланиш учун кўпроқ Аллоҳнинг зикрини қилишга бағишланг! Ҳаёлингиз яқинлар ва фарзандларга қандай совға харид қилиш, динимизда мутлақо бўлмаган “ҳожи оши”ни қаерда ва қандай ўтказиш, сизни кутиб олишга кимлар чиқиши каби бефойда фикрлар билан банд бўлмасин. Бунинг ўрнига ҳажингизни Аллоҳ қабул қилдими, унинг мукофоти-га сазовор бўла олдингизми, ҳажнинг барча арконларига риоят этиб, уни тўқис қилдингизми, ана шу мулоҳазалар устида кўпроқ тафаккур қилинг! Шунда ҳажингиз мабрур, унинг мукофоти жаннат бўлади.

Аллоҳ Расули алайҳиссаломнинг ваъдаларига кўра, ҳаж ибодатини мукаммал адо этган кишининг мукофоти жаннатдир. Ёш тўла кўзларини, покланиб, топ тоза бўлиб қолган қалбини Аллоҳнинг Байтидан уза олмай, ўз уйига қайтаётган ҳожи энди мутлақо бошқа инсондир. Зеро, у Ҳарами шарифда буюк пайғамбарлар юрган йўллардан юрди, улар қилган саъй-ҳаракатларни қилди, улар бажарган ибодатларни адо этди ва гўё ўша улуг зотларнинг зумрасига дохил бўлди. Ҳаж ибодати гуноҳларига тавба қилган, хатоларини англаган, ҳаётини Ислом мезони билан сарҳисоб қилган ва умр китобидан янги, оппоқ саҳифа очган ҳожи учун янги, покиза ҳаётга қўйилган илк қадамдир...

Аммо минг афсуски, айрим ҳожиларимиз ҳаждан қайтиб келгач, ана шу саодатли онларнинг, ўхшаши йўқ ибодатларнинг, табаррук жойларнинг шукуҳини, фазлини, қадрини ҳис этишмаётир. Эски гуноҳларини бемалол қилиб юрган, ахлоқини яхши томонга ўзгартирмаган, ёмонликлардан тийилмаган, “ҳожи” деган номга номуносиб ҳаёт кечириётганларнинг ҳам борлиги фикримизга далилдир. Ҳукумат ҳожиларимизга илтифот кўрсатиб, ҳаж мавсуми тугагач яна бир неча кун меҳмон бўлишлари мумкинлигини эълон қилганида “Мени тезда юртга жўнатмасанглр бўлмайди, эртага ҳожи ошига одам таклиф қилиб, қўйларни сўйдириб қўйганман” деган кишиларнинг ҳам чиққани фикримиз далилидир. Ҳожиларни олиб қайтадиган самолёт бир кунга кечикканида ҳожига хос бўлмаган сабрсизликдан, тоқатсизликдан ўзини қўйгани жой тополмай қолганларнинг ҳам борлиги фикримизга яхши далил бўла олади. Ибодатлар пайтида жони қийналиб кетганидан “Иккинчи бор бундай жойларга келмаганим бўлсин”, деган сўзлар тилига чиқиб кетган ҳожи кейинчалик бу гапига афсусландимикин?!

Ҳа, ҳаж сихатгоҳ ёки ҳордиқ чиқариш уйида мазза қилиб дам олиш каби иш эмас. У мусулмоннинг иродасини, ихлосини, тақвосини, имонини имтиҳон қилувчи масъулиятли ва машаққатли ибодатдир. Ҳаж Аллоҳнинг розилигини топиш, Ундан гуноҳлар мағфиратини сўрашнинг энг қулай имкониятидир. Ҳаж тавба-тазаррунинг, покланишнинг, Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш ва Унинг жаннатига эришишнинг воситасидир. Шундай экан, эй ҳажга отланаётган биродарлар, сиз ана шу катта ва муҳим имтиҳондан ўтишга тайёرمىсиз? Эй ҳаждан қайтган биродарлар, бу ибодатнинг файзини, шукуҳини, моҳиятини чин дилдан англай олдингизми? Энди ҳаётингизни шунга муносиб равишда қўра оласизми? Мана шу саволлар барчамиздан жавоб кутади...

Аҳмад МУҲАММАД.

“Азон” сўзи луғатда “эълон этиш, билдириш, огоҳ этиш” маъноларини билдиради. Истилоҳда фарз намоз вақти кирганидан огоҳлантирувчи ва намозга чорловчи қақирқ “азон” дейилади.

Азон намоз вақти етганида масжид ташқарисида айтилади. Намоз вақти кирмасидан олдин айтилган азон ҳисобга ўтмайди. Азонни оқил, балоғатга етган, яхши-ёмонни ажрата оладиган эркак киши айтади. Таҳорат билан айтилса, яхши, лекин таҳоратсиз айтилса ҳам ўтади. Аёлларнинг азон айтиши жоиз эмас. Азон икки қўлнинг кўрсаткич бармоқларини қулоқ ичига тикиб, бош бармоқларини қулоқнинг юмшоғига теккизиб айтилади.

Азон калималари ушбулардир: “Аллоҳу акбар” (тўрт марта), “Ашҳаду анла илаҳа иллаллоҳ” (икки марта), “Ашҳаду анна Мухаммадар Расулаллоҳ” (икки марта), “Ҳаййа ыалас солаҳ” (икки марта), “Ҳаййа ыалал фалаҳ” (икки марта), “Аллоҳу акбар” (икки марта), “Ла илаҳа иллаллоҳ” (бир марта). Маъноси: “Аллоҳ

тилаётганида салом берилмайди ва алик олинмайди. Масжидда азон айтилган бўлса, уйда намоз ўқийдиган киши учун алоҳида азон айтиш лозим эмас, такбир айтилса етарли. Сафарда азон айтилади.

Азон ва иқоматдаги суннатлар ушбулардир: эркак киши айтиши; азонни ҳам, такбирни ҳам тик турган ҳолда айтиш; кўпчилиққа эшиттириш мақсадида овозни баланд кўтариш; азонни баланд жойга чиқиб айтиш; азон ва иқоматни қиблага юзланиб айтиш; азонда «ҳаййа ыалас солаҳ»ни айтаётганида юзни ўнг томонга, «ҳаййа ыалал фалаҳ»ни айтаётганида чап томонга ўгириш. Киши ёлғиз ўзи учун азон қақирса, ўнг ва чап томонга қараши шарт эмас, чунки бунга ҳожат йўқ; азон жумлаларининг ораларини ажратиб (яъни, бир жумлани айтиб бир лаҳза сукут қилиш ва кейин иккинчисини) айтиш; азонда шошилмаслик, иқоматда эса бир оз тезроқ айтиш; азон айтаётганда таҳоратли бўлиш; шом намозидида вақт қисқалиғи сабабли азондан кейин дарҳол такбирни айтиш, бошқа намозларда эса,



АЗОН

улуғдир, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлиғига икрорман, Мухаммад Аллоҳнинг пайғамбари эканига икрорман, Намозга шошилишлар, Нажотга шошилишлар, Аллоҳ улуғдир, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ”. Бомдод намози учун айтилган азонга иккинчи «ҳаййа ыалал фалаҳ»дан кейин икки марта «Ассолату хойрум минан навм» (яъни: «Намоз уйқудан афзал»)ни қўшиб айтиш суннат амаллардан ҳисобланади.

Беш вақт фарз намози, жума намозига азон айтиш эркакларга суннати муаккададир (таъкидланган суннат). Икки ийд (ҳайит) ва жаноза намозларига азон айтилмайди. Бир вақт намоз учун маҳалла масжидида айтилган азон етарли бўлади. Азонни эшитганлар бу пайтда ҳар қандай ишни, гап-сўзни тўхтатиб, азонга жавоб беришлари суннатдир. Агар азондан олдин масжидда Қуръон ёки намоз ўқиётган бўлса, тўхтатиш лозим эмас. Азонга жавоб сўз ва амал билан бўлади. Муаззин ҳар калимани айтганида эшитган киши ҳам ўша калимани айтиши вожиб. Фақат «Ҳаййа ыалас солаҳ» деганида «Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил ыалийул ыазим» (яъни: «Қудрат ва қувват Улуғ Аллоҳ таолодангинадир») ва яна «Ҳаййа ыалал фалаҳ» деганида «Машаъаллоҳу кана ва ма лам яша лам якун» (яъни: «Аллоҳ таоло хоҳлаган иш бўлур ва У хоҳламаган иш ҳеч бўлмас») калималарини айтиб жавоб бериш сўз билан азонга ижобат қилиш, дейилади. «Ас-солату хойрум минан навм» деганида «Содақта ва барирта» (яъни: «Рост айтдинг ва яхши қилдинг»), дейилади.

Ҳадиси шарифга мувофиқ «Азон айтилганида уни тингламасдан бошқа ишлар билан машғул бўлиш ўша кишининг имонида камчилик борлигини кўрсатади». Азонни эшитган киши масжидга жамоат билан намознинг илк вақтида ўқиш учун юриши азонга амал билан жавоб қилиш бўлади. Агар муаззиннинг азонини эшитган киши бирор узрли сабаб билан масжидга бора олмайдиган бўлса, азон ҳурматидан ҳар қандай ишини тўхтатиб, уни эшитиши лозим.

Баъзи уламоларимиз азонни масҳара қилган, калималарини истезҳо билан такрорлаган ёки «Бу қандай ғаройиб овоз» ё «Бу бегона бир овоз» ёки «Бу жом овозидир», каби сўзларни айтган киши кофир бўлади, дейишган. Азон билан иқомат ай-

азон билан иқомат ўртасида намозхонлар масжидга етиб келишга улғуришлари учун бир муддат тин олиб ўтириш (бу муддат тўрт ракат намоз ўқиш миқдорича бўлади); азон калималарини ўринсиз чўзиб, маъноларини бузиб юборишдан сақланиш; такбир айтилгач, кечиктирмай намозни бошлаш. Имом ҳам, жамоат ҳам такбирдаги «ҳаййа ыалас солаҳ» жумласи айтилганида ўринларидан туриб, «қод қоматис солаҳ» жумласига етганда намозга ният қилишга киришишади. Азонни айтувчи ҳам, эшитувчи ҳам азондан сўнг ҳадиси шарифга мувофиқ олдин «Аллоҳумма солли ыала Мухаммад ва ыала али Мухаммад», деб Пайғамбаримизга салават айтиб, кейин ушбу азон дуосини ўқийди: «Аллоҳумма, Робба ҳазихид даъватит томмати вас-солатил қоимати ати Мухаммаданил василата вал фазилата вад дарожатар рофиъата вабъасъу мақомам маҳмуданиллазий ваъадтаху варзуқна шафаъатаху явмал қиёмати иннака ла тухлифул миъад» (яъни: «Ушбу комил дуонинг ва вақти кирган намознинг эгаси Аллоҳ! Мухаммадга васила ва фазилат ҳамда баланд даражани бер, у Зотни Ўзинг ваъда қилганинг мақтовли жойларда тирилтир, қиёмат кунинда бизга унинг шафоатини насиб эт. Албатта, сен ваъданга хилоф иш қилмайсан»).

Азон билан иқомат ўртасида қилинган дуога албатта жавоб бўлади. Демак, бу фурсатни ғанимат билиш керак. Азон билан иқомат ўртасида дунёвий гап-сўзларни узрсиз айтиб ўтириш дуруст эмас. Баъзи уламолар буни ҳаром ҳам дейишган. Мўмин киши Аллоҳ таолони эслаб ўтиргани маъқул ва савоблидир. Уламолар ҳадиси шарифга таяниб: «Бола туғилганида ўнг қулоғига азон ва чап қулоғига иқомат айтиш суюкли ишлардандир», дейишган. Қайси бир жамоа, қишлоқ ёхуд шаҳар келишиб, азонни бекор қилишса, улар Ислонинг шиори бўлган энг муҳим нарсалардан бирини инкор қилган ҳисобланишади.

ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ -

бу сохта хурсандчилик, маънавий ва моддий зарар... ми?

Саноқли кунлардан кейин жаҳоннинг кўпгина халқлари нишонлайдиган янги йил байрами бизнинг юртимизда ҳам байрам қилинади. Янги йилда дастурхон тузаймиз, арча шохларини безатиб, ўйин-кулгу қиламиз, ҳатто ҳар хил ҳайвон ва жонзотлар ниқобини тақиб балл маскарадларда ҳам иштирок этамиз. Ҳанузгача моҳиятан ўзимиз ҳам англаб етмаган байрамни интиқиб кутамиз. Фарзандларимизга янги йил байрамида улар истаган нарсаларни олиб беришни ваъда қиламиз, ёхуд Қорбобо ва Қорқиз мўъжиза кўрсатиб уларга орзусидаги ўйинчоқни совға қилишига астойдил ишонтирамиз. Ҳаттоки, янги йилда юртдошларимиз Қурбон ҳайитидан кўп жонлиқлар сўйиб, меҳмоннавозлик қилишади. Аммо, бирортамиз янги йил байрамининг келиб чиқиши, тарихи, маъно-мазмунини тафаккур қилиб кўрганмизми? Йўқ. Бунга ҳожат ҳам, хоҳиш ҳам йўқ. "Байрам-да, деймиз янги йил арафасида елиб-югуриб озиқ-овқат ташиётганимиздан ҳайратга тушиб сўраган кишига, - шу байрам баҳона би-и-ир мазза қилсак қилибмиз"-деймиз "байрамлардан қувонч туймайдиган, дунёга тўрвасининг йиртиғидан қарайдиган девона"нинг саволидан ғашланиб. Нафс ва дунё ҳавасларидан хира тортган ақлимиз, янги йил байрами номи билан аталувчи

Овқатланиш маросимими?

Ташвишларининг ҳаётимиз учун ҳеч қандай аҳамияти йўқлигини мушоҳада қилмайди. Ҳа, мақолани иншо этиш жараёнида янги йил байрами ҳақидаги "овқатланиш маросими" атамаси ўзим учун ҳам қизиқ туюлди. Чиндан ҳам, кўпчилик юртдошларимиз 25 декабрдан қарийб 10 январгача овқатланиш маросимида фаол иштирок этадилар.

— Гўёки, 31 декабр кечаси айрим кишилар учун охириги кун ҳисобланди. Топган- тутганига озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиб, айна шу куни сутка давомида овқатланиб чиқади,- дейди қўқонлик юртдошимиз Сардор Бердиалиев.- Тўғри, ҳар ким қиммат егуликларни сотиб олса, ўз пулига олади, кимнинг нима иши бор, деб кимнингдир энсаси қотиши мумкин. Қайсидир маънода у ҳақдир ҳам. Лекин байраму тантана қилишга арзирли, ҳар қанча шодиё-

наю хушнудликка ярашиқли байрамларимиз кўп-ку! Хўш, ўша аллақандай мазмунига ўзлари ҳам тушунмайдиган янги йил байрамини нишонлайдиганлар Рамазон ва Қурбон ҳайитлари, Истиқлол айёми ёки бошқа миллий байрам ва эътиборли кунларни ҳам шундай фавқуллодда зўр тайёргарлик билан кутиб, жонлиқ сўйиб, Аллоҳга шу эзгу кунларга етказганига шукрона айтиб тантана қиладиларми? Афсуски, Йўқ! Лекин ҳеч қандай аҳамият ва маъно касб этмайдиган, на миллий қадриятларимизга ва на турмушимизга алоқаси бўлмаган кунни байрам қилиш учун ойлаб пул жамғарамиз. Бир неча ой қора қозонни сувга ташлаб қўйиб, янги йил байрамига деб минг бир машаққат билан йиққан маблағимизга озиқ-овқат, ичимликлар ғамлаймиз. Ачинарлиси, январ ойининг дастлабки кунларида касалхоналарга бемор тўлиб кетади... Кимдир ошқозон-ичак дардидан азиятда, бировнинг ичкилик оқибатида қон босими ошиб кетган, яна кимдир маст ҳолда автомобил бошқариб автоҳалокатга учраган, Худо кўрсатмасин...

Юртдошимизнинг дил оғриқларида жон бор. Дарҳақиқат, янги йил байрамидан кейин оғир оқибатлар ҳақида кўп эшитганмиз, кўрганмиз. Шундай бўлса-да, чуқурроқ фикрлаб, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймай, халқ таъбири билан айтганда "кўрпа қараб оёқ узатиб" байрам қилишни ўйламаймиз.

"Ўйин-кулги, байрам экан, деб..."

— Халқимиз ўйин-кулги, шодиёнани яхши кўрадиган эл,- дейди ҳамкасбимиз Абдор Машарипов.- Лекин ўйин-кулги экан, байрам экан, деб одам ҳамма нарсани аралаштириб ташламаслиги керак-да. Биз онгли мавжудотмиз, Яратган бошқа махлуқотларидан фарқли равишда бизга онг, тафаккур, ақл ато этган. Ҳар бир амалимиз аввалида бажараётган ишимизни ақл билан мушоҳада қилишимиз керакку! Хўш, 31 декабр арафасида арча безатиб, ўйинчоқлар осиб қўйишдан не маъно топамиз? Шу ҳақида ҳеч ўйлаб кўрамизми? Зўр бериб болаларимизни янги йил кечаси юз берадиган мўъжизаларга, Қорбобо ва Қорқиз улар истаган

ва кутган совғаларни олиб келишига ишонтирамиз. (Ўзимиз етмагандек, ҳаётга энди қадам ташлаб келаётган фарзандларимизнинг ҳам онгини заҳарлаб чарчамаймиз) Бироқ янги йил куни содир бўлиши мумкин бўлган мўъжизалар замирида қандай воқеълик ётганини мулоҳаза қилмаймиз. Ҳамма қилган ишни қилиш, ҳамма “қўйлаётган” қўшиқча жўр бўлиш бориб турган манқуртлик эмасмикан?..

Исо таваллудига алоқаси йўқ

Юртдошларимизнинг фикрларини тинглар эканмиз, янги йил байрамининг мазмун-моҳияти, тарихи қандай воқеликларга бориб тақалишини далолат этгучи манбаларни излаб кўрдик.

“... Афсуслар бўлсинки, дунёнинг лаззатлари ва Константиннинг сурбетларча ҳомийлиги қаршида ўзини тутолмай қолган насроний руҳонийлари аввалда Исо алайҳиссалом ҳазар қилган мажусийлик ақидаси, сирлилиги ва маросимларини насронийларники, деб эълон қила бошлади,- дейилади ҳамкасбимиз Абу Муслимнинг “Янги йил қандай байрам?” номли интернет мақоласида. - Черков осонгина мажусийларнинг “худо”лари номини насронийлар авлиёлари исми билан алмаштирди, мажусий саналарини черков тақвимига мувофиқлаштирди. У шу тариқа мажусийликни одамлар онги ва ҳаётидан сиқиб чиқаришни, шу йўл билан салтанат аҳолисини Исонинг ердаги ягона халифаси бўлмиш императорга бўйсундириб беришни ўйлаган эди.

Бу куннинг Исо пайғамбарга (алайҳиссалом) ва унинг таваллуд кунига ҳеч қандай алоқаси ҳам йўқ. Биз хурсандчилик ила нишонлайдиган янги йил соф мажусийлик илдизларига эга. Янги йилни нишонлаш мазмуни барча халқларда деярли бир хил: сеҳр-жоду амаллар, инсон ва ҳайвонларни қурбон қилиш эвазига “худо”ларини рози қилиш ва шунинг билан бирга келаётган янги йилда оила учун бахт ва барака сўраш бўлган.”

Қимматга тушадиган мажбурий “хурсандчилик”

Ҳар қандай байрам маъно мазмунига кўра кишилар учун маънавий, ижобий кўмак бериши, байрам завқ-шавқи ҳеч кимга зарар кеттирмаслиги, қайтанга жамиятнинг эҳтиёжманд қатламига моддий фойда келтириши керак. Янги йилни байрам қилиш, бир неча ой мобайнида тановвул қилиш мумкин бўлган егуликларни бир-икки кечада еб битириб, исрофга йўл қўйиш, ёппасига ичкиликка берилиб кетиш эса одамларга кўпроқ руҳий жароҳат етказиши қатор йиллардан бери ҳаётда

исботини топиб келяпти. Аммо ҳалигача айрим юртдошларимиз бу байрамда ўзлари учун зарур бўлган маънавий-руҳий манфаат йўқлигини англолмаяптилар. Ҳатто кейинги пайтларда мажбурий ва мантиқсиз хурсандчилик нархи жуда баландлаб кетяпти. Янги йил арафасида ёппасига озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ошиши муносабати билан нарх-наво ҳам осмону фалакка кўтариляпти. Умуман олганда, бу сохта “шодиёна” кишиларга жуда қимматга тушгани етмагандай, айрим ҳолларда охири ўлим билан якунланадиган аянчли ҳодисаларга ҳам сабаб бўляпти.

Анча олдин шундай ҳолатга гувоҳ бўлгандим. Чамаси, 15-16 ёшларда эдим. Янги йил байрами куни, яъни 31 декабрда синфдош ўртоғимнинг акаси жонига қасд қилгани ҳақида эшитдик. Дўстимизни ўйлаб кўпчилик синфдошлар қайғуда тушди. Синфдошимизнинг оиласи камхаржроқ, дадаси далада трактор ҳайдар, онаси руҳий хаста эди. Синфдош дўстимиз байрам куни бевақт қазо қилган акаси билан дадасининг қабатига кириб, оиласига кўмак беришидан бохабар эдик. Синфдошимизнинг акаси бир йил аввал мактабни тамомлаган эди. Айтишларича, янги йил байрамида собиқ синфдош жўралар йиғилиб зиёфат ташкиллаштирмоқчи бўлган. Моддий етишмовчилик важдан ўртоқларидан айрилиб қолиш, зиёфатга аралашолмаслиги ўн саккиз яшар йигитнинг жонига қасд қилишгача боришига сабаб бўлган...

— Ўтган йили 31 декабр кунида қўшни “дом”дан бутун бошли оила фалокат сабабидан вафот этди,- дейди наманганлик ҳамкасбимиз мақола мавзусидан хабар топиб.- Уйда дастурхон тузаб, арчаларга электр ўйинчоқларни осиб қўйиб, соат тунги 24гача таниш-билиш, қавм-қариндошларни табриклашни мўлжаллаб чиқиб кетишади. Соат 23лар атрофида уйга қайтиб, эшикни очган заҳоти чирокни ёқишади. Шу пайтда табиий газ босими кўтарилиб, қаердандир газ ҳиди чиқиб бутун хонадонга тарқалган эканми, чироқ ёнган пайтдаёқ уй портлаб кетади... Ёш болалар воқеа жойида жон берибди. Катталар бир неча кун касалхонада азобланиб ёруғ дунё билан видолашди...

Бу воқеаларни кимнидир қўрқитиш ёки янги йилни зўр иштиёқ билан нишонлайдиганларнинг энсасини қотириш ёхуд бу куни байрам сифатида хурсандчилик қиладиганларга қарши чиқиш учун келтирмадик. Шунчаки, ҳар бир қиладиган ишимиз, бажараётган амалимизни аввал ақл тарозусида ўлчаб кўриш мақсадга мувофиқ бўлармиди, деган эзгу ниятимиз бор эди. Бу хусусда сизнинг фикрларингиз қандай?

Умида АЗИЗ тайёрлади

ҚУРЪОНДАГИ ИЛМИЙ МЎЪЖИЗАЛАР

Қуръони карим нозил бўлган пайтда, яъни бундан 1400 йил муқаддам одамларга осмон ва ер ҳақида, юлдузлар ва сайёралар, оламнинг яратилиш қонуни, ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши, инсоннинг яратилиши, боланинг она бачадонида ривожланиши ва туғилиши ҳақида гапириб бериш учун замонавий фалакиёт, атомнинг тузилиши, биология ва анатомия фанлари ҳали маълум эмас эди. Фан-техника ютуқлари туфайли Қуръондаги илм билан замонавий олимларнинг назариялари мос бўлиб чиқди.

Албатта, Қуръони карим бу мавзуларга кўп тўхталмаган ва ҳаммасини батафсил баён этмаган. Чунки Қуръон энг аввало иймон-этикод китоби, ҳаёт дастури ва шарият асосидир. Агар ўшанда Қуръон юқоридаги мавзуларни тўлалигича очиб қўйганида, ҳали бу нарсалардан мутлақо беҳабар мусулмонлар мавҳумлик билан тўқнашиб, ундаги хабар ва ҳикматларга тушунмаган бўлардилар. Шунинг учун Қуръони карим ишоралар, аломатлар, кўрсатма ва солиштирмалар билан кифояланиб қўя қолган. Бу эса фаннинг келажагини содда қилиб тушунтириш учун, келажакда бу улуг Китобнинг барча башоратлари очилиб, аста-секин рўёбга чиқиши учун эди. Бу кашфиётлар юз ва минг йиллардан кейин очилиб, инсонларнинг авлодлардан-авлодларига мўъжиза сифатида, Қуръони карим Аллоҳ таоло томонидан юборилгани ҳақиқатлиги тўғрисида мангу исбот-далил бўлиб қолиши учун эди: «Токи уларга (ушбу Қуръон ростдан ҳам Аллоҳ томонидан нозил қилинган) Ҳақ (китоб) эканлиги аниқ маълум бўлгунча, албатта Биз уларга атроф-офодадаги ва ўз вужудларидаги оят-аломатларимизни кўрсатажакмиз. Ахир (уларга) Парвардигорингизнинг барча насага гувоҳ экани етарли эмасми?» (Фуссилат, 53).

Аллоҳ бу аломат-ишораларни кўрсатиб бораверади, чунки уларга Аллоҳ Ўз Китобида келтириб қўйган гувоҳликлар етарли эмас ва Қуръоннинг мўъжизавий сирларини асрлар мобайнида очиб боришга зарурат туғилган. Шунинг учун Аллоҳ Ўз китобида мўъжизакор Қуръоннинг ажойиб аломатларини кун-бакун очиб бориш ваъдасини берган.

Ернинг думалоқлиги ҳақида Қуръони каримда шунақа ифодали ўхшатиш қилинган, яъни «думалоқлик» сўзи ўрнига кечани кундузга ўраш маъносига ибора келган: «У осмонлар ва ерни ҳақ (қонун) билан яратгандир. У кечани кундузнинг устига ўрар, кундузни кечанинг устига ўрар» (Зумар, 5).

«Ва шундан кейин ерни ёйиб-текис қилди» (Ван-нозиот, 30).

Бу оятдаги «даҳа» сўзи араб тилида икки маънога: «ёйиш» ва «думалоқлаш» маъноларига эга бўлган ягона сўздир. Аллоҳ таоло бу оятда ўз маъносига кўра ғоят ажойиб бу сўзни ишлатган. Маълумки, ерга тепадан назар солсанг теп-текис, унинг бутун шакли эса думалоқ.

Кейин эса тоғларнинг фазода сузиб юриши ҳақида ўқиймиз ва ўз-ўзидан ер ҳам тоғлар билан бирга сузишини англаймиз, чунки фазога нисбатан ер ва тоғлар бир-бутун нарсадир. «Сиз тоғларни кўриб, тек қотиб турибди, деб ўйларсиз. Ҳолбуки, улар ҳам худди булутлар юргандек юрарлар. (Бу) барча нарсани пухта қилган Зот – Аллоҳнинг ҳунаридир» (Намл, 88).

Биз тоғларни жойидан жилмай туради, деб ўйлаймиз, аслида улар фазода ўзи ўрнашган ер билан бирга сузиб юради. Уларни булутлар билан солиштиришда ҳам катта ҳикмат бор. Бунинг ҳикмати шуки, ҳар икковининг моддий таркиби жуда мўрт нарсдан ташкил топган. Бизга маълумки, тоғлар зарралардан, булутлар эса томчилардан иборат.

Шундан кейин олам яратилгандан буён кун ва туннинг бирдай алмашинуви ва улар бир-бирининг ортидан юриши ҳақида сўз кетади. «На қуёш учун ойга етиш мумкин бўлур ва на кеча кундуздан ўзгувчидир. Барчалари фалакда сузиб юрур» (Ёсин, 40).

Ернинг думалоқлиги ҳақидаги бошқа эслатма – бу, олам яратилгандан буён гўёки шарнинг икки бурчидаги каби туннинг ҳам, куннинг ҳам бирга, бир вақтда келишидир. Агар Ер теп-текис бўлганида, кун ва тун бир-бирига эргашиб юра олармиди?

Қиёмат Куни келганида эса, ер юзига кун ҳам, тун ҳам биргаликда тушади: «Ер чирой олиб, ясан-тусан қилганида ва ернинг аҳли унинг устида кучли-қудратлимиз, деб ўйлай бошлаганида, ерга кечаси ё кундузи Бизнинг фармонимиз келиб, Биз уни гўё куни кеча обод бўлмагандек, вайронага айлантириб қўюрмиз» (Юнус, 24).

«Тун ва кун» сўзларида ернинг думалоқлигига жавоб ва исбот мужассам. Бундан ернинг қуёшдан тўсилган ва зулматга кўмилган ярмида тун бўлиши ҳамда қуёшга юзланган ва ёруқ бўлган иккинчи ярмида кун бўлишидан бошқа маъно чиқмайди ва булар ернинг думалоқлигини тасдиқлайди. Агар ер ҳақиқатан ясси бўлганида, ҳамма жойда сутканинг бир пайти ҳукмрон бўларди ва бизга кун ҳамда тун, деган тушунчалар номаълумлигича қолган бўларди.

Қуръонда қуёшнинг чиқиши ва ботиши ҳақидаги фикр ҳам жуда кўп марта қайтарилган: «(Аллоҳ) икки шарқнинг (яъни кун ва ой чиқадиган жойларнинг) ҳам, икки ғарбнинг (кун ва ой ботадиган жойларнинг) ҳам Парвардигоридир» (Раҳмон, 17). «Бас, машрику-мағрибларнинг Парвардигорига қасам ичурманки...» (Маориж, 40).

Агар ер ясси бўлганида, шубҳасиз, битта кун чиқиши ва битта ботиши бўларди. Агар думалоқ бўлганида, иккита кунботар ҳам бўлмасди.

Шундан кейин Қуръони каримда осмон ҳақида, унинг ўз ҳаракат чизиқи, майдони ва йўллари борлиги айтилади: «(Самодаги юлдузлар ҳаракат қиладиган) йўллар эгаси бўлган Осмонга қасамки...» (Ваз-зориёт, 7). «Осмонга қасам, тунги йўлчи (юлдуз)га қасамки...» (Ториқ, 1).

Осмон ердан кўтарилган ҳамма нарсани яна ерга қайтаради. Сувнинг буғи ёмғир бўлиб қайтади. Юқорига отган ҳамма нарсамиз ернинг тортиш кучи туфайли ортига келади. Осмон фазога юборилган радиотўлқинларни қайтаради, иссиқлик нурини ерда қизғиш акслантириб қайтаради ва кечаси ерни иситади.

Ердан осмонга отилган ва кўтарилган ҳамма нарсани тўсиб қолгани каби осмон ташқаридан ерга учиб, тушиб келаётган ҳамма нарсани сўриб, ўзига сингдириб, тўсқинлик

қилиб, майдалаб, парчалаб ушлаб қолади ва бу билан бизни ва ерни фазодан келувчи қирғин қиладиган ултрабинафша нурлар ва самовий жисмлар (метеоритлар)дан ҳимоя қилади. Осмон биз учун филтр, еримизга том бўлиб хизмат қилади: «Биз осмонни қулаб тушмайдиган том қилдик» (Анбиё, 32). «Осмонни Биз қудрат билан барпо қилдик. Дарҳақиқат, Биз қудратлидирмиз» (Ваз-зориёт, 47).

Бугунги илм-фан тилида булар «Бутун олам тортилиш қонуни», дейилади. «Шу пайтда атом парчаси жуда кичик бўлгани учун бўлинмайди, деб ҳисобланарди, Қуръон эса у бундан ҳам майда зарраларга парчаланишини кўрсатди. Биринчи бўлиб, Қуръонда атомдан кичик зарралар ҳақида сўз юритилди: «Осмонлар ва ердаги бир зарра мисоличалик, ундан ҳам кичик (ёки) катта бирон нарса Аллоҳдан махфий бўлмас» (Сабаъ, 3).

Юқоридагиларнинг барчаси ернинг думалоқлиги, осмоннинг табиати, атомнинг тузилиши ҳақидаги билимларнинг Қаройиб сирларини дадиллик билан очиб беради. Қуръони карим нозил бўлган ўша олисдаги қолоқ ва жаҳолатга ботган асрда бундайин илқор фикрлар олимнинг ҳам, нодоннинг ҳам калласига келиши мумкин эмасди.

Ёки Қуръондаги инсоннинг яратилиши, боланинг дунёга келишида нутфа (сперма)нинг хусусиятлари ҳақидаги аниқ ва лўнда таърифларни олиб кўрайлик: «Ва албатта У Зот отилиб чиқадиган нутфадан эркак-аёл жуфтларни яратгандир» (Ван-нажм, 45-46). Бу биологик қонуниятни фан бугунга келиб очди. Фақат ҳозирга келиб, биз нутфа (сперматозоид)нинг бола пайдо бўлишида иштирок этувчи ягона омил эканига гувоҳ бўлдик.

Ер юзиде қанча одам бўлса ҳам, бирортасининг қўл бармоқлари учини бир-бирига ўхшамайдиган қилиб яратилгани ҳам улар ўлгандан кейин қайта тирилишига, шунингдек, тана тўқималарининг қайта тикланишига исбот-далил эмасми? «Инсон Бизни унинг (чириб, тупроққа айланган) суякларини ҳаргиз тўплай олмас, деб гумон қилурми?! Йўқ, Биз унинг бармоқларини (ҳам) тиклаб-жойига келтиришга қодир бўлган Зотдирмиз» (Қиёмат, 3-4).

Аллоҳ бармоқлардаги аввалги шакллар қандай бўлса, шундайча «тиклаб-жойига келтиришга қодир бўлган Зот» эканини айтади. Бармоқ учларини яратишдаги ақл бовар қилмас мўъжиза-олам яратилгандан буён ҳатто бармоқлари учи бир-бирига ўхшаш икки киши ҳам бўлмаганининг ўзиёқ Қуръони каримни ёзиш мумкин эмаслигининг исбот-далили эмасми?

Қуръонда ўргимчакнинг уяси – энг мўрт, нимжон уй, деб тилга олинади. Аллоҳ «ўргимчакнинг тўри», демаган, балки «унинг уяси», деган. Маълумки, ўргимчакнинг тўри оддий игга қараганда тўрт баробар пишиқ. Мўртлик бу ерда тўрга эмас, уяга тааллуқли. Бу уй ундан маскан ва паноҳ қидирганлар учун энг ёмон уйдир, унга тасодифан кириб қолган чақирилмаган меҳмонлар учун тузоқдир. Бу уй ҳатто ўргимчак оила аъзолари учун ўлим жойидир. Ўргимчак қўшилишдан кейин эрини еб қўяди. У оч қолганида, ҳатто болаларини ҳам ейди, болалар эса ўз навбатида бир-бирини ейишади. Ҳақиқатан ўргимчакнинг уйи – энг ёмон паноҳ маскани экани ҳақидаги энг ёрқин мисолдир. Аллоҳдан ўзгандан паноҳ қидирганларнинг қисмати ҳам худди шундай бўлади. Бу ҳақда Қуръонда қуйидаги мазмун жиҳатдан бемисл оятлар бор: «Аллоҳдан ўзга «дўстлар»ни ушлаган кимсаларнинг мисоли худди (ўзи учун) уй қуриб олиб, (ўша уйдан паноҳ истаган) ўргимчакка ўхшайди. Албатта уйларнинг энг нимжони ўргимчак уясидир. Агар улар билсалар эди» (Анкабут, 41). Оят охиридаги «Агар улар билсалар эди», деган жумла бу ҳақдаги билимлар кейинчалик маълум бўлишини англатади. Маълумки, бу биологик сирлар яқиндагина очилди, табиийки, уни пайғамбар Мухаммад алайҳиссалом билишлари мумкин эмасди.

Каҳф сурасида ҳам шунга ўхшаш маъно яширинган: «Улар каҳф-ғорларида уч юз йил турдилар ва яна тўққиз йилни ҳам зийда қилдилар» (25-оят). Ҳозирга келиб маълум бўлдики, шамсий (қуёш) тақвимидаги 300 йил қамарий (ой) йилидаги 309 йилга теппа-тенг экан.

Аллоҳ таоло Марям сурасида Биби Марям ҳақида сўз юртади. Унда туғиш тўлғоғи бошланганда, у хурмо дарахти тагига яшириниб, оғриқнинг зўридан ўлишга ҳам рози бўлганида, бир овоз келиб, дарахт шоҳларини силкитишга ва олдига тўкилган янги хурмо меваларини ейишга буюради: «Бас, тўлғоқ азоби уни бир хурмо дарахтининг шоҳига олиб борди (ва у шоҳга осилган ҳолда кўзи ёригач), деди: «Қани, мана шу (кундан) илгари ўлиб кетсам-у бутунлай унутилиб кетсам эди». Шунда (хурмо дарахтининг) ортидан (Жаброил) нидо қилди: «Ҳамгин бўлма, Парвардигоринг (оёқ) остингдан бир ариқ оқизиб қўйди. (Мана шу қуриб қолган) хурмо шохини силкитгин, у сенга янги хурмо меваларини ташлар. Энди сен еб-ичгин, шод-хуррам бўлгин» (Марям, 23-25).

Нега бу ерда хурмо ҳақида гапириляпти? Энг янги илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, хурмо мевасида аёл бачадони деворларини қисиб тортиштириш хусусиятига эга бўлган ва туғишни осонлаштиришга, шунингдек, кўз ёргандан кейинги кўп қон кетишини тўхтатишга кўмаклашадиган бирикмалар мавжуд экан. Хурмо меваларида тери тўқималарини тортиштиришга ёрдам берувчи модда топилди. Тиббиёт амалиётида ҳам ўсимлик ва ўтлардан тайёрланган малҳам-дорилар туғишни осонлаштириши, бунда хавфсизликни таъминлаш, ичак яраларини тозалаши маълум бўлди. Ҳақиқатан ҳам хурмонинг хоссасини аниқлаш ва уни туғиш тўлғоқлари пайтида истеъмол қилишнинг илмий заковати қандайдир ғайриоддий нарсага ишора эмасми? Илмий амалиётдаги бундай мисоллар ҳам кўча маънода, ҳам ўз маъносида чинакам пайғамбарона ҳақиқатнинг ўзгинасидир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай деган: «Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам (ҳеч қандай) ботил-ноҳақлик келмас» (Фуссилат, 42). «Агар у Аллоҳдан бошқа биров томонидан бўлса эди, унда кўп қарама-қаршиликларни топган бўлар эдилар-ку?!» («Нисо», 82).

Биз биламизки, назариялар бирин-кетин, бир-бирини рад этиб туғилаверади ва олимлар қанчалик тиришмасинлар, ягона бир мутлоқ фикрга келолмайдилар. Қуръонда эса бундай қарама-қаршилиқ ва камчилик-нуқсонлар йўқ! Мана шундан кейин у чинакам мўъжизадир, чунки у тарих ёза олмаган ўтмиш ҳақида гапиради ва ҳали этиб келинмаган келажакдаги воқеа-ҳодисалар башоратини беради.

Ҳақиқатан ҳам Қуръонда башорат қилинган византияликларнинг мағлубиятдан кейин яна ғалабага эришишлари рўёбга чиқди: «Жуда яқин жойда Рум мағлуб бўлди. (Лекин) улар (яъни, румликлар) бу мағлубиятларидан сўнг бир неча йил ичида албатта ғалаба қилажақлар» (Рум, 2-4). Оятдаги «бизъа» сўзини арабчадан таржима қилганда, «бир неча» маъносини беради ҳамда араб тилида учдан тўққизгача бўлган рақамни ифодалашда ишлатилади. Ҳақиқатан ҳам мағлубиятдан етти йил ўтгач, румликлар яна ғалабага эришдилар.

Мусулмонларнинг Бадр ғазотидаги ғалабаси ҳақида Қуръони карим шундай дейди: «Яқинда ўша жамоат енгилиб, ортларига қараб қочиб қолурлар» (Қамар, 45). Дарҳақиқат, мушриклар бу жангда мағлуб бўлиб, ортларига қараб қочишди.

Маккага кириш олдидан Пайғамбар алайҳиссаломнинг тушлари ҳақида Қуръони карим шундай башорат қилади: «Қасамки, Аллоҳ Ўз пайғамбарига (у киши кўрган) тушни ҳаққи-рост қилди: албатта сизлар (эй мўминлар), иншоаллоҳ Масжид-ал-Ҳаромга тинч-омон, бошларингизни (сочларингизни) қирдирган ва (ёки) қисқартирган ҳолларингизда хавф-хатарсиз кирурсизлар» (Фатҳ, 27). Дарҳақиқат, худди шундай бўлди.

Биз Қуръони каримдаги хабарларни ўқир эканмиз, содир бўлаётган воқеаларни ўз кўзимиз билан кўриб тургандек бўламиз. Мана Иброҳим алайҳиссаломнинг Парвардигорга муножотлари: «Парвардигоро, албатта мен зурриётимдан (ўғлим Исмоил ва онаси Ҳожарни) Сенинг ҳурматли Байтинг ҳузуридаги экин ўсмайдиган бир водийга жойлаштирдим. Парвардигоро, (улар) намозни тўқис адо қилсинлар, деб (шундай қилдим). Бас, Сен ўзинг одамларнинг дилларини уларга мойил қилиб қўйил ва уларни (барча) мевалардан баҳраманд этгил. Шояд, шукр қилсалар» (Иброҳим, 37). У Аллоҳдан ана шу экин ўсмайдиган жойни яшашга мослаштириб қўйишини илтижо қилди ва шундай бўлди ҳам.

Кейин Аллоҳ Макка аҳлига бу муқаддас жойга мушрикларни қўймасликни амр қилганида, маккаликлар учун ҳаётий фаровонлик ва табиий бойликларни ваъда қилди. Лекин улар ишлаб чиқариш қамали ва иқтисодий бўҳрондан қўрққанларида ҳамда ўз ҳаётлари ва мамлакат равнақи Маккага ташриф буюрадиган турли диндаги зиёратчиларга боғлиқ, деб ўйлаганларида, Аллоҳ уларни хотиржам қилиб шундай деди: «Агар сизлар (мушриклар ҳаж мавсумида Маккага келтирадиган озиқ-овқатлар ва бошқа нарсалар тўхтаб қолиши сабабли) камбағалликдан қўрқсангизлар, (билингки) яқинда (Аллоҳ) хоҳласа, Ўз фазлу қарами билан сизларни бойбадавлат қилажак» (Тавба, 28). Бу ваъданинг бажарилишини биз Арабистон ярим ороли саҳроси заминидан беҳисоб, мўлкўл ва адоқсиз нефт чиқишида, унинг баҳоси шиддат билан ошиб боришида, ўша қумликларда бой уран захираси борлиги ва улар вақт ўтиши билан тугамаслигида кўрамиз. Буларнинг ҳаммаси Аллоҳ таоло ваъда қилган бойликлардир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг бир неча оятларида денгиз ва дарёларни қандай яратиб қўйганини айтади: «Дарё-денгиз тенг бўлмас – буниси ширин-тотли ва ичилиши осон, буниси эса шўр-тахирдир» (Фотир, 12). «(Аллоҳ) икки денгиз-дарёни буниси чучук-ширин, униси шўр-аччиқ қилиб оқизиб қўйган ва уларнинг ўртасида тўсиқ-тўғон ва кўринмас парда қилиб қўйган Зотдир» (Фурқон, 53). «У зот икки денгиз-дарёни бир-бирлари билан учрашадиган ҳолларида (ёнма-ён) оқизиб қўйди. (Аммо) у иккисининг ўрталарида бир тўсиқ бўлиб, улар (ўша тўсиқдан) ошиб ўтмаслар» (Раҳмон, 19-20).

Машҳур шарқшунос, Ислон тарихи ва маданияти, араб халифалиги, мусулмон дунёси ҳақидаги бир неча йирик асарлари ва тадқиқотлари билан танилган Василий Владимирович Бартолд ана шу илоҳий ҳақиқатни тан олгиси келмайди ёки унинг асл маъно-моҳиятини тушуниб етмайди. У ўзининг «Қуръон ва денгиз» асарида шундай ёзади: «Арабча “баҳр” сўзи форсийдаги “дарё” сўзи каби фақатгина “денгиз” сўзини эмас, шунингдек, “катта дарё” маъносини ҳам англатади. Ҳатто айрим мусулмон тафсирчиларининг ҳам эътироф этишларича, Қуръоннинг ўша оятлари (XXV, 55 ва XXXV, 13) ана шу билан изоҳланади. Икки денгиз - чучук ва шўр сувли денгиз ҳақида сўз юритилган бу оятлар ўрисида таржимада анча ғалати таассурот туғдиради. Бир оятда (XXV, 55) қўшимча қилинганки, гўё Худо икки денгиз ўртасига бузилмас тўсиқ-тўғон ва кўринмас парда қилиб қўйган. «Чучук» тушунчаси «фурот» сўзи билан англашилади. Фурот дарёси ҳам шундай аталади. Бу ердаги оҳангдошлик тасодифий эмаслиги шундоққина кўриниб турибди. Қуръон оятида (XXXV, 13) ҳар икки - чучук ва шўр денгиздан одамлар ўзларига керакли нарсаларни олишлари ҳақида сўз борганда, Ҳинд океани ва Фурот дарёси бўйлаб кемалар қатнови назарда тутилган. Бу ҳолда “тўсиқ” деганда Фурот дарёсини Форс кўрфазидан ажратиб турган қуруқликни тушуниш керак» (В. В. Бартолд. Сочинение. VI том. 545-стр. Москва. 1966).

Шарқшунос олим бир неча чалкашликларга йўл қўйган:

Биринчидан, арабчадаги “баҳр” сўзи денгизни, форсий “дарё” сўзи эса ҳақиқатан дарёни англатади. Олим ёзганидай,

“катта дарё” маъносини бермайди;

Иккинчидан, Қуръони карим оятларининг рақами ҳам нотўғри берилган. Денгиз ва дарёлар ҳақида XXV яъни, Фурқон сурасининг 53-оятда ва XXXV яъни, Фотир сурасининг 12-оятда сўз боради;

Бартолд мақоласидаги учинчи чалкашлик эса, унинг Қуръон оятларидаги асл маънони, Қуръони каримнинг илоҳий мўъжизасини тушуниб ета олмай, “чучук” сўзи билан Фурот дарёси номларини аралаштириб юборганидир. Шарқшунос олим ёзганидай, чучук ва шўр сувдан одамлар ўзларига керакли нарсаларни олишлари ҳақида айтилгани фақат денгиз ва дарёлардаги кема қатнови ҳақида эмас. Ахир Фотир сурасининг 12-ояти давомида Аллоҳ таоло очик-ойдин шундай дейди: “Сизлар (уларнинг) ҳар биридан янги гўшт (яъни, балиқ тутиб) ейсизлар ва тақадиган зеб-зийнат чиқариб олурсизлар”. Ва яна академик Бартолд Қуръони карим оятларининг фақат зоҳирий маъноларига берилиб кетиб, шўр сувли денгиз остидан чучук сувли дарё оқиши, уларнинг суви аралашиб кетмай, Аллоҳ таоло улар ўртасига тўсиқ-тўғон, кўринмас парда ташлаб қўйгани ҳақидаги илоҳий ҳикматни илғай олмайди. Оқибатда, Қуръон оятларининг мўъжизаси олдида гангиб, бутунлай бошқа томонга чалғиб кетади. Оятдаги “тўсиқ” деган тушунчани Фурот дарёси ва Форс кўрфази орасидаги қуруқ ер, деб тушунтирмоқчи бўлади. Аслида шундайми?

Келинг, шундай номдор ва машҳур академик билан тортишиб ўтирмайлик-да, уни тўғридан-тўғри франсиялик машҳур олим, сув ости дунёсидаги тадқиқотлари билан оламга танилган Жак Ив Кустога (капитан Кусто) рўпара қила қолайлик. У шундай ёзади: “Баъзи тадқиқотчилар ўзаро фарқли денгиз оқимларини бир-биридан айириб турадиган тўсиқлар мавжуд, деган ғояни илгари суришган, биз шу қарашлар устида иш олиб бораётган эдик. Пировардида аён бўлдики, Оқ (Ўрта Ер) денгизнинг ўзига хос иссиқлиги, шўрлиги ва зичлиги бор. Айни пайтда, у ўзига хос жонлиларни боқади. Сўнгра Атлантика океанидаги сув қутласини (массасини) текширдик ва Оқ денгизниқидан батамом фарқли эканини кўрдик. Ҳолбуки, бу икки сув қутласи Жабали Ториқ (“Гибралтар” ҳам дейишади) бўғозида бирлашади. Ва бу қўшилиув минг йиллардан буён давом этиб келмоқда. Шунга кўра, икки денгиз суви бир-бирига аралашиб кетиши лозим эди, аммо шўрликда, зичликда таркибидаги модда миқдорларида тенглик (ёки шунга яқин бир ҳолат) юзага келмаганини, яъни оқимлар бир-бирига қўшилиб кетмаганини ва ҳар икки денгизнинг битта бўлиб кетган жойларида ҳам сувларнинг сифати, таркиби бошқа-бошқа эканини ҳайронлик билан кузатдик. Текшириш давомида бизни лол қолдирган яна бир ҳолатга дуч келдик: бу икки денгизнинг бирлашув нуқтасида қандайдир фаройиб бир сув тўсиғи бўлиб, уларнинг қўшилиб кетишига ўша тўсиқ монеълик қилаётган эди. Худди шундай «сув тўсиғи» 1962 йилда олмон илм одамлари томонидан Адан кўрфази билан Қизил денгиз бирлашган Мандак бўғозида ҳам топилган эди. Кейинги тадқиқотларимизда фарқли васфдаги барча денгизларнинг бирлашма нуқталарида айни сув тўсиғи мавжуд эканининг гувоҳи бўлдик» («Илоҳий мўъжизалар – 2», Тошкент, 1996).

Бу гапларга шуни қўшимча қилмоқ жоизки, денгизлардаги сув тўсиғи билан боғлиқ кузатув натижаларини эълон этган капитан Кустога кўп ўтмай, унинг энг яқин дўсти доктор Морис Букай бу кашфиётнинг янгилик эмаслигини, чунки бу ҳолат Қуръони каримда очик-ойдин айтиб қўйилганини маълум қилади. Бу сўзлар Кустони довдиратиб қўяди ва у Қуръондан ўша оятларни ҳайрат билан эшитади. Сўнгра бундай деб юборади: «Замонавий илм эришган кашфиётларни ўн тўрт аср аввал айтиб қўйган Қуръон, гувоҳлик бераманки, Аллоҳнинг каломидир!»

Бехзод АБДУРРАШИД.

СУИҚАСД



Американинг таниқли кинорежиссёри Мэл Гибсоннинг жаҳон экранларида катта муваффақият билан намойиш этилган “Апокалипсис” (оламушмул ҳалокат) филмига Уилл Дюрантнинг мана бу маънодор гапи эпиграф қилиб олинган: “Буюк ҳазоралар (цивилизациялар) ўзини ўзи ичидан вайрон қилмагунча, уни ташқаридан туриб забт этиш мумкин эмас”.

Дарҳақиқат, филмни томоша қилган киши ғарблик файласуфнинг юқоридаги сўзлари инсоният тарихи мобайнида кўп бора ўз исботини топганига гувоҳ бўлади. Асосий гапларга ўтишдан олдин филм воқеаларини бироз таҳлил қилиб кўрайлик. Тасвирга туширилган воқеалар Колумб Америка қитъасини очишидан бироз олдин, милоднинг ўн бешинчи асрида Марказий Америкада бўлиб ўтади. Филмда бошдан-оёқ ўша пайтда Марказий Америкада яшagan ва ҳазораси гуллаб-яшнаган майя ҳиндуларининг икки қабиласи ўртасида бўлиб ўтган шиддатли уруш тасвирланади. Бир қабила иккинчисига ҳужум қилади, унинг барча жангчиларини қириб ташлайди, хотинлар ва болаларни асирга олади. Кейин замон чархпалаги шундай айланадию энди иккинчиси биринчи қабилага ҳужум қилиб, унга катта талофат етказди. Бир миллатга мансуб икки қабила ўртасидаги ҳокимият учун курашлар, ҳийла-фитналар, аёвсиз қотилликлар, душманликлар, ҳодисаларнинг ақл бовар қилмас кечиши бутун филм давомида томошабинни ҳайрат ва қизиқиш чанғалида тутиб туради. Улар дунёда гўё бу икки қабиладан бошқа бирор жонзот йўқдек, бир-бирларини тубдан йўқотиш пайдан бўлишарди.

Филм охирида кучли қабила кучсизини қува бориб, уммон (океан) соҳилига етиб қолди. Таъқибчиларнинг нигоҳи уммон сувига тушдию, қоққан қозикдай қотиб қолишди. Уммонда кўрганларидан шу қадар руҳий ларзага тушишдики, қувиб келаётган душманларини ҳам унутиб қўйишди. Соҳил яқинида конкистадорларнинг (Марказий ва Жанубий Америка ерларини босиб олган испан ва португал истилочиларининг) катта елканли кемалари, улар ёнидан қирғоққа қараб сузиб келаётган қуроли аскарлар ва миссионерлар тўла қайиқлар шундоққина кўриниб турарди. Қувганларнинг ҳам, қувилганларнинг ҳам иложсизликдан қўли ҳеч бир ишга бормай, тили гапга келмай қолди. Кейин воқеалар қандай тус олгани ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак, нима бўлганда ҳам конкистадорлар маҳаллий аҳолига яхшилик олиб келмагани, уларнинг бошини силамагани тарих солномаларидан яхши маълум.

“Тарих ибрати, ҳулосаси билан гўзал”, дейишади машойихлар. Филмдаги воқеалар ва ундан олинadиган ибрат мусулмонларнинг қисматига ҳам жуда ўхшаб кетади. Дунёга охирги дин бўлмиш Ислom ёйилганидан бошлаб ўн беш асрча вақт ўтди.

Мусулмонлар шу давр мобайнида Аллоҳ таолонинг амр-фармонларига итоатда бўлиб, дин ва шариатга қатъий амал қилганларида ҳамиша ғолиб, музаффар бўлишди, уларнинг салтанатига қаршилиқ қила оладиган куч топилмади. Аммо улар дин асосларидан чекиниб, тақвони унутишганида, майда манфаатлар, ўзаро мурасасизликлар, тахт, мансаб, бойлик талаш-шишлар домига тушиб, ҳақ йўлдан адашишганида ўзга миллат ва халқларга қул бўлишди, хорланишди, ҳамма нарсаларидан – эътиқодларидан, юртларидан, ҳурриятларидан, бойликларидан, номусларидан мосуво бўлишди. Тарихга бунга мисол бўлувчи жуда кўп воқеаларга тилсиз гувоҳ.

Чингизхон ҳижрий 617 йилининг муҳаррам ойида Бухорога ҳужум бошлади... Барча уйлар вайрон қилинди, ҳамма сандиқлар бузилди. Китоблар йиртилиб, ҳайвонлар оёғи остига сомондек сочилди. Муқаддас китоблар сақланган сандиқларни отларга охур сифатида ишлатдилар. Илм юлдузлари бўлган мулалар, шайхлар қуллар каби эътиборли жангчиларга хизматкор қилиб, гоҳо эса мўғул бахшиларига масҳара учун берилди. Кўпгина мўғул қозилар эшак ва хачир боқишга мажбур қилинди... Чингизхон ҳайит намози ўқиладиган мусаллода тўпланган аҳолига шундай хитоб қилди: «Эй одамлар! Билинги, сизлар оғир гуноҳ қилдингиз. Бунга асосий сабабчи сизларнинг мурасасиз хонларингиздир. «Сен ўзинг кимсанки, биз билан бундай гаплашмоқдасан, деб сўрасизлар? Билинги, мен Тангрининг бандасиман. Агар сизлар гуноҳкор бўлмасангиз, Тангри жазоингизни бериш учун мени юбормас эди. Энди сизнинг ер устидаги бойликларингиз ҳақида сира маълумот сўрамаймиз, аммо ерга яширганларингизни айтишингиз ва уларни топиб беришингиз керак».

Хуросон, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ўлкасини фатҳ этган Ислом фотиҳи Қутайба ибн Муслим ҳижрий 95-96 йиллари Шарқий Туркистон шаҳарларини куфрдан халос қилиш учун жангга отланди ва Ислом футуҳотини Чин марказигача етказди. Аммо Бағдоддаги халифа Ибн Абдулмалик билан оралари бузилиб қолди ва Андижон яқинидаги Сўфиқишлоқда ўзининг хоин аскарлари томонидан ўлдирилди. Холид ибн Валиддан кейинги биринчи даражали атоқли фотиҳ Қутайба ана шундай иттифоқсизлик шумлигидан фожиага учради. Шарқда Ислом динининг тарқалишига катта зарба етди.

Ислом оламининг икки буюк сарқардаси – Усмонли салтанат подшоҳи Боязид Йилдирим ва Самарқанд султони Амир Темур 1402 йил 20 июлда Анқарада тўқнашдилар. Бу жангда ҳар икки тарафдан икки юз мингдан ошиқ жангчи қатнашди. Мухораба Усмонли салтанатининг тўртинчи султони Боязиднинг мағлубияти билан якун топди, унинг ўзи асир олинди. Натижада Усмонли давлатининг Фарбга ташланажак қадами кесилди, Қўстантания (Истан-



бул) фатҳи эллик йилга кечикди, Оврупа Ислом неъматидан бебаҳра қолди.

Милодий 710 йили икки буюк Ислом қўмондони Мусо ибн Наср ва Ториқ ибн Зайд ўз аскарлари билан Гибралтар бўғози орқали ўтиб, Испания, Португалия ва Жанубий Францияни забт этдилар ва Оврупада Андалусия номли йирик Ислом давлатига асос солдилар (Дарвоқе, Гибралтар – Жабали Ториқ, яъни «Ториқ тоғи» дегани). Кейинчалик бу икки қўмондон ўзаро ҳасадлашиб қолиб, иттифоқлари бузилиши натижасида Фарбдаги Ислом футуҳоти тўхтаб қолди.

Ўрта Осиё ерларида ҳукмронлик қилган Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликлари рус истилочиларининг ўз юртлари чегарасида киришга пайт пойлаб турганини кўра-била туриб, хурофот ботқоғига ботганлари, жоҳилиятда қолганлари, мурасасизликка борганлари учун душманга қарши бирлашиш ўрнига ўзаро низо ва қон тўкиш билан машғул бўлдилар ва уччала салтанат ҳам руслар истилосининг қурбони бўлди.

Аммо тарих сабоқларидан етарли хулоса чиқармаган мусулмонларнинг бугунги ҳолатлари ҳам мақтанарли эмас. Улар ҳамон бир-бирлари билан ўзаро низолашиш, ноиттифоқлик, мазҳаб талаш-шиш, мартаба талаш-шиш, манфаат талаш-шиш билан оворалар. Улар ҳамон динларига, эътиқодларига, номусларига, ҳурликларига жуда қудратли, маккор ва алдоқчи душман тажовуз қилишга тайёр турганидан ҳам бепарволар. Улар ҳамон доғули, икки-юзламачи, айёр ғанимларининг найрангига учиб, бир-бирларини жизман ва маънан йўқотиш билан машғуллар. Ана шу тайинсиз олишувлар, хусуматлар, бир-биридан ўч олишлар чангида улар ташқаридан қутку солиб турган ва ҳар лаҳзада мусулмонларни мавҳ этишга шай катта душманларининг хавфини мутлақо сезаётганлари йўқ. «Апокалипсис» филмига эпиграф қилиб олинган Уилл Дюрантнинг юқоридаги гаплари ўзаро адоват ва ўзи ўзини йўқ қилиш йўлини танлаган ҳар қандай ҳазора ва миллат учун ўқилган жиддий ҳукмдир!

Абу АББОС,
Абу МУСАИМ.

АДАШГАННИНГ ЎЛИМИ

Одамнинг тинка-мадорини қуришиб, илигидан жонини суғуриб оладиган баҳор кирди. Ўвлидаги тут олая бошлаган. Қўшни ҳовлиларда чаппар гуллаган дарахтларнинг гулини шамол тўзғоқдек учиради. Қуёшнинг ёқимли тафти қиш бўйи қақшаб чиққан суякларгача қиздиради. Болалар учираётган варраклар атрофида янги келган қалдирғочлар чарх уриб парвоз қилади. Қиш ичи уйларида чиқолмай, димиққан қариялару болалар ўзларини ҳовлиларга, кўчаларга урган.

Йўлдош ота ҳам девор тагидаги каравотига кўчган. Юпқагина пўстак устида кетмон дастадай ориқ оёқларини кучоқлаганича хаёл суриб ўтирибди. Гоҳида кўёш нурларига ўрганмаган кўзларини аранг очиб, атрофга эриниб қараб кўяди. Оромини ҳеч ким, ҳеч нарса бузмаётгани-

кўргим келиб чиқавурдим, ҳасратлашиб хумордан чиқмасак... Қандоқ кунларга қолдик ўзи. Юракдаги дардни бировга айтолмай, тарс ёрилай, дейман. Қариганимизда ҳам замон шунақа алғовдалғов бўлиб кетадими?

– Замонга нима бўпти, Маҳкамбой? Мен бўлса, аксинча, қувоняпман. Одамлар ўзини таниса, унутётган тарихини тиклай бошласа, халқнинг тилини, динини, имонини ўзига қайтариб беришса – бунинг нимаси ёмон, биродар?

Маҳкам партизан индамай қолди. Дўппини олиб, ярғоқ бошини эринмай силаб чиқди. Кейин қисик кўзларини йўлдош отага тикиб, овозини баландлатиб гапира кетди:

– Отагинам, мана ўзингиз гувоҳ, бутун умримни, куч-қувватимни советларга бахшида қилганман, ахир. Энди беш-олтита ялангоёқ чиқиб, етмиш йил ичидаги барча ишларинг учун кечирим сўра, тавба қил, деб турса, алам қилмайдими, отагинам. Гуноҳим нима, ҳаётим ўша оғир йилларга

ЭНГ АЧЧИҚ НЕЪМАТ

(ФАЛСАФИЙ ҚИССАДАН БОБЛАР)

дан таскин топиб, яна ўйга кўмилади.

Шу пайт кимнингдир томоқ қиргани эшитилди. Кейин мойсираган эшик ғийтиллаб очилиб, Маҳкам партизан бир қўлини белга, бошқасини ҳассага қўйиб кириб келди. Отага кўзи тушмадими ё одатланиб қолганми, хотинларникидай ингичка овозда чақирган бўлди:

– Хў, ким бор, кираверайми?

Йўлдош ота танимагандай унга бир дам анграйиб қолди. Бевақт ташрифни малол кўргандай жавоб ҳам бермади. Партизаннинг яна томоқ қирганидан кейин ноилож тилга кирди:

– Келавуринг, Маҳкамбой, оёқдан қолганингиз етмай, кўздан ҳам ажрабсиз-да, рўпарангиздаги одамни ҳам кўрмаяпсиз.

– Ҳа, энди курк товукдай нафас чиқармай ётсангиз, қайдан ҳам кўрай. Иннайкейин қариганингдан кейин аста-секин кўз ҳам кўрмай, қулоқ ҳам эшитмай қоларкан.

– Нечук шамол учирди, бизни йўқлаб қопсиз?

– Э, нимасини айтасиз, отагинам, – деди ярашмаган ҳолда салмоқланиб Маҳкам партизан каравотнинг бир четига ўтираркан. – Бир

тўғри келганими? Оғиз тўлдириб гапириш осон! Инқилоб бўлди, биринчилар қатори қўшилдим. Янги турмуш қурамиз, дейишди, лаббай, деб жавоб бердим. Босмачини йўқотамиз, дейишди, уч йилгача отдан тушмай, ўша қароқчиларни қувдим...

– Тўхтанг, Маҳкамбой, сиз қилган инқилоб жафокаш халқингизга нима берди? Сиз қурган янги турмушни нега бугун ҳамма лаънатлаяпти? Ўша сиз қароқчи деганлар ўз юрти ва миллати, дини ва диёнати учун қўлга қурол олган тенгдошларимиз бўлганини ҳали ҳам тушунмадингизми?

Маҳкам партизан Йўлдош отанинг кетма-кет хитобларига жавоб тополмай, ўйга чўмди. Ҳозир, афтидан, у ўзи билан ўзи пинҳона олишаётган эди. Отанинг бир жиҳатдан ҳақлигини сезиб турса ҳам, ғурур қурғурми, қайсарликми – нимадир тан олишни истамас, уни қайириб ташлагани эса далил-исбот тополмай қолди. Ниҳоят, тилга кириб деди:

– Мен ҳамиша ҳукуматга ишонганман, отаги-

нам. Катталарга сиғинганман.

– Сиғиниш учун бундан муқаддас нарса ҳам бор, - деди Йўлдош ота ҳафсаласи пир бўлгандай, қўл силкиб.

– Нима экан ўша сиз айтган нарса? – Маҳкам партизан билиб турса ҳам, қувлик билан сўради.

– Буни мендан яхши биласиз-ку, Маҳкамбой. Шунча умр кўрдингиз, қанча ноз-неъматларни едингиз, ичдингиз, кийдингиз, ишлатдингиз. Аммо шуларнинг эвазига уларни сизга ато этган Аллоҳ учун ибодат қилиб, пешанангиз саждага тегдими?

– Йўқ. Ҳалигача намоз ўқимадим. Аммо Худонинг борлигига ишонаман. Гапнинг рости, илгарироқ бу ишонч ҳам йўқ эди. Ўлиминг яқинлашган сари қўрқадиган бўлиб қолдим. Намоз ўқий, десам, соғлиқнинг мазаси йўқ. Иннайкейин намозликларни ёдлашим ҳам қийин. Хотира ғалвир бўлиб кетган. Нимани ёдласам, шувиллаб тўкилиб қолаверади. Худонинг ўзи кечирар... Иннайкейин, ҳаммаям сизга ўхшаб тақводор, намозхон бўлавермайди-да! Мана, атрофда қанча тенгдошлар юрибди, намоз ўқимайдиган... Биз ҳам ўшаларнинг биттасимиз-да.

Йўлдош ота у билан гаплашиб ўтирганига афсуслангандай оғир бош силкиди.

– Ҳай, майли, бу ёғини эшитинг, – деди Партизан яқинроқ сурилиб: – Нима деяпган эдим боягинда? Ҳа, эсга тушди. Колхоз тузамиз, деди, жонни, молни фидо қилиб туздикми? Қулоқ қиламиз, дейишди, қилдикми? Уруш бошланиб қолиб, беш йил қон кечиб юрдикми? Манави лаънати оғриқчандикларни урушдан орттирмай, қайдан орттирибман? Булар ҳам майли! Урушдан кейинги йиллар-чи? Ана ҳаётимиз яхшиланар, мана ҳамма нарса сероблашар, ана осойишта бахтли замонлар бўлар, деб шу жойга келдик. Энди кексаликда ором топай, десанг, ўз фарзандларинг бутун умрингни, қилган ишларингни йўққа чиқариб, ишонган тоғларингга тупураётган, боғларингни булғаетган бўлса, қандок чидайлик, отагинам? Уйқуларим қочиб кетади, ғазабимдан телевизур ҳам кўрмай қўйдим, радиони ҳам очмай қўйдим. Ахир шунча йил эътиқод қўйган нарсаларинг, шу йўлда қурбон қилган энг яхши йилларингнинг бир кечада сариқ чақачалик қадри қолмаса, одамга алам қилмайдими, отагинам?

Қизишганидан, ҳаяжондан Маҳкам партизаннинг юзи бўғриқиб, кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Асабийлашганидан гап орасида икки марта ёнига тиклаб қўйган ҳассасини ерга дўқиллатиб урди.

Аммо Ота унинг жазавага тушишини ним табассум билан кузатиб ўтирар эди. Партизан оғир сўлиш олганини, яккам-дуккам соқол ўсган иягини жаҳл билан сиқаётганини кўриб, уни саволга тутди:

– Маҳкамбой, мана саксонни қоралаб қўйдингиз. Бирор марта ўзингизга “Мен тўғри яшадимми?” деб савол берганмисиз?

– Нима, мен нотўғри яшабманми? Дардимга малҳам бўлармикин, деб сиздан нажот истаб чиқсам, ҳали сиздан чиққан гап шуми?

– Қизишманг, Маҳкамбой! Бўлмаса, бошқачароқ сўрай. Инсон нега бутун ҳаёти давомида ҳамиша ўзини ҳақман, деб ҳисоблайдию умрининг интиҳосида жуда кўп ишларидан кўнгли тўлмай, дилининг қатида оғриқли армонлар билан ҳаётдан кўз юмади?

– Нимага шама қилаётганингизни тушунолмай қолдим. Нима, мени армонлар қийнаяпти, деб ўйлаяпсизми? Йўқ, адашасиз, Отагинам! Мен ўзимнинг ҳақлигимга ишонаман. Ўтган кунларимга ачинмайман. Фақат ҳозирги нонкўрларнинг, қайта қурамиз, деб ўтмишдаги ҳамма нарсага лой чаплаётгани, бузиб-янчаётгани алам қиляпти, холос. Ахир етмиш йиллик тарихга, дохийларга осилгани билан, ўзидан аввалгиларнинг ҳамма яхши ишларини бадном қилгани билан аҳвол яхшиланиб қолмаяпти-ку! Қайтангга “Кун кундан баттар”, дегандай, ҳамма иш чаппасига кетиб ётипти-ку!

Йўлдош ота ҳозир унга гап уқтириб бўлмаслигини англаб, яхшиси, сукут сақлашни лозим кўрди. Яна кўзларини юмганича хаёлларига берилди. Маҳкам партизан гаплари бўлиниб қолганидан типирчилаб, Отанинг нигоҳини ушлашга ҳаракат қилар, аммо ундан садо чиқмаганига хуноби ошади. Охири яна сабри тошиб, Отанинг оёғини турта-турта гап бошлади:

– Мана, отагинам, ўзингиз ҳам саксондан ошдингиз. Ҳаётингизда асло хато қилмаганмисиз? Ўтган кунларингиздан афсус чекмаганмисиз? Ҳамма ишларингиз ҳақ бўлиб чиқдими?

Ота аввал саволларни тушунмагандай индамади. Кейин қўшнини синаб кўраётгандай кўзларини қувлик билан қисиб, суҳбатдошидан сўради:

– Бордию шундай бўлса-чи?

– Ишонмайман, асло ишонмайман, - дея яна қизишиб кетди Маҳкам партизан. – Агар шундай бўлса, сиз ё мунофиқсиз, ёки ёлғон гапиряпсиз...

– Йўқ, Маҳкамбой, ҳеч кимга мунофиқлик

қилмаганман. Сиз билан баҳслашгим йўқ эди. Лекин мажбур қилиб қўйдингиз. Энди ҳаммасини гапираман...

Ота қаддини ростлаб тикланди. Ялпайиб кетган ёстиқни белига қўйди. Кейин Маҳкам партизанга ўткир кўзларини тикканича асабий гапира кетди:

– Ҳа, ҳа, сиз гумон қилаётган бўлсангиз ҳам, мен ўтган ҳаётимга афсус қилмайман, ишларимдан ўкинмайман. Чунки ҳеч қачон виждонимга қарши иш қилмадим. Нафсимнинг сўзига кирмадим. Қалбимни алдамадим. Инсонни энг аввало нафс, манфаат ҳалок қилади. Бўйнига сиртмоқ солади. Йўлдан оздиради. Эсингиздами, инқилоб йилларида қирчиллаган йигитлар эдик. Нега ўшанда сизларнинг сафингизга қўшила олмадим, янги тузумни қўлда қурол билан ҳимоя қилмадим? Чунки йўлларимиз бошқа-бошқа эди. Сизлар манфаат учун, бирорта амалга миниш ёки яхшироқ, беҳавотирроқ яшаш учун замонасозлик қилганда, мен барча ҳузур-ҳаловатдан воз кечиб, ғарибликни, очлик-юпунликни маъқул кўрдим. Сизлар иссиқ хоналарда яшаб, шоҳона идораларда ишлаб, пўрим кийиниб, виқор билан турганларингда, мен “халқ душмани” тамғаси билан турманинг совуқ ва тор хонасида кун санаб юрдим. Сизлар шоҳона тўйлар қилиб, фарзанд уйлаганда, мен ҳали уйи ҳам, хотини, бола-чақаси ҳам йўқ бенаво эдим. Нега шундай бўлди, биласизми?

– Ҳар ким ниятига яраша кун кўради, отагинам? Сизнинг қисматингиз шундай бўлса, мен айбдор эмасман-ку!

– Ҳа, сиз айбдор эмассиз! Лекин агар бошқатдан умр берилса, яна худди шу қисматни танлаган бўлардим.

– Тушунолмай қолдим, гоҳ ҳаётингиздан нолийсиз, гоҳ шуниси ёқади, дейсиз...

– Ҳа, ҳеч кимга тушунтиролмаيمان бунини. Аниқроғи, ҳеч кимнинг тушунгиси келмайди. Шунинг учун ҳамма мендан ўзини олиб қочади. Аммо мен Яратгандан бўлак ҳеч кимнинг раҳм-шафқатига ҳам, муомаласига ҳам муҳтож эмасман...

Энди Маҳкам партизан шеригига тасалли беролмай, довдираб қолди. Ота ҳаяжонланиб кетганидан нафаси бўғилган, ўзи сал ҳансираб, қўлларини қўйгани жой тополмагандай, гоҳ ёнига ташлар, гоҳ тиззаларини силарди. Кейин бир оз шаштидан тушиб, хотиржамроқ ҳолатда сўз бошлади:

– Маҳкамбой, қани айтинг-чи, инсонга яшаш учун нима керак?

Маҳкам партизан саволнинг тагига етиб бормадими ёки жавоб бергиси келмадими, индамай қўяқолди. Отанинг ўзи жавобини айтди:

– Ҳўп, егани овқат, кийгани бир-икки сидирға кийим, яшагани бошпана, боринг, ана болачақани уйлаб-жойлаш... Бу дунёга келиб, чоп-чоп қилганимиз, ўзимизни ҳар қиёфага солиб, ўту чўққа урганимизга ана шу нарсалар сабабми? Шуларга эришамиз, деб эътиқодимиздан ва виждонимиздан воз кечамиз. Ўзимиздан нодон одамлар олдида думимизни ликиллатамиз. Марҳамат кутиб, динимизни, тилимизни, уларга қўшиб юртимизни сотамиз. Сал орият кучли бўлса-ку, ҳай-ҳай, йўқса, хотинимизни топшириб қўйишдан тоймаймиз. Ҳарна йўқ, ёғлироқ овқат есак, уйларимизни шоҳона, нақшинигор қурволсак, тагимизда яп-янги улов минсак... Эртага нафсимиз яна ҳакалак отади. Кеча қурган уйимиз кулбага ўхшаб кўринади. Кеча ўтирган курсимиз торроқ, қаттикроқ туюлади. Бошқалар хорижий машинада юрсаю, биз ўша шалдироқ “Москвич”дами? Йўқ! Яна думни ликкилатамиз. Яна мўлтониларча қуллуқ қиламиз, етти букиламиз. Керак бўлса, эркимизни ҳам, ориятни ҳам, виждоннинг қолган бирор парчасини ҳам, имону диёнатни ҳам пуллайверамай. Кеп қолинг, пуштипаноҳлар, опқолинг, акахонлар! “Дод” деворгингиз келмайдими шунақада, Маҳкамбой?

Маҳкам партизан Отанинг “айний” бошлаганини сезди шекилли, мурасага юрди:

– Айтганларингиз тўғри, отагинам. Одамларда инсоф-диёнат қолмади. Ҳамма нафс йўлига кириб кетди-да ўзи. Ҳай, мен энди турай, бел ҳам адоий тамом бўпти. Мана, анча ҳасратлашиб, юракларнинг ғуборини ёздик. Ҳўп, келин овқат қилган бўлса, чиқариб юборарман...

Йўлдош ота унинг гапни чала ташлаб “қочаётганидан” тутоққанини сездириб қўймаслик учун гапирмади ҳам, қўшнинг хурмати учун ўрнидан қўзғолиб ҳам қўймади. Фақат ана шу воқеадан уч кун ўтиб Маҳкам партизаннинг жанозасида турганида охириги учрашувларида қўшнисига тасалли бериб, кўнглини ололмаганига ўқинди, юрагидан оғир хўрсиниқ отилиб чиқди.

ИЙМОН ҲАЛОВАТИ

(Давомли асарнинг боши 4,5,6,7,8,9,10,11 ва 1-сонларда)

Менга буларни тушунтирадиган ким бўлиши мумкин? Энг яқин сирдошим дадам эдилар. Аммо у киши билан менга тинчлик бермаётган, қалбимга безовталиқ ва ғашлик солган мавзулар ҳақида гаплашишнинг иложи йўқ эди. Дадамнинг назарларида мен ҳамон кўп нарсага ақли етмайдиган бола эдим. Чин юракдан сирлашишга, у кишига қалбимни очишга ботинмасдим ҳам. Яна у кишининг ана шундай «қалтисроқ» гапларга аллақандай бепарво муносабатда бўлиш одатлари ҳам бор эди. Илгари ҳам берган саволларим устида бош қотиргилари келмай, ё онамларга ёки мактабдаги муаллимларимга йўллар, бу ҳам камлик қилгандай ўзимни овсарликда, каллани ишлатмасликда айблаб сўкишга тушар эдилар...

Устозларнинг ҳам бу соҳада менга ёрдам беришлари унча ишонмас эдим. Чунки уларнинг деярли ҳаммаси бу масалаларда менга ўхшаб фикр юритишар ёки нимадандир қўрқибми, истиҳола қилибми, Худога ишонишларини атрофдагилардан пинҳон тутишар эди.

Тўққизинчида ўқиб юрганимда тарих муаллими-миздан «Дин нима ўзи?» деб сўраганимизда, у бундай жавоб берган эди: «Ўқувчилар, дин – эксплуататор гуруҳлар ўйлаб топган бир сафсата, холос! Улар халқни ўз қарамликларида тутиб туриш учун динни, нариги дунёни ўйлаб топишган. «Бизларнинг бу дунёда мазза қилиб яшаётганимизга ҳадеб ҳасад қилаверманглар, сизлар ҳам нариги дунёда роҳат-фароғатни кўрасизлар» деб алдаш учун уларга дин керак бўлган», деди. Шунда муаллимларимиз тинмай «пассивсан» деб маломат қиладиган синфдошим Баҳром: «Худо йўқ бўлса, унда нега одамларда Худо тушунчаси пайдо бўлган?» деб сўраб қолди. Бунга ҳам муаллим ўйлаб ўтирмай қуйидагича жавоб қилган эди: «Болалар, ибтидоий жамоа тузуми ҳақида ўқиганларингизни эсга олинглар. Ярим ёввойи одамлар момақалди-роқ, чақмоқ, зилзила каби табиий офатлардан қаттиқ қўрқишар эди. Билимсизликлари учун «бу табиат ҳодисаларини бошқариб турадиган қандайдир қудратли куч бўлса керак» деб ўйлашарди. Ана шундай фикр-ўйлар уларда Худо ҳақидаги тушунчаларни пайдо қилган. Масалан, қадимги юнонлар тушунчасига кўра худолар кўп: уруш худоси, гўзаллик худоси, ёгинлар худоси, олов худоси ва ҳоказолар бўлган. Бизлар эса худоларга ҳам, дин деган сафсатага ҳам ишонмаймиз».

Демак, муаллимлардан ҳам ёрдам кутиш амри маҳол нарса. Шундай пайтларда авваллари раҳматли бувижоним жонимга ора кирардилар. Афсуски, энди у киши орамизда йўқлар. Шу фикрлар хаёлимдан ўтдию бувижонимнинг қабрда қандай ётганларини кўз олдимга келтира бошладим. Агар «Учтака» айтган гаплар тўғри бўлса, инсон учун қабрдаёқ охират ҳаёти бошланар эмиш. Дафн этилиши биланоқ икки фаришта уни сўроққа тутармиш. Бундан яхши ўтса,

дунёда савоб ишларни кўп қилган бўлса, унга жаннат кўрсатиб қўйилар экан. Гўёки у борар жойини томоша қилиб ётармиш. Агар фаришталарнинг сўроғига жавоб бера олмаса, гуноҳи кўп бўлса, қабрдаёқ унга дўзах даҳшатлари кўрсатилар экан.

Дўзах ҳақидаги хаёллар туфайли танамга титроқ кирди. Ҳатто жаҳим тортиб қолгандай қийшайиб кетди. Қизиқ, аввал дўзах, ўлим, қиёмат, савол-жавоб деган гапларни эшитганимда сира таъсир қилмас эди. Шунчаки бир эртақ-афсона эшитгандай ҳатто бирор туқим сесканиб қўймасди. Бу не ҳолки, бугун биргина бу ҳақдаги хаёлнинг ўзидан қўрқув босяпти.

Қўрқувим сабаблари ҳам ўзгариб қолганга ўхшайди. Авваллари дадамнинг сўкишлари, ойижонимнинг йиғи аралаш қарғанишлари, имтиҳондан йиқирилиш, бошлиғимиздан дашном эшитиш, бирор ёмон дардга чалиниш, фалокатга учраш каби нарсалардан қаттиқ қўрқар эдим. Энди «Учтака»нинг миямга қуйиб ташлаган ваҳимали гаплари ана шу қўрқув мезонларини ҳам остин-устун қилиб ташлади.

Вужудимга, қалбимга нариги дунё манзараларидан қўрқув жойлашиб олди. Шу пайтгача ишониб, суяниб, ёрдам кутиб, эътиқод қўйиб юрган нарсаларимнинг ҳаммаси пуч нарсалар бўлиб чиқди. Гўё қумдан қуриб олган қасрида мазза қилиб яшайман, деб турганида қасри битта чертки билан қулаб-майдаланиб кетган одамнинг аҳволига тушиб қолган эдим. «Учтака»нинг ўн саккиз кун мобайнида мени намозга тарғиб қилиб айтган ваъз-насихатлари ана шу мўрт эътиқод қасримни вайрон қилган қаттиқ чертки бўлди. Бу чертки онгимдаги телбанамо ва қайсарона фикр-тушунчаларимни пардек тўзғитиб ташлади. Шунча йил мобайнида ишониб юрган ақидаларимни шиша каби чил-парчин қилиб юборди.

Ишхонам деразасидан ҳиссиз тикилиб ўтирар эканман, хаёлимга «Учтака»нинг гоҳо жўшиб, гоҳо афсуслангандай ҳорғин айтган гаплари келаверади. У кетар чоғида гўё менга бир жумбоқни ташлаб кетгану уни ечолмай, тагига етолмай қийналаётган терговчидай бошим қотган, руҳим тушиб кетган, қўлим ишга бормас эди. Бутун фикри-ёдимни жавобсиз савол-

лар банд қилган: «Уста айтаётган оддий ҳақиқатлар нега мени бунчалар ўзгартириб ташлади? Нега мен ҳозиргача ишониб юрган нарсалар бугун ёлғонга ўхшаб кўриняпти? Нега Уста англаб етган нарсалар атрофимдаги минглаб одамларни ташвишга солмайди, парвосига келмайди? Дунё ва охират деган тушунчаларнинг асл ҳақиқати қаерда? Нега кўпчилик одамлар мусулмон саналадию лекин устачалик этиқоди мустаҳкам, иймони бутун эмас?» Миямда чарх ураётган бу саволлар қаршисида ожизу-лол ва ҳайрон эдим...

* * *

Ҳаётимда аслида ҳеч нарса ўзгармагандай: ишга бориб-келиб турибман, кечқурун улфатлар билан тўпланиб чақ-чақлашамиз, бир-икки соатни Интернет клубда совурамиз ёки бирортамизникида тўпланиб филм кўрамиз, зиёфат уюштирамиз. Кейин уйга келаман. Дадам ҳали ишдан қайтмаган бўладилар. Ойимлар ҳар қачонгидай ишлари кўплигидан, вақт етишмаётганидан, иккита эркакнинг юмушини қиламан деб ўйин-кулгини ҳам эсдан чиқариб юборганларидан шикоятни бошлайдилар. Бу гапларнинг ҳаммаси менга қаратилган бўлади: «Тезроқ уйлансанг, келин келиб уй юмушларини қўлимдан оларди» демоқчилар.

Соддагина ойижоним-ей, ҳозирги пайтда қайси қиз уйда қолиб, кир ювиш, овқат қилиш, нон ёпиш каби ишларни бажаришга рози бўларкин?! Агар курсдошларимни назарда тутаётган бўлсалар, чучварани хом санабдилар. Ҳаммасининг нияти бир хил: бадавлатроқ хонадонга келин бўлса, «престижнийроқ» иш топиб олса, ишдан сўнг эр-хотин бирорта ресторанда кечки овқатни қилиб қайтишса, кейин танса-манса, концерт-монсерт, тунги сайр деган кўнгилхушликлар бўлса, бас! Ота-онага хизмат қилиш ёки уларнинг кўнглини олиш, эрнинг кийимини ювиб-дазмоллаш ёки тугмасини қадаш, таом тайёрлаш ёки бола боқиш деган гаплар улар наздида маданиятсизлик, ғирт қоқоқлик: «Фу, нега ҳозиргача бирорта хизматчи олмагансизлар, Умид ака?». Ғарбона сериалларни кўравериш оила ҳаётини фақат кўнгилхушлик, лаззат, ўйин-кулги деб тушуниб бўлган.

Кўчадаги қизларга ўйланиш ҳақида ҳатто ўйлашга ҳам қўрқаман. Йигитлардай чўрткесар, сал нарсага жаҳли чиқиб, бақир-чақир қилиб юборадиган, пулсиз одамга дуч келса ҳайвонот боғида эшакни кўргандай энсаси қотадиган бу ойимчаларнинг бир йигитга садоқатли, итоаткор хотин бўлишига асло ишонмайман. Уларнинг ҳатто кийиниши ҳам битта-яримта ошиқнинг ўтакасини ёриб юборади: торлигидан думбаси ёриб чиқаман деб турган жинси шим, киндикка етмай қолган тор майка, оёқда тепса қоринни тешадиган бигизпошна туфли... Сочнинг қайси рангдалигини энг моҳир рассом ҳам топиб бера олмайди. Юз-кўзга чапланган бўёқни тортадиган бўлсанг, тарози кўтара олмайди. Ойим ҳам бундай қизларни келин қила олмасликлари кундай равшан!

Бугун ҳам кечки ўн бирларда уйга кириб келдим. Ойим рўзғор ишларини саранжомлаб, сеvimли сериал-

ларини кўришга ўтирган эканлар. Менинг индамай хонамга кириб кетаётганимни кўриб: «Умид, овқат олиб қўйганман, еб олмайсанми?», деб қолдилар. «Қорним тўқ», дедиму секин хонамга йўрғалаб қолдим. Сабаби, боя улфатлар билан жиндай пивоҳўрлик қилувдик, ҳидини сезиб қолсалар тўпалон кўтариб юборадилар. Дадамлар-ку индамайдилар, қайтага «кап-катта бўлиб қолди, оз-моз татиса ҳеч нарса қилмайди, бу ҳам йигитликнинг бир шаъни», деб ёнимни оладилар.

Ойимнинг ичкилик масаласида қаттиқ туришлари кичик тоғамларнинг алкаш бўлиб қолганлари сабабидан, шекилли. Укалари уйдаги ҳамма нарсани сотиб ичарди Пул тугаб қолса, ойимнинг ишхонасига бориб сўрашдан ҳам орланмас эди. Гоҳида бизникига ҳам довдираб келиб қолади. Кўча эшиги олдида туриб секин: «Поччамиз қаердалар?» деб сўрайди. Дадамнинг уйда йўқликларига ишонч ҳосил қилганидан кейингина ичкарига киради. Ҳовлидаги каравотга ёки елим курсиларнинг бирига омонатгина ўтириб, негадир юзига фотиҳа тортади. Кейин имлаб олдига чақиради. Бирор киши эшитиб қолмасин, дегандай шивирлаб: «Умид-жон, халадилликда поччам яримлатган шишалардан бўлса опчиқмайсизми?» деб ялинади. Тоғамларга «йўқ», дея олмайман. Шишанинг оғзини маҳкамлаб қўйинга тикадилару хайр-маъзурни ҳам насия қилиб секин жўнаб қоладилар.

Ҳозир каравотимга ўтириб, кўча кийимларимни ҳафсаласизлик билан ечар эканман, тоғамнинг аҳволларини ўйлаб ачиниш кетдим: машина тузатадиган қўли гул уста эдилар. Ана шу ичкилик туфайли ҳамма нарсадан мосуво бўлдилар. Қўллари қалтираб ишга ярамай қолганларидан кейин устахонани ҳам сотиб ичдилар. Маҳалла-кўйда обрў деган нарса қолмаган. Хотин ва фарзандлар юз ўгирган. Ҳаёт бутунлай издан чиққан. Ҳамма нарсага лоқайд қарайдилар. Ҳеч нарсанинг қизиғи қолмаган. Бир вақтлар чақнаб-ёниб турган кўзларидан ҳеч қандай маъно уқа олмайсиз.

Тоғамларнинг тақдирларини ўйлар эканман, лоп этиб «Учтака»нинг гаплари ҳаёлимга келди: «Дунё ҳаётида Парвардигор амрларида юрмаган, гуноҳлардан қайтмаган инсон бор-будини ютқазган қиморбоздан ёки ҳамма мулки-молидан ажраб «синган» тожирдан ўзгаси эмас. Аллоҳга итоат, ибодат қилмас экансиз, сизнинг дунёга келиб-яшаб кетганингиздан тариқча маъно йўқ. Иймон, ихлос бўлмас экан, барча яхши ишларингиз, хуш ахлоқингиз сийқа тангадай қадрсиз, бекор».

Тоғамнинг қисмати ана шу гапларнинг ҳақлигига энг яхши исбот-далил эди. «Учтака» айтганидай, Худо яхши ишлар, ширин ҳаёт учун яратган бир инсон нафс кўйидами, иродаси бўшлиғи туфайлими ёки жаҳолат сабабиданми хароблик, хўрлик кўчасига кириб кетган эди. Демак, битта адашган инсон одамлар кўзига шунчалик хунук ва аянчли кўринар экан, бундан ҳам оғир гуноҳларни қилиб юрган, ҳеч нарсага ишонмайдиган кимсаларнинг ҳоли не бўларкин?...

Аҳмад МУҲАММАД

КУЧ – АДОЛАТДАДИР!

Тўғри ҳаракат қилсам, менга эргашинг. Тўғри йўлдан чиқсам, мени тўғри йўлга солиб қўйинг.

Абу Бакр Сиддиқ

Ҳокимият жиловидан одил подшоҳ қўлида бўлса, ҳамма адолатли бўлишга ва яхши хислатларни эгаллашга интилади. Аксинча бўлса, халқ ёлғончилик ва бошқа ярамас ҳатти-ҳаракатларга мойиллик кўрсатади.

Жалолитдин Давлоний

Мол зикналарнинг, қурол кўрқоқларнинг, раҳбарлик заифларнинг қўлига тушса, ишлар бузилади.

Абу Бакр Сиддиқ

Куч билан ўрнатилган ҳокимият куч билан сақлаб турилади.

Пол-Анри Голбах

Агар олийжаноб ва оқил кишилар аҳмоқ ва пасткашларни бошқаришса, ана ўшанда чинакам тартиб ҳукмрон бўлади.

Мо-Сзи

Ким хотиржам ҳукмдорлик қилишни истаса, ўзини найзалар билан эмас, барчанинг меҳр-муҳаббати билан иҳота этсин.

Периандр

Бир золим бирор кишини хафа қилса, йиғлатсаю, мазлум у золимга қарши ҳеч нарса қилолмаса, мазлумнинг кўнгли озор топгани учун Ҳақ таоло золимдан унинг ҳақини олади.

Исмоил Фақируллоҳ

Маънавиятдан маҳрум сиёсатда қонунлар нима ҳам қила оларди?

Бенжамин Франклин

Нимани қиссалар – у кенгайди, нимани заифлаштирсалар – у кучаяди, нимани йўқ қилсалар – у янгидан пайдо бўлади. Ким бошқадан ниманидир тортиб олмоқчи бўлса, ўзиникини йўқотиши муқаррар.

Лао-Сзи

Кимга ҳокимият ишониб топширилган бўлса, унинг хулқида намоён бўладиган кичик қусурлар ҳам катта бўлиб кўринади.

Плутарх

Агар томонлардан фақат биттаси айбдор бўлганида одамлар ўртасидаги низо бунчалар узоқ чўзилмасди.

Франсуа Ларошфуко

Қонунларнинг шафқатсизлиги кўпинча уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилади.

Монтескье

Мамлакатда тақиқлар кўп бўлса, халқ қашшоқлашади.

Лао-Сзи

Агар ҳукмдор жабр-зулм қилмоқчи бўлса ёки шундай қилса, Аллоҳ унинг мамлакати аҳолисида, унинг бозорларини ризқларидан, экинларини чорваларидан ва барча нарсалардан баракани кўтариб қўяди. Агар у яхшилик ё адолат қилмоқчи бўлса, Аллоҳ унинг мамлакати аҳолисида ва барча нарсаларга барака ато этади.

Ваҳб ибн Мунаббаҳ

Мутлақо доно ҳукмдор донишмандликка эмас, қонунга таяниб иш кўради. Агар у қонундан воз кечиб, илмни афзал кўрса, унинг фуқаролари ўз ишларини ташлаб, шухрат кетидан қува бошлашади.

Шан Ян

Султоннинг хизматида бўлсанг ҳам суҳбатидан ўзингни тий.

Муъиниддин Жувайний

Иккала даъвогар рози бўлишибдию, қози рози бўлмабди.

Абу Райҳон Беруний

Обиднинг ибодати нафсини, одилнинг адолати оламни ислоҳ этар.

Араб ҳикмати

Баъзи ёзилмаган қонунлар ёзилганларидан кучлироқдир.

Сенека

Куч – адолатдадир!

Амир Темур

Адолат – охиратда нажот, дунёда саодат бошидир.

Али ибн Абу Толиб

Найзалар билан ҳамма ишни қилиш мумкин, фақат уларнинг устида ўтириб бўлмайди.

Наполеон

Икки эр ҳайвон олишади, ўртада пашша янчилади.

Маҳмуд Қошғарий

Кимки тиғ кўтарар биров жонига, Замон ташна бўлур унинг қонига.

Абулқосим Фирдавсий

Жазолашдан кўра кечирмаклик мардликдир. Ожиз одам кечиролмайди. Афё этиш кучлилар фазилатидир.

Махатма Ганди

Дунё (юрт) ободлиги тўртта нарса сабабидан: раҳбарлар адолати, олимлар илми, бойлар саховати, муҳтожлар дуоси.

Абу Ҳомид ал-Ғаззолий

ЖАННАТ РАЙҲОНЛАРИ ҚУДДУС АМАКИНИНГ САБОҚЛАРИ

О'Н БИРИНЧИ САВОҚ

RO'ZA, ZAKOT, HAJ HAQIDA

Assalomu alaykum, erkatoylarim, qo'zichoqlarim!

Chin musulmon bo'lishimiz uchun nima qilishimiz kerak? Iyi, iyi darrov esdan chiqarib qo'ydingizmi? Esladingizmi, ha yashang! Buning uchun avvalo iymonli bo'lish, keyin yana namoz o'qish kerak ekan. Buni hech esdan chiqarmang, xo'pmi?

Bugungi mashg'ulotimizda Islom dinining qolgan uchta ustuni – ro'za, zakot, haj nima ekanini tushuntirib beraman. Avval ro'zadan boshlaymiz.

Ro'za – ramazon oyida 30 kun erta tongdan shom bo'lguncha ovqat yemaslik, ichimlik ichmaslik, keyin kattalarga taalluqli ayrim ishlarni qilmaslik kerak, degani. Ramazon oyi oylar ichida eng ulug'i, tabarrugi. Shuning uchun Alloh taolo shu oyda bandalariga (ya'ni siz bilan bizga o'xshagan barcha odamlarga) ro'za tutishni buyurgan. Shundoq ulug' Podshohimiz ana shunday ulug' oyda ro'za tutishni buyurgan bo'lsa, bizlar nima qilamiz? Jon-jon deb bajaramiz, to'g'rimi asal-qandlarim?! Sizlar ham ota-onalaringizga qo'shilib ro'za tutishni o'rganib tursangiz, Alloh taologa judayam yoqib qolardingiz-da!

Shuni yodingizda saqlangki, Ramazon oyida juda odobli bola bo'lib yuriladi. Yolg'on gapirilmaydi, urishib-so'kishilmaydi, kattalarni xafa qilinmaydi. Bu yomon ishlarni boshqa vaqtda ham qilish yaxshi emas. Ammo Ramazon oyida qilsangiz juda uyat bo'ladi. Bu oyda ro'za tutishdan tashqari, Qur'oni-karimni o'qishni o'rgana boshlasangiz, suralarni juda tez va chiroyli yodlaydigan bo'lasiz. Kechqurunlari «Tarovih» namozlari o'qiladi. Masjidlarga borib, ana shu namozda kuchingiz yetganicha qatnashsangiz, Payg'ambarimizni sevintirgan bo'lasiz.

Islom dinining to'rtinchi ustuni «Zakot» deyiladi. Puli ko'p, boy odamlar boyliklarining qirqdan bir bo'lagini kambag'al, yashashda qiynalib qolgan qarindoshlariga yoki qo'shnilariga berib, ularni xursand qilishi zakot bo'ladi. Chunki Alloh taolo shunga buyurgan. Alloh buyurgan ekan, demak, hamma quloq qoqmay bajarishi kerak, to'g'rimi?

Alloh taolo boy odamlarni bekorga zakot


berishga buyurmagan. Mana, o'zingiz o'ylab ko'ring. Sizlarnikida ovqat, kiyim juda ko'p. Dadangizning pullari ham ko'p. Xohlasalar sizga bir emas, ikkita velosiped olib berishlari mumkin. Lekin xolangiznikida yoki qo'shni amakinikida ko'pincha ovqatlariga go'sht ham solinmaydi. Ularning bolalari maktabga yirtiq poyabzalda keladi. Hatto daftar-ruchka sotib ham ololmaydi. Shundoq bo'lgach, dadangiz o'sha qiynalib qolgan qarindosh yoki qo'shniga yordam bersalar, ular ham xursand bo'lishadimi? Bolalari sevinib ketadimi? Bunga siz ham quvonasizmi? Alloh taolo zakot berishni buyurib, adolatli ish qilibdimi? Ana ko'rdingizmi, Alloh taolo qanaqangi odil, mehribon zot ekan!

Dinimizning oxirgi beshinchi ustuni – «Haj» deyiladi. Haj – yo'lkiraga pul topgan, uyida hamma zarur narsasi etarli yoshi katta amakilaringizning Arabistondagi Makka shahriga borib, o'sha yerdagi Haram degan rossayam katta masjidning o'rtasidagi Allohning uyi – Ka'bani yetti marta tavof – ziyorat qilishlaridir.

Ular Arofat degan toqqa chiqib, gunohlarini kechirishni so'rab Allohga yolvoradilar, duo qiladilar. Keyin Safo va Marva degan ikki tog' orasida etti marta uyoqdan-buyoqqa borib kelishadi. Zamzam bulog'idan shifobaxsh suv ichishadi. Shaytonga tosh otishadi. Shu amallarni bajarib, gunohlaridan xalos bo'lib qaytishadi. Haj qilgan amakilar «Hoji» deb ataladigan bo'ladi. Haj qilishni ham Alloh taolo unkoniyati bor hamma odamlarga buyurgan.

Shunday qilib, mening jajji shirintoylarim, Islom dinimizning beshta ustunini ham bilib oldik. Ular qaysilar ekan? Ha, barokalloh! Iymon, namoz o'qish, ro'za tutish, zakot berish, haj qilish dinimizning ustunlari, arkonlari ekan. Bular aslo esingizdan chiqib qolmasin, xo'pmi, qo'zichoqlarim?! Keyingi mashg'ulotlarda sizlarga musulmon bolalarning qanday bo'lishlari kerakligi to'g'risida gapirib beraman. Ma'qulmi?!

КИТОБЛАР... КИТОБЛАР... КИТОБЛАР



Ислом оламида ёзилган илк китоб Абдулмалик ибн Журайжнинг (вафоти ҳижрий 150 йил) ҳадис ва осорлар тўпламидир.

Маккаи мукаррамада ёзилган биринчи китоб Мужоҳид, Ато ва Ибн Аббос шогирдлари тасниф этган «Хуруфут-тафсир» китобидир.

Имом Моликнинг «Муватто», Суфён Саврийнинг «Жомеъ» асарлари Мадинаи мунавварада битилган илк китоблардир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга туширилган илк ваҳий Аллоҳ таолонинг «Ўқи!» (Иқроъ) деган илоҳий фармони эди.

«Илм» сўзи Қуръони каримнинг 850 жойида турли кўринишларда келган.

Биргина милодий ўн олтинчи-ўн еттинчи асрларда Ислом оламида илмнинг турли соҳаларида ишлаётган 86.000 таникли уламо бор эди.

Милодий тўққизинчи-ўн иккинчи асрларда Ғарбнинг 95 фоиз аҳолиси ўқиш-ёзишни мутлақо билмаган.

Қоҳирадаги Фотимийлар кутубхонасида илмнинг турли соҳаларига доир икки миллион жилд китоб бўлган. Ўшанда Оврупа Қиролик кутубхонасида бор-йўғи 100 жилд китоб бор эди.

Андалусиядаги «Ал-Ҳикам» кутубхонасидаги мавжуд шеърий девонлар мундарижасининг ўзи қирқ тўрт жилдли китобни тўлдирган.

Тароблусдаги (ҳозирги Ливияда) Бани Аммор кутубхонасида бир миллион жилд китоб сақланган, унда 180 нуссох (нусха кўчирувчи) эртаю кеч китоб кўчириш билан машғул бўлган.

Аҳоли жон бошига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчиликни олган Швейтсария кутубхона-ахборот тармоқлари сони бўйича ҳам биринчи ўринда.

Беш миллион аҳоли яшайдиган Финландияда 1500 оммавий кутубхона, шунча китоб тарқатувчи пункт, 250 та кўча кутубхона (библиобус) ишлаб турибди.

Мусулмон Андалусияси пойтахти Қуртубада (Кордова) бир миллион аҳоли яшаган, 900 та ҳаммом, 283 минг уй, 600 та масжид, 80 минг қаср бўлган. Бу ердаги 80 та мадрасада камбағаллар бепул ўқитилган, 50 та шифохона бепул хизмат кўрсатган.

Ибн Жавзий исмли олим 340 дан ортиқ асар ёзган, бу киши китоб ёзмаган илмнинг бирор соҳаси қолмаган.

Ўнинчи аср улуғ олимларидан андалусиялик Ибн Рушд умри давомида фақат икки кеча китоб ўқимаган: бири уйланган ва иккинчиси отаси вафот этган кеча эди.

1988 йилгача Хитой давлат радиоси Ғарбнинг поп муסיқасини умуман эфирга узатмаган.

Англия телевидениеси «Чорраҳалар» телесериалини 24 йил намоёйиш этган.

Хўжа Насриддин латифаларини биринчи бўлиб ўзбек

ёзувчиси Шариф Ризо тўплаган. У йиққан 800 латифанинг ярмидан кўпроғи 1941 йили китобча ҳолида чоп этилган.

Италия пойтахти Римнинг Остиенсе туманида Шарқнинг машҳур олими Абу Али ибн Сино номида катта кўча бор.

Замонавий ўрис тили луғатида 200.000 га яқин сўз бор.

1645 йилдан Шветсияда нашр этила бошланган «Пост ок инрикес тиднингар» Ер юзидаги энг «кекса» газета саналади.

1656 йил 8 январдан Ҳолландияда чоп этила бошланган «Хаарлемс дахблад» эса энг биринчи реклама-тижорат нашри сифатида тарихга кирди.

Биринчи телевидение рекламаси 1941 йил 1 июлда АҚШ телеканалларида берилган. Ўшанда йигирма сония давомида «Бюлов» маркали соат реклама қилинган.

Адади бир миллионга етган илк журнал Парижда чиқадиган «Пти журнал» эди. Франсиялик ноширлар бу маррани 1886 йили эгаллашди.

АҚШнинг Жоржия штатидаги Мэйконе шахрида жойлашган кийим-кечак дўкони мунтазам реклама берувчи энг «кекса» мижоздир. У 1889 йилдан буён маҳаллий «Мэйкон телеграф» газетасида 33.727 марта реклама ва эълонларини чоп эттирди.

АҚШнинг Чикаго шахридаги «Р. Доннелли ва ўғиллари» матбаа фирмаси йилига 1.300.000 тонна қоғоз ва 70.000 тонна бўёқ ишлатади.

АҚШда 1550 та кунлик, 7500 та ҳафталик газета нашр этилади. Японияда кунига 74 миллион нусхада газета сотилади.

Японлар газета ўқишга ҳар куни ўртача 40 дақиқа вақт ажратишади.

Тайландда китоб, газет-журнал чиқарадиган 11.000 та нашриёт бор.

Жаҳон музейларида бизга ватандош мутафаккирларнинг 200.000 га яқин асарлари сақланмоқда.

Энг қимматбаҳо тасвирий санъат намунаси Леонардо да Винчининг (1452–1519) «Мона Лиза» (Жаконда) асаридир. У 1962 йили Париж суғурта ширкати томонидан 100 миллион долларга баҳоланган.